

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ
Х. Х. НИЁЗИЙ НОМЛИ НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

М. Қ. ШАРИПОВ

ҲОЗИРГИ
ЎЗБЕК ТИЛИДА
СЎЗ БИРИКМАЛАРИ
СИНТАКСИСИ
МАСАЛАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1978

Шарипов М. К. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи, Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1978, 88 бет.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, проф. А. П. ҲОЖИЕВ

Шарипов М. К.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи. /ЎзССР маориф министрлиги, Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли Наманган давлат пед. ин-ти; масъул муҳаррир: А. П. Ҳожиев. Т. «Фан», 1978.—88 б.

Шарипов М. К. Вопросы синтаксиса словосочетаний узбекского языка.

4Ўз

На узбекском языке

Мирсалим Камилович Шарипов

**ВОПРОСЫ СИНТАКСИСА СЛОВСОЧЕТАНИЙ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли Наманган Давлат педагогика институти илмий совети томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир *Д. Мўминова*
Рассом *Н. Циганъэ*
Техмуҳаррир *Т. Шибина*
Корректор *Ф. Умарова*

ИБ № 563

Теринга берилди 3/III-78 й. Боснига рухсат этилди 12/IV-78 й. Формати 60×90^{1/16}. Босмаҳона қозоғи № 1. Қозоғ л. 2,75. Босма л. 5,5. Ҳисоб-нашриёт л. 6,0. Нашриёт № В-154. Тиражи 2000. Р05306. Заказ 65. Баҳоси 90 т.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

Ш $\frac{70103-781}{355(06)-78}$ 2 11-78 © Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1978 й.

КИРИШ

Синтактик қурилишнинг икки асосий типиди мавжуд; гап ва сўз бирикмаси. Ҳар иккиси ҳам синтаксиснинг асосий текшириш объектидир. Синтаксис грамматиканинг бир бўлими сифатида сўз бирикмаларида ва гапларда сўзларнинг бирикиш йўллари, гап ва унинг типлари, уларнинг қурилиши, вазифаси, қўлланиши; сўз бирикмалари, уларнинг структураси, шакли, бирикма таркибидаги сўзларнинг бирикиш йўллари ва типлари, бирикма таркибидаги сўзларнинг вазифаси, бирикмаларнинг турлари ва шу каби қатор масалаларни текшириш билан шуғулланади. Шундай қилиб, синтаксис икки асосий бутунликни — гап ва сўз бирикмаларини текширади ва улар ҳақида қонун-қоидалар яратди.

Синтактик қурилишнинг асосий типларидан бири бўлган сўз бирикмалари масаласи узоқ вақтлардан бери турли даврларда озми-кўпми тилшуносларнинг диққатини ўзига жалб этган. Лекин шунга қарамай, ҳозирга қадар ҳам сўз бирикмалари масаласи тўлиқ ўрганилган ва унинг назарий масалалари ҳал қилинган деб бўлмайди. Академик В. В. Виноградовнинг ҳаққоний равишда кўрсатишича, сўз бирикмаларининг грамматик моҳияти, ҳажми ва чегараси, формаси ва маъноси, сўз ва гапга муносабати каби масалалар ҳали турли тилларда кам ўрганилганлигича қолиб келмоқда¹. Бу гаплар турк тилларига, жумладан, ўзбек тилига ҳам тўлиғича тааллуқлидир.

Гап маълум тилнинг қонун-қоидаларига кўра шаклланган тилнинг бутун бирлиги; у фикрни шакллантирувчи, ифодаловчи ва уш баён қилувчи асосий воситадир. Кишилар ўзаро муносабат қилганларида ана шу муносабатнинг асосий формаси сифатида гандан фойдаланадилар. Гап эса сўзлардан ва сўз бирикмаларидан ташкил топади, сўз ва сўз бирикмалари гапнинг қурилиш материалидир. Шунинг учун гапда сўз ва сўз бирикмаларининг бирикиш қоидалари ҳар бир тил синтаксисининг асосини, ядросини ташкил

¹ Қаранг: В. В. Виноградов. Вопросы изучения словосочетаний, ВЯ, № 3, 1954, стр. 3.

этади². Шундай экан, турли тиллар материаллари асосида сўз бирикмаларини чуқур ва атрофлича ўрганиш зарурияти ўз-ўзидан келиб чиқади.

Сўз бирикмаларини ўрганиш зарурияти бу билан чекланмайди. «Сўзларнинг бирикиш қоидаларида, турли тур ва типлардаги сўз бирикмаларининг тузилиш қонуниятларида тилнинг миллий спецификаси аниқ ва равшан кўринади»³. Шунинг учун турли миллий тилларнинг сўз бирикмаларини текшириш, ўрганиш уларнинг миллий спецификаларини яққолроқ очишга ёрдам беради.

Сўз бирикмаларининг табиати, ҳажми, чегараси, шакли, типлари ва шу кабиларни аниқлаш синтаксис назарияси учунгина аҳамиятли бўлмай, амалий жиҳатдан ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки бу нарса тилнинг структура — семантик хусусиятларини аниқлаш, айниқса, грамматик қурилишнинг турли категорияларининг (морфология ва синтаксис), лексик-семантик категорияларининг ўзаро таъсири ва муносабатларини аниқлаш имконини беради.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилига тўлиғича тааллуқли бўлиб, ўзбек тили сўз бирикмаларини, ўзбек тили материаллари асосида атрофлича ўрганиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса коммунистик қурилиш авж олдириб юборилган ҳозирги пайтда ўзбек тилининг роли ва мавқеи кундан кунга ортиб бормоқда. Натижада ўзбек тилида гап тузилиш қонуниятларининг назарий томонларини тўғри тушунишга ва уни амалда тўғри қўллай олишга интилиш кучаймоқда. Бу эса сўзларнинг ўзаро муносабатларини, сўз бирикмаларининг лексик-семантик хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Сўз бирикмалари анча кенг соҳа. У жуда кўп масалаларни қамраб олади. Кичик бир рисолада сўз бирикмалари ва у билан боғлиқ барча масалаларни қамраб олиш мумкин эмас. Шунинг учун биз ушбу ишда сўз бирикмаларининг айрим томонларини, мунозараларга сабаб бўлиб келаётган баъзи назарий масалаларни баён қилишни лозим топдик.

² Қаранг: Грамматика русского языка, т. II, синтаксис, ч. I, М., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 65.

³ Ўша асар, 11-бет.

БИРИКМА ВА СЎЗ БИРИКМАСИ

Сўзларнинг бирикуви ёки «бирикма» иборалари жуда кенг маънода тушунилади. Ҳар қандай сўзларнинг лексик ва грамматик алоқага киришувидан бирикма ҳосил бўлади¹. Масалан: *Ёз охирида Самарқандда кечалари салқин, кундузлари иссиқ бўлади: туш пайтида шабада тоғдан салқин ва роҳатбахш ҳаво келтирмайди* (Ойбек) гапида қўйидаги сўзларнинг бирикканини кўриш мумкин.

Ёз охири; Самарқандда салқин бўлади; Кечалари салқин бўлади; Кундузлари иссиқ бўлади; Иссиқ бўлади; Туш пайти; Туш пайтида келтирмайди; Шабада келтирмайди; Тоғдан келтирмайди; Салқин ва роҳатбахш; Роҳатбахш (роҳат бағишловчи); Салқин ҳаво; Роҳатбахш ҳаво; Ҳаво келтирмайди; Шабада келтирмайди.

Юқоридаги мисолларнинг ҳаммасида ҳам икки ёки ундан ортиқ сўзлар бирикиб бирикма ҳосил қилган. Лекин шу бириккан сўзларнинг ҳаммаси ҳам бир хил қимматга эга эмас. Масалан, *иссиқ бўлади, туш пайти* каби бирикмаларда бир мустақил ва бир мустақил бўлмаган сўзлар бириккан бўлса, қолганларида мустақил сўзлар бирикиб, бирикма ҳосил қилганлар.

Мустақил сўзларнинг бирикувидан ҳам турли хил бирикмалар ҳосил бўлган. Масалан, *роҳатбахш* икки ўзак-негизнинг бирикувидан қўшма сўз ҳосил бўлган. *Салқин* ва *роҳатбахш* бирикмасида икки тенг сўзлар бириккан, улар тенг ҳуқуқли сўзлар бўлиб, бири иккинчисини изоҳламайди. *Шабада келтирмайди* бирикмаси эса эга ва кесимдаш ташкил топган бўлиб, гапнинг асосидир. *Салқин ҳаво* бирикмасида эса бири иккинчисини аниқлаш, изоҳлаш учун хизмат қилмоқда ва ҳ. к.

Бундан ташқари тилда *кўнглига тугиб қўймоқ, тўнини тескари киймоқ; бир тан, бир жон бўлмоқ; тоқати тоқ бўлмоқ; қанот қоқмоқ* каби бир лексик маънони ифода этувчи бирикмалар ҳам қўлланилади.

Юқоридаги бирикмалар компонентлари, тузилиши, структураси, маъноси, гапда бажарган вазифалари жиҳатидан бир хил эмас, уларнинг ҳар бири ўз хусусияти ва ўз спецификасига эга. Бу бирик-

¹ Проф. А. Ш. Фуломов сўзларнинг алоқага киришини ифодалаш учун «сўз қўшилмаси» терминини қўллашни таклиф этади. *Қаранг:* *Ўзбек тили синтаксисининг баъзи масалалари*, «Ўзбек тили ва адабиёти», № 2, 1969, 13-бет.

маларнинг ҳар бири тилшунослик турли бўлимларининг текшириш объектидир².

Юқоридаги бирикмаларнинг ҳаммасида ҳам, уларнинг қандай сўзлигидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг грамматик алоқага кириши, бир-бири билан қўшиливи натижасида турли хил бирикмалар ҳосил бўлган.

Хуллас, тилда бирикмаларнинг тури кўп. Турли маъно ва грамматик хусусиятларга эга бўлган камида икки сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлади.

Ҳозирги замон тилшунослигида «бирикма» ва «сўз бирикмаси» терминлари ва бу терминлар билан боғлиқ тушунчалар кўпинча бир-биридан фарқланмайди, бир-бирига аралаштириб қўлланилади ёки бир-биридан етарли даражада чегараланмайди³. Бу нарса рус тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам, умуман лингвистик адабиётларнинг кўпчилигида ҳам учрамоқда. Ҳатто рус тилшунослигида сўз бирикмаси назариясини ишлаб чиққан ва бу соҳада жуда кўп иш қилган акад. В. В. Виноградовнинг ўзи ҳам айрим ҳолларда «сўз бирикмаси» терминини кенг маънода «бирикма» маъносида қўллайди⁴.

«Словосочетание» («Сўз бирикмаси») термини пайдо бўлганга қадар «сочинение» (М. В. Ломоносов, М. Смотрицкий, А. Никольский, А. Павловский ва бошқалар) ва «словосочинение» (И. Орнатовский, Н. Греч ва бошқалар) терминлари қўлланиб келинган⁵. «Словосочетание» («Сўз бирикмаси») термини тилшунослик фанига биринчи марта А. Х. Востоков томонидан киритилади.

«Словосочетание» («Сўз бирикмаси») термини пайдо бўлгандан сўнг тилшуносликда турли тушунчаларни ифодалаш учун қўлланиб келди. Масалан, гап вазифасида қўлланувчи айрим мустақил сўз (А. М. Пешковский), аниқловчи ва аниқланмиш вазифасида қўлланувчи икки мустақил сўзнинг бирикуви (Ф. Ф. Фортунатов, М. Н. Петерсон, А. М. Пешковский ва бошқалар), гапнинг бир қисмини ташкил этувчи бир неча сўзнинг бирикуви (А. А. Шахматов), айрим содда ёйиқ гаплар ва ҳатто мураккаб синтактик тузилувлар, яъни ҳар қандай мустақил сўзлар ва уларнинг эквивалентларининг бирикуви (А. В. Добиаш, Ф. Ф. Фортунатов, М. И. Петерсон, А. М. Пешковский ва бошқалар) ва ҳ. к.

Ҳозирги кунда ҳам «сўз бирикмаси» термини остида қандай тушунча ифода этилиши ҳақида турлича курашлар ва фикрлар мавжуд.

² Қаранг: М. М. Г у х м а н. Глагольные аналитические конструкции как особый тип сочетаний частичного и полного слова. Сб. Вопросы грамматического строя, М., 1955, стр. 328.

³ Қаранг: Т. А. Б е р т а г а е в. Сочетание слов и аналитическая конструкция, Сб. Аналитическая конструкция в языках различных типов, М.—Л., 1965, стр. 122.

⁴ Қаранг: В. В. В и н о г р а д о в. Вопросы изучения словосочетаний, ж. «Вопросы языковедения», № 3, 1954, стр. 12—13.

⁵ «Словосочетание» («Сўз бирикмаси») термини ўрнида «группа слов» («сўзлар группаси») терминини қўллаш ҳоллари ҳам учрамоқда. Қаранг: М. В. А н д р е е в с к а я. Вопросы синтаксиса немецкого языка. М.—Л.: 1950, 5—9-бетлар.

Масалан, А. И. Моисеев сўз бирикмаларини жуда кенг маънода тушунади. Унинг фикрича, ҳар қандай сўзларнинг бирикувидан сўз бирикмаси пайдо бўлади. Фразеологизмлар, сўз бирикмаси формасидаги номипант бирликлар — терминлар, топонимлар; эргаш ва тенг бирикмалар, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг қўшилиувидан пайдо бўлган сўз бирикмалари деб атайди⁶.

Акад. В. М. Жирмунский мустақил сўзларнинг қўшилиувидан пайдо бўлган бирикмаларни ҳам, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг қўшилиувидан пайдо бўлган бирикмаларни ҳам сўз бирикмаларни дейди ва айтадики, бирикмаларни сўз бирикмаси ва оддий бирикма деб фарқлаш ўзини оқламайдиган терминологик педантизмдир⁷. Сўз бирикмаларига бундай қараш бошқа авторларда ҳам учрамоқда⁸.

Ҳозирги лингвистик адабиётларда кўпинча «сўз бирикмаси» термини тор маънода — сўзларнинг грамматик бирикувининг маълум бир тури ва кенг маънода — умуман сўзларнинг грамматик бирикуви каби икки хил маънони ифодалаш учун қўлланмоқда.

«Сўз бирикмаси» терминини бундай икки маънода қўллаш аначгина чалкашлик ва ноаниқликка сабаб бўлмоқда. Шунинг учун «сўз бирикмаси» ва «бирикма» терминларига ва улар билан боғлиқ бўлган тушунчаларга аниқлик киритиш, уларни бир-бирдан фарқлаш ва чегаралаш зарурияти туғилмоқда⁹.

Сўзларнинг ўзаро лексик ва грамматик алоқага киришувидан қўшилиувидан умуман бирикма пайдо бўлади. Шунинг учун «бирикма» кенг маънони — ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг лексик-семантик ва грамматик алоқага киришувидан пайдо бўлган бутунлики билдиради. Лекин барча бирикмалар бир хил эмас. Улар тузилиши, компонентларининг ўзаро муносабати, тилда бажарган вазифаси, спецификаси ва ҳ. к. хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқлидирлар. Шунинг учун «бирикма» терминини кенг маънода, «сўз бирикмаси» терминини бирикмаларнинг фақат бир турига нисбатан қўлланиш керак.

⁶ А. И. Моисеев. К типологии словосочетаний в русском языке. Программа и тезисы докладов к IX научно-методической конференции северо-западного зонального объединения кафедр русского языка педагогических институтов, ч. 1. Л., 1967, стр. 36.

⁷ В. М. Жирмунский. О границах слова, Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 23—24; Яна шу автор: Об аналитических конструкциях. Сб. Аналитические конструкции в языках различных типов, М.—Л., 1965, стр. 9.

⁸ Қаранг: Я. В. Лоя. К изучению проблем синтаксиса современного русского языка. НДВШ, филологические науки, № 4, 1962, стр. 202; М. И. Стеблен-Каменский. Грамматика норвежского языка. М.—Л., 1957, стр. 21; А. П. Поцелуевский. Основы синтаксиса туркменского литературного языка. Ашхабад, 1943, стр. 16; Н. К. Дмитриев. Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр. 203 ва бошқалар.

⁹ Қаранг: Ф. Г. Мазур. К вопросу о термине «словосочетание»; Термин «словосочетание» и «член предложения», Ученые записки Кабардино-балкарского гос. университета, вып. 32, 1966.

СЎЗ БИРИКМАСИ

Сўз бирикмалари назарияси совет тилшунослигида кейинги йилларда акад. В. В. Виноградов томонидан ишлаб чиқилди. Ҳозирги тилшунослик фанида сўз бирикмаларига акад. В. В. Виноградов томонидан берилган таъриф сўз бирикмаларининг моҳиятини оча оладиган энг мос таъриф сифатида қабул қилинмоқда.

Сўз бирикмаси предмет, ҳаракат бирлиги ва ҳ. к. ларни ифода-лаш қобилиятига эга бўлган, ягона мураккаб маъноларни ифода-лайдиган, синтактик жиҳатдан ташкил топган ва семаптик томондан бир бутун ҳисобланган икки мустақил сўзнинг бирикувидир¹. Сўз бирикмалари ягона, лекин бўлинган тушунча ёки тасавурларни ифода этиш учун хизмат қилувчи икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг бирикувидан ташкил топган грамматик birlikдир².

Сўз бирикмалари камда икки лексик маънога эга бўлган сўзнинг ўша тилнинг қопун-қондаларига кўра бирикувидан ташкил топувчи мураккаб грамматик бутунликдир. У бир бутун, шу билан бирга, қисмларга бўлинувчи маънони ифода этувчи грамматик birlik (Сўз бирикмаси бутун, яхлит бир маънони ифода этиш билан бирга, унинг таркибидаги сўзлар компонентлари маълум лексик маъноларни ҳам ифода этишлари керак).

Сўз бирикмаларининг компонентлари эркин тарзда муносабатга киришади, шунинг учун сўз бирикмалари эркин синтактик конструкциядир. Сўз бирикмалари эркин синтактик конструкция бўлганлиги учун бир сўз турли гапларда жуда кўп сўзлар билан муносабатга кириша олади ва турли хил сўз бирикмалари ҳосил қила олади. Лекин ҳар қаандай икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг бирикувидан ҳамма вақт сўз бирикмаси ҳосил бўлавермайди, Сўз бирикмаси бўлиш учун унинг таркибидаги сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан муносабатга кириши ва қисмларга бўлинувчи бир бутун, яхлит маънони ифода этиши шарт.

¹ В. В. Виноградов. Вопросы изучения словосочетаний, ВЯ, 1954, № 3, стр. 10.

² Грамматика русского языка, т. II, синтаксис, ч. I, М., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 6.

Сўз бирикмасининг маъноси сўзга нисбатан яхлит, лекин унга нисбатан тор бўлади. Маълумки, сўзда умумлаштирувчилик хусусияти мавжуд. У бир турдаги предмет, белги ёки воқеа-ҳодисаларни умумлаштириб ифодалайди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин тилда фақат умумийлик бор, ҳар қандай сўз (нутқ) умумлаштиради, деб айтган. Масалан, *уй* сўзи одам яшаш ёки ишлаш учун хизмат қилувчи жой маъносини билдирувчи предмет номидир. Шу хилдаги предметларнинг ҳаммаси ҳам *уй*. Бу сўз шу хилдаги предметларнинг ҳаммасини умумлаштириб, кенг маънода қўлланади. *Уй* сўзининг олдидан турли аниқловчиларни келтириш билан сўз бирикмалари ҳосил қилинганда (*баланд уй, паст уй, катта уй, кичик уй, чиройли уй, бир қаватли уй, беш қаватли уй, янги уй, эски уй* ва ҳ. к. каби) *уй* сўзининг маъноси яхлитлашади, конкретлашади ва тораёди, яъни у энди умуман бир турдаги предметларни умумлаштириб эмас, шулардан фақат бирини ажратиб кўрсатади. *Пальто* сўзи кийимнинг бир турини билдирувчи сўз, лекин унинг олдидан аниқловчи келтириб, сўз бирикмаси ҳосил қилинганда (*қишлоқ пальто* каби) энди ҳар қандай ташқи кийимни эмас, ташқи кийимнинг бир турини, фақат қишда кийиладиган қалин пальтони билдиради.

Шундай қилиб, сўз умумни, умумий маънони билдирса, сўз бирикмаси уни конкретлаштириб, конкрет ва яхлит маънони билдиради.

Сўз бирикмаларининг маъноси сўз бирикмаси компонентларининг семантик маъносига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бир хил тузилишга эга бўлган ва бошқарувчи сўзи бир хил бўлган икки сўз бирикмаси турли маъноларни ифодалаши мумкин. Масалан, *қалам ушламоқ*, *балиқ ушламоқ* сўз бирикмаларининг ҳар иккисидан ҳам бошқарувчи сўз бир хил — *ушламоқ*, бошқарилувчи сўзларнинг ҳар иккиси ҳам от, ҳар иккала сўз бирикмаси ҳам бир хилда тузилган, лекин маънолари бутунлай бошқа. *Ушламоқ* сўзи ҳам турли маъноларни ифода этмоқда. Бу ўринда бир хил тузилишга эга бўлган ва бир хил бошқарувчи сўздан ташкил топган сўз бирикмаларининг турли маъноларга эга бўлиши бошқарувчи компонентнинг қандай семантик типдаги от билан алоқага кираётганига боғлиқдир³.

Сўз бирикмасининг маъноси фақат етакчи — бошқарувчи сўзининггина маъносига боғлиқ бўлмай, бошқарилувчи компонентнинг семантик маъносига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирлигидан сўз бирикмалари ҳосил бўлавермайди.

Бир сўз иккинчи сўз билан бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қилинганда фақат ўша бирикаётган сўзларнинг қандай сўз туркумига мансублигигина эмас, балки уларнинг лексик маъноларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳар бир сўз маълум семантик группа билан боғланган бўлиб, ўша группа сўзлар билангина бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қилади. Масалан, *ўқимоқ* феъли қуйидаги семантик группа сўзлар билан бирикиши мумкин:

³ Қаранг: О. С. А х м а п о в а. Очерки по общей и русской лексикологии, М., 1957, стр. 167.

китоб, газета, журнал... ўқимоқ;
мактабда, институтда... ўқимоқ;
қунт билан... ўқимоқ;
қишда, ёзда... ўқимоқ;
тез, секин... ўқимоқ;
кўп, оз... ўқимоқ;
ёддан... ўқимоқ ва ҳ. к.

Учирмоқ феъли:

ёнгинни
свозни

хатни

доскани

рўйхатдан ва ҳ. к.

ўчирмоқ.

Айрим сўзлар бундан ҳам оз, айримлари кўпроқ группа сўзлар билан бирикиши мумкин.

Кўп маъноли сўзлар эса ифодалаган лексик маъноларига кўра турли группа сўзлар билан бирикадилар. Масалан, *пахта термоқ*, *ғишт термоқ* бирикмаларида *термоқ* феъли турли хил маъноларни ифода этмоқда. *Бош пахта*, *бош терим*, *бош вазифа* каби сўз бирикмаларидаги *бош* сўзи «асосий», «биринчи, галдаги» деган маънони билдирмоқда. *Бош* сўзи ана шу маънода, албатта, *пахта* сўзи билан бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қила олмайди.

Бир хил грамматик тузилишга эга бўлган, бир хил сўз туркумларидан ташкил топган, ҳатто тобе ва ҳоким компонентлари бир хил сўзлардан бўлган бирикма ўрни билан сўз бирикмаси бўлиши ва ўрни билан сўз бирикмаси бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар мураккаб грамматик бутунлиқнинг — сўз бирикмасининг ҳар бир элменти бирор мураккаб предмет, белги, воқеа-ҳодиса ва шу кабиларнинг турли томон ва белгиларини алоҳидадан ифодаласа, у тақдирда сўз бирикмаси бўлади. Аксинча, мураккаб грамматик бутунлик бутунлигича бирор предмет, белги, воқеа-ҳодиса ва шу кабиларни билдирса, у тақдирда сўз бирикмаси эмас, қўшма сўз бўлади. Масалан, *оқ уй* бирикмаси икки хил қўлланиши мумкин: *оқ уй* (*у Ленин кўчасидаги тўрт қаватли оқ уй да яшайди*) — сўз бирикмаси.

Оқ уй (АҚШ президентининг саройи) (Президент совет делегацияси бошлиғини *Оқ уйда қабул қилди*) — қўшма сўз

Шунингдек: *оқ қоз*, *оқ девор*, *оқ кўйлак*, *оқ бадан*, *оқ тан*, *оқ соч* ва ҳ. к. лар — сўз бирикмалари; *оқ қанд*, *Оқ армия*, *Оқсой*, *Оққўрғон*, *оққуш*, *оқўрик*, *оқ шеър* ва ҳ. к. лар — қўшма сўзлар, сўзнинг мураккаб эквивалентларидир. Бундай ҳолларда бирикмалар номинация характериға кўра аниқлашиши керак.

Сўз бирикмаси гап таркибига киради. У гапдан ташқарида яшамайди. Сўз бирикмалари номинатив характерға эга бўлиб, гап таркибида маълум номинатив функцияни бажариш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам у тилининг номинатив воситаларидан бирдир.

Бу жиҳатдан сўз бирикмалари сўзға яқин туради ва тилда сўз бажарган номинатив функцияларни бажаради. Лекин сўз предмет,

воқеа-ҳодиса ва шу кабиларнинг содда номини ифодаласа, сўз бирикмалари, одатда, икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган бўлиб, предмет, воқеа-ҳодиса, турли процесслар ва шу кабиларнинг мураккаб номини билдиради, яъни у бутун, шу билан бирга бўлинган тушунча ва тасаввурларни ифодалайди. Масалан, қиёсланг: коммунизм—илмий коммунизм; байроқ—қизил байроқ. *Ўзбекистон республикасининг байроғи; асар—илмий асар, бадиий асар, ғоявий асар; республика—Совет социалистик республикаси, демократик республика, халқ республикаси, буржуа республикаси* ва ҳ. к. лар. Бу сўз бирикмаларининг таркибига кирувчи сўзларнинг ҳар бири алоҳида тушунча ва тасаввурларнинг айрим элементларинигина ифода этмоқда⁴.

Сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг аналитик йўл билан бирикувидан ҳосил бўлувчи синтактик бутунликдир. Сўз бирикмалари таркибига кирувчи сўзларнинг бири бош (ҳоким) сўз бўлиб, иккинчиси эса эргаш (тобе) сўздир. Эргаш сўз бош сўзни ҳамма вақт бирор жиҳатдан изоҳлаш учун хизмат қилади. Шунга кўра сўз бирикмалари сўзларнинг эргашиниш йўли билан алоқага киришувидан пайдо бўлади. Бу эса сўз бирикмаларининг энг характерли хусусиятларидан биридир.

Бош (ҳоким) сўз ўзининг хусусиятларига эга: у ҳамма вақт лексик маънога эга бўлган сўзлардан бўлади; сўз бирикмаларининг маъно ва грамматик маркази саналади; бош сўзнинг қайси сўз туркумидан эканлиги сўз бирикмаларининг қурилишида, унинг турли моделларининг ясалишида асосий роль ўйнайди. Сўз бирикмаларининг структураси, асосан, ана шунга боғлиқ; бош сўз сўз бирикмасининг асосий маркази, эргаш (тобе) сўзнинг формаси ҳам бош сўз талабига кўра ўзгаради; бош сўз қайси сўз туркумига тааллуқлигига кўра маълум группа сўзлар билангина муносабатга кира олади. (Масалан, от иккинчи от билан муносабатга кириша олади, лекин равиш билан муносабатга кириша олмагани каби) ва ҳ. к. лар.

Сўз бирикмаларининг энг характерли хусусиятларидан яна бири уларнинг эркин бирикмалигидир. Лексик маъноларга эга бўлган сўзлар турли грамматик воситалар ёрдамида ўзаро бирикиб, мураккаб, лекин бўлинган тушунчаларни ифодаловчи синтактик бутунлик вужудга келади. Нутқ процессида сўзловчи ўз фикрини баён этиш учун зарур бўлган сўзларни бир-бири билан боғлаб сўз бирикмалари ҳосил қилади ва улардан ўз нутқига фойдаланади. Шунинг учун сўз бирикмаларида сўзларнинг бир-бири билан бирикиши ва қандай сўзларнинг бирикиши нутқ моментининг ўзида содир бўлади.

Юқорида айтилганидек, бир сўз фақат иккинчи бир сўз билангина бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қилиши шарт эмас, ҳар бир сўз

⁴ Қаранг: Е. В. Кротевиц. Словосочетание как строительный материал предложения. Вопросы славянского языкознания, кн. 4, Изд-во Львовского университета, 1955, стр. 59.

маълум семантик группа сўзлар билан бирикиб, бир неча сўз бирикмалари ҳосил қилиш мумкин.

Сўз бирикмалари эркин бирикма бўлганлиги ва сўз бирикмалари компонентлари ўз лексик маъноларини сақлаган бўлганлиги учун уларнинг ҳар бири гап таркибида маълум вазифани бажаради ва гап бўлаги саналади.

Сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ лексик маънога эга бўлган сўзларнинг ўзаро синтактик алоқасидан вужудга келади. Шунга кўра сўз бирикмаси содда — икки сўздан иборат бўлмоғи, мураккаб — иккидан ортиқ сўзлардан иборат бўлмоғи мумкин. Лекин сўз бирикмаларининг характерли хусусиятларидан яна бири шундаки, у неча сўздан ташкил топишидан қатъи назар, бинарлик хусусияти сақланади. Сўз бирикмаларининг асосини ҳам ана шу икки бўлаклилиқ ташкил этади. Сўз бирикмалари таркиби қанча мураккаб бўлмасин, барибир, бинарлилиқ хусусияти сақланади. Масалан, *қизил духоба дўппили ёш бола; қизил духоба; духоба дўппи; дўппили бола; ёш бола.*

Шундай қилиб, сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ лексик маъноларга эга бўлган сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатига киришиб, эркин бирикма ҳосил қилувидан вужудга келади ва бутун, яхлит, лекин сўзга нисбатан тор, конкрет маъноларни ифодаловчи синтактик бутунлиқдир.

СЎЗ БИРИКМАСИ ВА СЎЗ

Сўз ҳам, сўз бирикмалари ҳам тилда жуда катта аҳамиятга эга бўлган бирликлардир. Сўз ва сўз бирикмалари ўртасида кўп жиҳатдан ўхшашликлар мавжуд. Бу ўхшашликлар, асосан, қуйидагилардан иборат.

1) Тил — сўз тили, тилнинг асосини сўзлар ташкил этади. Лекин ҳар бир сўз конкрет бир маъно ифодалагани билан, ҳали у тил эмас. Сўзлар бир-бирлари билан муносабатга киришиб гап бўлгандагина тугал маъно ифодалайдилар ва тил — тил шаклига киради. Лекин сўзлар гап таркибида худди мунчоқни ипга терган каби бирикмайдилар, улар группалашади, сўз бирикмалари деб аталувчи маълум қурилиш характериға эга бўлган сўз группалари ўзаро бирикади¹. Сўзларнинг ана шундай бирикувларидангина гап пайдо бўлади. Хуллас сўзлар гап ичидагина яшайдилар ва шундагина катта аҳамиятга молик бўладилар.

Бу жиҳатдан сўз бирикмалари ҳам сўзларға жуда яқин туради. Улар ҳам нутқда, гапда яшайдилар².

2) Сўзлар тилда номинатив восита бўлиб, одатда, бирор предмет, воқеа-ҳодиса, турли процесслар, белги ва ҳ. к. ларни ифодалаш учун хизмат қиладилар. Сўз бирикмалари ҳам тилда худди шундай вазибаларни бажарувчи номинатив воситалардир³. Бу жиҳатдан сўз ва сўз бирикмалари бир-бириға жуда яқиндир. Лекин сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ, асосан, мустақил сўзлардан ташкил топиб, бирор ягона (мураккаб) лекин бўлинган тушунчаларни ифодалайдилар⁴. Акад. В. В. Виноградов сўз бирикмаларининг бу ху-

¹ Қаранг: А. С. Бархударов. Структура простого предложения в современном английском языке. М., 1966, стр. 12—13.

² Қаранг: О. С. Ахманова. Словообразование в современном английском языке, Известия АН СССР. ОЛЯ, т. IX, вып. 6, М.—Л., 1950, стр. 485—486.

³ Қаранг: В. В. Виноградов. Вопросы изучения словосочетаний. ВЯ, № 3, 1954, стр. 3; О. С. Ахманова. Словообразование. Сб. Вопросы грамматического строя. М., 1955, стр. 454 ва бошқалар.

⁴ Қаранг: Грамматика русского языка, т. II, синтаксис, ч. I, М., 1954, стр. 6.

сусиятларига кўра, уларни «фразеологик бирикларнинг эркин эквиваленти» деб атайди⁵.

Ҳақиқатда ҳам сўз бирикмалари сўзлар каби номинатив функцияларни бажара оладими? Бу ҳақда турли фикр ва қарашлар мавжуд.

Г. Голетиани сўз бирикмалари сўзлар каби тилнинг номинатив воситаси эмас. Агар сўз бирикмалари сўзлар каби предмет, воқеа-ҳодиса ва процессларни ифодалаш учун хизмат қилувчи восита бўлсалар, унда сўз ва сўз бирикмалари ўртасига тенглик белгисини қўйишимиз керак бўлар эди. У тақдирда сўз ва сўз бирикмалари ўртасидаги чегара йўқолган бўлар эди, дейди⁶.

Я. В. Лоя, сўз бирикмалари номинатив бириклик эмас, гапнинг элементидир, деб атайди⁷.

Куйидаги мисолга мурожаат қилиб кўрайлик:

Хоразм областининг қорақўлчилари беш йилликнинг учинчи йили маррасига эришдилар. Улар давлатга қорақўл тери сотиш панини муддатидан илгари бажардилар. («С. Ўзб»). Биринчи гапда гапнинг эгаси сўз бирикмаси (Хоразм области қорақўлчилари) орқали ифодаланган. Иккинчи гапда эса бир сўз билан (улар) ифодаланган. Ҳар иккаласи ҳам гапда бир хил маъно ва бир хил вазифада қўлланган. Лекин фарқ шундаки, биринчи гапда эга сўз бирикмаси — уч сўздан ташкил топиб, мураккаб тушунчани ифодаламоқда. Лекин, шу билан бирга, сўз бирикмаси таркибидаги ҳар учала сўз ҳам лексик маъноларга эга бўлган мустақил сўзлар бўлганлари учун уларнинг ҳар бири маълум тушунчаларни ифодаламоқда. Иккинчи гапда эса унинг вазифасини бир сўзнинг ўзигина бажарган. Бу сўз умумий тушунчани ифодалаган бўлса, сўз бирикмаси унга нисбатан конкрет тушунчани билдирмоқда.

Кўринадики, сўз бирикмасининг вазифаси бир сўз ва, аксинча, бир сўзнинг вазифасини сўз бирикмаси бажариши мумкин. Шундай экан, сўз бирикмалари ҳам сўз каби номинатив функцияни бажаради.

Номинатив вазифалари жиҳатидан сўз бирикмалари ва сўзлар ўртасидаги ўхшашликни тан олиш улар ўртасига тенглик аломатини қўйиш ёки улар ўртасидаги чегарани йўқотишга олиб келади, деган хулоса чиқмайди. Чунки сўз ва сўз бирикмалари тузилиши, лексик, грамматик хусусиятларига кўра тубдан фарқ қиладиган тил категорияларидир.

⁵ В. В. Виноградов. Идеалистические основы синтаксической системы проф. А. М. Пешковского, её эклектизм и внутренние противоречия, сб. Вопросы синтаксиса современного русского языка. М., 1950, стр. 42.

⁶ Г. Голетиани. Слово сочетание как предмет синтаксиса, Труды Тбилисского университета, 65. 1957, стр. 252.

⁷ Я. В. Лоя. К изучению проблем синтаксиса современного русского языка, ИДВШ, филологические науки, № 4, 1962, стр. 202. Бу ҳақда яна қаранг: Проф. М. З. Закиев. Синтаксический строй татарского языка. Казань, 1963, стр. 100, Х. Халияров. Именные словосочетания в современном узбекском языке, АКД, Самарканд, 1966, стр. 7 ва бошқалар.

Бирор тушунча сўз орқали ифодаланганда бир сўз иштирок этади. Сўз бирикмасида ҳам худди сўз каби бирор тушунча ифодаланади, лекин бу тушунча бир сўз билан эмас, лексик ва грамматик жиҳатдан алоқага киришган бирдан ортиқ сўзлар — сўз бирикмалари орқали ифода этилади.

Сўз бирикмаларининг бу хусусияти туфайли, улар (сўз бирикмалари) бир тушунчани ифодалайдими ёки тушунчалар йиғиндиси, суммасини ифодалайдими, деган савол туғилади.

М. Н. Годер бу ҳақда шундай дейди: Сўз бирикмаси бирор воқеа-ҳодисани, у ҳақдаги тушунчани ифодалайди. Лекин бу тушунча содда тушунча эмас. У ягона тушунча бўлиши билан бирга, тушунчаларнинг бирикувидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири бутун сўз бирикмаси орқали ифодаланган тушунчадан фарқ қилади, масалан, «тўғри бурчаклик учбурчак» сўз бирикмаси орқали ифодаланган тушунча икки тушунчанинг бирикувидан ташкил топган: «тўғрибурчаклик» ва «учбурчак». Бундай тушунчани таркибли (составной) тушунча деб аташ мумкин⁸.

А. Ф. Демьяненко, сўз бирикмаси бўлинган тушунчани ифодалайди, лекин бу унинг (тушунчанинг) бутунлигига зарар етказмайди. Ва, ҳақиқатан ҳам, таркибли тушунчанинг диалектикаси шундан иборатки, унинг конструктив асосий белгиси — бу умумдаги яккаликдир, дейди⁹.

Ҳақиқатда ҳам сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар — сўз бирикмасининг компонентлари ҳар бири маълум бир тушунчаларни — бўлинган тушунчаларни ифодалайди. (Шунинг учун ҳам сўз бирикмалари лексик маъно ташувчи сўзларнинг бирикувидан ташкил топади). Шу билан бирга сўз бирикмаси бутунлигича бир бутун, мураккаб тушунчани ифодалайди. Масалан, *пионерлар саройи, тўқимачилар саройи, нефтчилар саройи, партия комитети, комсомол комитети, шаҳар комитети, район комитети, ижроия комитети* ва ҳ. к. Бу сўз бирикмаларининг ҳар бири бир мураккаб тушунчани ифодаласа, уларнинг компонентлари эса мураккаб тушунчанинг элементларини ифодаламоқда.

Шундай қилиб, сўз бирикмаси тушунчалар йиғиндисидан ташкил топган бир бутун, мураккаб тушунчани ифодаловчи грамматик категория, синтактик бирикдир.

Сўз бирикмалари сўзлар каби номинатив функцияларни бажарганлари учун сўзлар каби гап таркибида ҳам, гапдан ташқарида ҳам қўллана оладилар. Гапдан ташқари сўз бирикмалари айниқса сарлавҳалар («Совет Ўзбекистони» газетасининг 17 май 1968 йилги сонида «Ўзбекистон партия активининг йиғилиши», «шонли сана», «қардош оила», «колхоз қудрати», «вводий қиёфаси», «архив ахбороти», «қизил директор», «биринчи боғбон», «қозоқ қўшиқлари», «сахро солномаси», «қалб тўрида», «комсомоллар сафарбарлиги»

⁸ Н. М. Г о д е р. О логической структуре понятия, выраженного словосочетанием. сб. Логико-грамматические очерки, М., 1961, стр. 49.

⁹ А. Ф. Д е м ь я н е н к о. Типы словосочетаний в русской письменности конца XVII начала XVIII в., Киев, 1967, стр. 27.

ва ҳ. к.) газета ва журналларнинг номлари («Совет Ўзбекистони», «Ёш Ленинчи», «Ленин учқуни», «Наманган ҳақиқати», «Шарқ юлдузи» ва ҳ. к.), турли китобларнинг номлари («Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қўшиғи», «Қутлуғ қон», «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кишиларимиз қиссаси» ва ҳ. к. лар), турли ташкилотларнинг номлари (Ўзбекистон Маориф министрлиги, шаҳар партия комитети, район ижроия комитети, область қишлоқ хўжалик бўлими ва ҳ. к.) ва ҳ. к. ларни ифодалашда жуда кенг қўлланади. Сўз бирикмаларининг бу хусусияти улар тилда номинатив функцияларни бажарувчи восита сифатида кенг қўлланишидан далолат беради.

Сўз бирикмаларининг барча типлари ҳам предмет, воқеа-ҳодиса, белги, турли процесслар ва ҳ. к. ларнинг номларини ифодалаб, номинатив функцияларга қўллана оладилар. Сўз бирикмалари сўзлардан, ҳатто сўз бирикмаларига кўп жиҳатдан яқин турувчи қўшма сўзлардан тубдан фарқ қилишларига қарамай, тилда сўзлар каби номинатив функцияларни бажарадилар ва бу жиҳатдан сўзларга яқин турадилар.

3) Худди сўзлар каби сўз бирикмаларида ҳам предикативлик хусусияти йўқ. Предикативлик фақат гапгагина хос бўлиб, агар сўз бирикмалари ҳам предикативликка эга бўладиган бўлса, у тақдирда сўз бирикмаси гапга айланади. Шунингдек, сўз бирикмалари ва сўзлар учун модаллик, шахс, замон категориялари ҳам хос эмас. Бу категориялар фақат гапгагина хосдир.

4) Сўзлар лексик, грамматик хусусиятларига кўра, одатда, сўз туркумларига ажратиладилар, классификация қилинадилар.

Сўз бирикмалари камида икки сўзнинг бирикувидаш ташкил топиб, улардан бири бош сўз саналади. Бош сўз сўз бирикмасининг асосини, ядросини ташкил этади. Бош сўз қандай сўз туркумига мансуб сўз билан ифодаланганлигига кўра сўз бирикмалари ҳам классификация қилинади (отли бирикмалар, феълли бирикмалар, равишли бирикмалар ва ҳ. к.) Демак, сўз бирикмаларининг классификацияси сўзларга, уларнинг лексик, грамматик хусусиятларига боғлиқ. Бу эса сўз ва сўз бирикмалари ўртасида боғлиқлик, яқинлик борлигидан далолат беради ва уларни бир-бирларига яқинлаштиради.

5) Сўзлар турланадилар, тусланадилар — ўз формаларини ўзгартирадилар. Сўзларга хос бўлган бу хусусият сўз бирикмаларида ҳам сақланади. Сўз бирикмаларининг бош сўзи сўз бирикмаси таркибида ҳам турланиш, тусланиш — форма ўзгартириш хусусиятини сақлайди. Натижада сўз ва сўз бирикмаларининг парадигмаси вужудга келади¹⁰. Қиёсланг: *китоб* — *китоблар*, *китобим*, *китобинг*, *китоби*, *китобимиз* ва ҳ. к. *Менинг китобим*, *сенинг китобинг*, *унинг китоби*, *бизнинг китобимиз*, *сизнинг китобингиз*; *мактабга бордим*, *мактабга борди*, *мактабга бордик* ва ҳоказо.

¹⁰ Қаранг: Н. Н. Прокопович. Словосочетание в современном русском литературном языке, М., 1966, стр. 52.

6) Барча тилларда, шунингдек, ўзбек тилида сўзлар янги сўзларни ясашда асосий база бўлиб, хизмат қиладилар. Сўзлардан фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва ҳ. к. йўллар билан янги сўзлар ясалади. Бу хусусият сўз бирикмаларига ҳам тааллуқлидир. Сўз бирикмалари ҳам тилда янги сўзлар ясаш процессида катта роль ўйнайди.

7) Сўз бирикмалари сўзлар каби гап таркибида ажратилган бўлак бўлиб кела оладилар. (Ажратилган бўлақлар ёлғиз сўзларга нисбатан, кўпинча сўз бирикмаларидан бўлади). Қиёслам: *Улардан бири — серсоқол, рангпар ва ориқ — ўз мантиқининг кучини кўрсатишга тиришади* (Ойбек). *Саккиз-тўққизта бутун-бутун асарларни — илмиёй, фалсафиёй, шеърёй — завққа берилиб мутолаа этган* (Ойбек). *Унинг рўпарасида бир киши, генерал шинелини кийган, сочлари оқарган, диванда суюниб ўтирар эди* (Қазакевич). *Она лабларида иссиқ табассум, Мазиннинг орқасидан борар ва унинг боши оша ўғлига ва байроққа қарар эди* (М. Горький). *Кеққурун ош сузсак бир насиба кам, қўмсайман бировни — аллакимни* (Ғ. Ғулом). *Менга, совет киши сига, бу даҳшатларнинг ҳаммасини — қизлар, эрлар, аёлларнинг сотилишини сўзлаб берадилар* (В. Содиқова) ва ҳ. к.

8) Сўз бирикмаларининг юқоридаги каби хусусиятларидан яна бири уларнинг гап таркибида ундалма вазифасида қўлланишидир. Ундалмалар ёлғиз сўзлардан, шунингдек, сўз бирикмаларидан бўла олади. Бу эса сўз ва сўз бирикмасининг гапда бир хил вазифада қўллана олишларини ва бу хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига яқин эканликларини кўрсатади. Қиёслам:

Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим (Ғ. Ғулом).

Шарққа нур берувчи эй Ўзбекистон,

Улуғ оилада топдинг шараф-шон! (Т. Тўла)

— *Яшанглар, колхоз азаматлари!* — *деди у мулойим ва юракдан чиққан товуш билан...* (Ойбек).

9) Гапга кириш бўлақлар ёлғиз сўзлар билан ифодалангандек, сўз бирикмалари билан ҳам ифодалана олади. Масалан: *Унинг стажи жуда катта эди. Кўрсатган хизматлари ҳам, ўзининг ўйлашича, оз эмасди...* (М. Иброҳимов). *Аммо узоқ-яқиндан қулоғига чалинган хабарларга қараганда, улар ўртасидаги гап ишқ-муҳаббатдан, оила қуриш маслаҳатидан нарига ўтмаган* (А. Мухтор).

10) Сўз бирикмалари, ёлғиз сўзлар каби, номинатив гап вазифасида қўллана оладилар. Масалан: *Май. Ажойиб сўлим бир баҳор!* (газетадан). *Гўзал боғ. Унда қуёш ва енгил шамолнинг, гуллар ва майсаларнинг қувноқ ўйини кун бўйи давом этади* (Ойбек).

11) Ёлғиз сўзлар тўлиқсиз гап бўлиб келгани каби, сўз бирикмалари ҳам тўлиқсиз гап бўлиб кела оладилар. Масалан: — *Иш-ни мен кимдан қабул қилиб олаётирман?* — *Бу ро аъзосидан...*

(А. Қаҳҳор) — *Ерлар қачон чигит экишга тайёр бўлади?*—*Би р ҳ а ф т а д а н к е й и н...* (газетадан)

Юқоридагилардан кўринадики, сўз бирикмалари функциялари, қўлланишлари ва бошқа хусусиятларига кўра сўзларга кўп жиҳатдан яқин турадилар. Лекин бу яқинлик уларни бир-бирларига тенглаштириш, улар ўртасига тенглик аломатини қўйиш ва ҳар икки-сини тилда бир хил категория деб қараш имкониин бермайди. Сўз бирикмаси ва сўз кўп жиҳатдан бир-бирларига яқин бўлишларига қарамай, шу билан бирга, бир-бирларидан тубдан фарқ қилувчи тил категорияларидир.

Сўз тилнинг марказий, асосий, бирлиги ҳисобланади¹¹. Сўз, унинг нима эканлиги, тилдаги ўрни, роли ҳақида жуда кўп адабиётлар мавжуд ва бу адабиётларда хилма-хил фикрлар, қарашлар баён этилган¹².

Л. В. Шчерба, ҳақиқатан ҳам «сўз» нима? Мен ўйлайманки, турли тилларда бу турлича бўлади. Бундан маълум бўладики, тушунча — «умуман сўз» йўқдир, дейди¹³. Проф. М. Н. Петерсон умуман сўзнинг қониқарли таърифи йўқ, бундай таърифни бериш ҳам қийин; сўз — шундай содда тушунчаки, унга бирор мантиқий таъриф бериш ҳам мумкин эмас, дейди¹⁴.

Ф. Де Соссюр сўз ҳақида шундай дейди: сўз тушунчаси бизнинг тасаввуримиздаги конкрет тил бирлиги билан тенг эмас... Тилнинг конкрет бирлигини сўздан қидирмаслик керак¹⁵. Ш. Балли, сўз тушунчаси тилшуносликдаги энг ноаниқ тушунича, деб атайди¹⁶. Э. Сепир эса, сўзни функционал бирлик эмас, формал бирлик деб қарайди¹⁷. Хуллас, қадим замонлардан бошлаб, то ҳозирга қадар ҳам сўзга турли қарашлар бўлган ва хилма-хил таърифлар бериб келинган¹⁸. Сўз, унинг структураси ва ҳ. к. масалаларни ҳозир ҳам тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди.

1960 йилда Ленинградда сўз структурасига бағишлаб ўтказилган дискуссия ҳам сўз, унинг структураси ва ҳ. к. кўнгина масала-

¹¹ *Қаранг:* А. И. Смирницкий. К вопросу о слове (Проблема отдельности слова), сб. Вопросы теории и истории языка... М., 1952, стр. 183.

¹² *Қаранг:* В. В. Виноградов. О формах слова, Известия АН СССР, ОЛЯ, 1944, т. III, вып. I; А. Ф. Демьяненко. Типы словосочетаний в русской письменности конца XVII — начала XVIII в., Киев, 1967, стр. 20—24 ва бошқалар.

¹³ Л. В. Шчерба. Очередные проблемы языковедения, Известия, АН СССР, отл. лит. и языка, 1945, № 4—5, стр. 175

¹⁴ М. Н. Петерсон. Современный русский язык, М., 1929, стр. 27.

¹⁵ Ф. Де Соссюр. Курс общей лингвистики (русский перевод), М., 1933, стр. 107.

¹⁶ Ш. Балли. Общая лингвистика и вопросы французского языка. (русский перевод), М., 1935, стр. 315—317.

¹⁷ Э. Сепир. Язык (русский перевод), М.—Л., 1934, стр. 221.

¹⁸ *Қаранг:* И. Е. Аничков. Об определении слова. сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963. 146 ва ундан кейинги бетлар. В. В. Виноградов. О формах слова. Известия АН СССР, ОЛЯ, т. III, 1944, вып. I, стр. 30—33.

ларда ҳали фикр бирлиги йўқлигини ва ҳал этилмаганлигини кўрсатди¹⁹.

«Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир» (В. И. Ленин). Кишилар жамиятда тил орқали, тил ёрдамида ва тил туфайли бир-бирлари билан алоқа қиладилар, фикр алмашадилар, бир-бирларини тушунадилар. Сўз ва сўз бирикмалари ана шу алоқани амалга оширишда муҳим ролни ўйнавчи тил бирикларидир²⁰. Агар тилда сўзлар бўлмаганда эди ёки улар тилда формал бирик сифатида яшаганларида эди, умуман нутқ тили ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Ҳар бир сўз маълум тушунча билан боғланган бўлади ва тилда ўша тушунчани реаллаштириш учун хизмат қилади²¹. Сўз орқали ифодаланган тушунча сўзнинг реал маъносини ташкил этади. Ҳар қандай сўз ҳам ана шундай маънога эга бўлади.

Сўз маъносиди икки турли момент ёки функция мавжуд: а) сўзнинг маъноси (том маъносиди), бу эса унинг сигнификатив ёки семантик функцияси; б) аташ ёки номинатив функцияси.

Сўзнинг сигнификатив ёки семантик функцияси деганда сўз қандай тушунча билан боғланганлиги, у орқали қандай маънонинг ифодаланиши, ҳуллас, сўз орқали ифодаланадиган мазмун тушунилади. Сўз орқали қандай мазмун ифодаланса, у ўша сўзнинг маъносини ташкил этади. Ҳар бир сўз ана шундай маълум маънони ифодалайди ва тилда сигнификатив-семантик функцияни бажаради.

Сўзнинг номинатив функцияси деганда сўз орқали бирор предмет, воқеа, ҳодиса, ҳолат ва шу кабиларнинг аталиши тушунилади.

Ташқи томондан қараганда сўзнинг семантик ва номинатив функциялари бир хилдай кўринади, лекин аслида булар бир хил эмас, бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, бир хилдаги предмет, воқеа-ҳодиса, белги, ҳолат ва ҳ. к. ларни турли ҳажм ва маъно характериға эга бўлган турли сўзлар орқали ифодаланиши, аксинча бир хил предмет, воқеа-ҳодиса, белги, ҳолат ва ҳ. к. ларнинг маъноси тамомила бир-бириға қарама-қарши бўлган сўзлар орқали ифодаланиши мумкин²².

Диалектик нуқтаи назардан сўзларнинг семантик ва номинатив функцияларини қарама-қаршиликларнинг диалектик бирлиги деб қараш мумкин. Ана шу қарама-қаршиликлар кураши натижасида тил ривожланади, тараққий этади²³.

Ҳуллас, сўз маълум тушунча билан боғланган бўлади ва тилда

¹⁹ Дискүссия материаллари, «Морфологическая структура слова в языках различных типов». М.—Л., 1963 тўпламида босилган.

²⁰ А. И. Смирницкий. Лексическое и грамматическое в слове. сб. Вопросы грамматического строя, М., 1955, стр. 11—12.

²¹ Л. О. Резников. Проявление и слово. Изд-во ЛГУ, 1958, стр. 46; В. М. Богуславский. Слово и понятие, сб. «Мышление и язык», М., 1957, стр. 273 ва бошқалар.

²² О. С. Ахманова. К вопросу о слове в языке и речи. Доклады и сообщения филол. факультета МГУ, вып. 5, 1948, стр. 27.

²³ Қаранг: О. С. Ахманова. Ўша асар, 29-бет.

ўша тушунчани реаллаштириш учун хизмат қилади. Тилда бирор тушунча билан боғлиқ бўлмаган — маъно ифодаламайдиган сўзлар йўқ²⁴. Тилда маъносиз сўз йўқ. Ҳар бир сўз маълум бирор маъно билан боғланган бўлса, фақат шундагина у тилнинг сўзи бўлиб қола олади²⁵.

Сўзлар қай даражада маъно ифодалашидан қатъи назар, барги бир қандайдир маъно билан боғланган бўлади ва ўша маънони ифодалаш учун хизмат қилади²⁶.

Сўз бирикмалари ҳам бу жиҳатдан сўзларга ўхшайди. Чунки улар ҳам маълум бир лексик маънони, лекин сўзга нисбатан тор ва яхлит маънони ифодалайди. Сўз ва сўз бирикмаларида ана шундай хусусият бўлишига қарамай, уларни батамом бир-бирларига тенг қилиб қўйиб бўлмайди. Сўз ҳамма вақт бир тушунча билан боғлангани ҳолда тилда доим тайёр ҳолатда мавжуд бўлади. Чунки сўз тарихий категория бўлиб, у тил тарихий тараққиётининг муайян даврида пайдо бўлади, маълум маъно билан боғланади ва тилда ана шу маънони ифодалаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Сўз бирикмалари бундай хусусиятга эга эмас, улар тилда тайёр ҳолатда яшамайди, ҳамма вақт маълум бир тушунча билан боғланган бўлмайди. Сўз бирикмалари путқ процессида фикр ифодаси талабига кўра тузилади.

Сўз бирикмалари камида икки лексик маънога эга бўлган сўзларнинг бирикувидан ташкил топиб, ягона мураккаб маъноларни ифода этувчи семантик бутунликдир, лекин улар бўлинган тушунча ёки тасаввурларни ифодалайди.

Сўз бирикмаларида муносабатга киришган сўзларнинг лексик ва семантик алоқалари орқали ўша сўзларнинг мундарижаси конкретлашади. Сўз бирикмаларида камида икки сўзнинг муносабатга киришиши натижасида шу бирикаётган сўзларнинг маънолари ўзаро чегараланади²⁷.

Сўз маълум бирор тил системасида мавжуд бўлиб, шу тилда доим қўлланади. (Шунинг учун ҳам ҳар бир тилнинг ўз сўзлари — луғат бойлиги мавжуд). Сўз маълум тил системасидаги нисбий мустақил ва нисбий мустаҳкам товушлар комплексидан, айрим ҳолатларда ёлғиз бир товушдан ташкил топади²⁸.

²⁴ Сўз маънолари ҳақида қаранг: А. И. Смирницкий. О значения слова. ж. Вопросы языкознания, № 2, 1955, стр. 79—89.

²⁵ Қаранг: В. А. Малаховский й. Новая грамматика русского языка, М., 1925, стр. 8.

²⁶ Проф. Е. В. Кротевич. Слово, часть речи, член предложения (к вопросу об их соотношении), Изд-во Львовского университета, 1960, стр. 5—7. Лекин айрим тилишуслар тилдаги барча сўзлар ҳам маъно ифодалай бермайдилар, шунинг учун «сўз» тушунчасини чегаралаш керак, дейдилар. Қаранг: О. П. Сулик. Слово, его основа и корень как различные морфологические категории. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов. М.—Л., 1963, стр. 37.

²⁷ Қаранг: А. А. Уфимцева. К вопросу об изучении слова. Проблемы современной филологии, сб. к 70 летию акад. В. В. Виноградова, М., 1965, стр. 269.

²⁸ Қаранг: И. Е. Аничков. Об определении слова, Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов. М.—Л., 1963, стр. 150.

Сўз бирикмалари бу жиҳатдан сўзлардан тубдан фарқ қилади. Сўзлар товуш ёки товушлар комплексидан ташкил топса, сўз бирикмалари бирдан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ташкил топади.

Сўз маълум тилнинг қонун-қондаларига кўра шаклланган, қайта майда қисмларга бўлинмайдиган асосий тил бирлиги. У майда қисмларга бўлинмайди, шунинг учун ҳам проф. А. И. Смирницкий сўзларни «цельнооформленный» (бутун шаклланган) ва бу хусусият сўзнинг асосий белгисидир деб атайди²⁹. Ҳақиқатан ҳам сўз тилнинг бутун бирлигидир. Сўзда морфологик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам бутунлик мавжуд. Сўз бирикмаларида бундай бутунлик йўқ. У бўлинган, проф. А. И. Смирницкий ибораси билан айтганда «раздельнооформленный». Ҳақиқатан ҳам сўз бирикмалари камида икки сўзнинг (асосан мустақил сўзларнинг) эркин бирикувидан ташкил топади. Уларни жуда осонлик билан қайтадан бўлакларга — сўзларга ажратиб, бўлиб юбориш мумкин.

Қўшма сўзлар тузилиш жиҳатидан сўз бирикмаларига жуда яқин туради. Лекин улар ҳам барча сўзлар каби бутун, бутун шаклланган. Уларни сўз бирикмаларидаги каби таркибий қисмларга бўлиб юбориш мумкин эмас. Шунинг учун сўз бирикмалари бу хусусиятларига кўра сўзлардан, ҳатто қўшма сўзлардан тубдан фарқ қилади.

Сўзлардаги бутун шаклланганлик уларнинг формал белгиси. Агар фақат ана шу белгига кўра сўзларнинг чегарасини белгиланса ёки уларни бошқа тил бирликларидан фарқланса у тақдирда сўзга бир томонлама ёндашилган бўлади.

Сўзини белгилашда унинг иккинчи асосий томони — белгисиз лексик-семантик (бутун маънолиги — цельнозначимость) хусусиятини ҳам назарда тутиш керак. Бутун маънолилиқ ҳам сўзнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, агар сўзларнинг ана шу ҳар иккала асосий белгиси — маъно бутунлиги ва форма бутунлиги биргаликда олинмаса, сўзнинг чегарасини тўғри белгилаш ва уни бошқа тил бирликларидан аниқ чегаралаш мумкин эмас³⁰. Чунки сўз форма ва маъно бирлиги туфайлигина ўз бутунлигига эга бўлади.

Лексик маънонинг ва грамматик форманинг бутунлиги билан сўзнинг икки асосий хусусияти — алоҳидалик (отдельность) ва бир хиллик (тождество) маҳкам боғлангандир³¹.

Сўз семантик — маъно бутунлиги туфайли нутқ процессида маълум шакл ва маъноларда ўша тилнинг тайёр бирлиги сифатида

²⁹ Қаранг: А. И. Смирницкий. Лексикология английского языка, М., 1956, стр. 33; Шу автор, К вопросу о слове. (Проблема отдельности слова), Сб. Вопросы теории и истории языка...

³⁰ Қаранг: П. Я. Скорик. К вопросу о границах слова. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 236.

³¹ П. Я. Скорик. Уша асар, 237-бет. Сўзларнинг алоҳидалик ва бир хиллик хусусиятлари ҳақида қаранг: А. И. Смирницкий. К вопросу о слове (проблема отдельности слова), Сб. Вопросы теории и истории языка... М., 1952, 184 ва кейинги бетлар; яна шу автор, К вопросу о слове (проблема «тождества слова») Труды института языкознания АН СССР, т. IV, М., 1954, стр. 3—49.

қайта-қайта қўллана беради. Сўз маълум тилда маъно бутунлигига эга бўлгани учун ўша тилда сўзловчи ва тингловчиларнинг ҳаммаси томонидан бир хилда қабул қилинади. Шунинг учун ҳам сўз-да бир хиллилик мавжуд.

Юқоридаги хусусиятларига кўра сўз бирор грамматик разрядга кириди ва нутқнинг маълум қисми вазифасини бажаради.

Сўз бирикмаларида сўзлардаги каби семантик бутунлик йўқ. Чунки сўз бирикмаси таркибига кирувчи ҳар бир сўзнинг ўз лексик маъноси бор. Шунинг учун сўз бирикмалари тилда сўзлар каби тайёр ҳолда мавжуд бўлмайди, улар нутқ процессида вақтинча грамматик birlik сифатида ташкил топади. Сўз бирикмалари компонентларининг ҳар бири мустақил лексик маъно ва мустақил грамматик формага эга. Грамматик жиҳатдан сўз морфологик birlik, сўз бирикмаси эса синтактик birlikдир.

Хуллас, сўзларнинг бутун шаклланганлиги ва бутун маънолик хусусияти уларни сўз бирикмаларидан тубдан фарқ қилишнинг кўрсатувчи асосий белгилардир.

Сўзларда ички монолитлик мавжуд. Бу монолитлик фонетик воситалар — урғу ва интонация қонуниятлари, бир сўз таркибининг кирувчи товушларнинг ўзаро фонетик муносабати (умлаут, унли товушлар гармонияси ва бошқалар) сўз охирининг алоҳида ўзига хос қонуниятлари орқали вужудга келади ва сўзни нутқ занжири-нинг бошқа компонентларидан ажратиб туради³². Бу хусусият фақат сўзларга хос бўлиб, сўз бирикмалари бундай хусусиятга эга эмас.

Сўзлар ҳамма вақт икки маъно ифодалайди: лексик маъно, грамматик маъно. Сўз бирикмалари эса фақат бир маъно — лексик маънога эга. Улар сўзлар каби грамматик маъно ифодалаш хусусиятига эга эмас.

Сўзлардаги, уларни сўз бирикмаларидан фарқлайдиган яна бир хусусият шундан иборатки, сўзнинг ҳар бир формаси унинг гапдаги ролини, бошқа сўз билан муносабатини кўрсатиб туради. Масалан, сўзларнинг келишик аффиксларини олган формаси худди ана шундайдир. Бош келишикдаги сўз гапда эга, у кесим билан муносабатга киришади; қаратқич келишигидаги сўз гапда аниқловчи аниқланмиш билан муносабатга киришади ва ҳ. к. Эгаллик аффиксларини олган сўзлар эса гапда аниқланмиш бўлиб, аниқловчи сўз билан муносабатга киришади ва ҳ. к.

Сўз морфологик элементлардан (ўзак ва аффикслардан) ташкил толувчи бутун тил бирлигидир. Бу жиҳатдан сўз бирикмаларини сўзларга тенглаштириб бўлмайди. Сўз бирикмалари сўзлар каби морфологик элементлардан эмас, синтактик элементлардан ташкил топади. Хуллас, таркибий, тузилиш жиҳатидан сўзлар морфологик, сўз бирикмалари синтактик элементлардан ташкил топади.

³² Қаранг: В. Г. Адмони. О портативности грамматических структур. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 175; А. И. Смирницкий. К вопросу о слове... стр. 184.

Шуниг учун ҳам сўзлар морфологик, сўз бирикмалари эса синтактик белгиларга эга бўлади.

Сўзлар тилнинг бутун бирлиги бўлганлиги учун бир сўз ичига иккинчи сўзни киритиш ёки ўзбек тилида бир морфема ичига иккинчи морфемани киритиш мумкин эмас.

Сўз бирикмаларида бундай хусусият йўқ. Сўз бирикмалари компонентлари ўртасига хоҳлаганча бошқа сўзларнинг киритилиши мумкин. Бу билан сўз бирикмасининг бутунлигига ҳам, маъносига ҳам, бирикма компонентларининг грамматик муносабатига ҳам, ҳеч қандай зарар етмайди.

Шунингдек, сўз таркибидаги морфемаларнинг ўрнини алмаштириш мутлоқ мумкин эмас. Агар шундай қилинса, сўзнинг бутунлиги йўқолади, маъно бузилади. Сўз бирикмаларида эса бирикма компонентларининг ўрнини алмаштириш мумкин. (Лекин ҳамма сўз бирикмаларида эмас).

Сўзнинг характерли белгиларидан яна бири унинг мустақил ўз формасига эга эканлигидир. Шунинг учун ҳам акад. В. М. Жирмушский сўзга: Сўз ўзининг мустақил маъноси ва шаклига эга бўлган тилнинг энг қисқа (кратчайшая) бирлигидир деб таъриф беради ва сўз шаклини бошқа тил бирикларидан фарқлайдиган энг характерли белгиларидан бири деб ҳисоблайди³³.

Сўз формаси ва сўз формаларининг ўзгариши ҳақида Ф. Ф. Фортунатов, А. М. Пешковский, И. А. Бодуэн де Куртенэ, Л. В. Щерба ва қатор бошқа тилшунослар томонидан турли фикрлар баён қилинган.

Л. В. Щерба, сўз формаси деганда тилшуносликда одатда ё бир тушунчанинг турли оттенкаларини, ё бир тушунчанинг турли функцияларини ифодаловчи турли сўзлар тушунилади, дейди³⁴.

Акад. В. В. Виноградов сўз формасига жуда катта эътибор беради. Шунинг учун ҳам у сўзларни «форма ва маъно системаси» деб атайди. Сўз формасига катта эътибор берганлиги учун ҳам В. В. Виноградов сўзларда форма ясалишини жуда кенг маънода тушунади ва форма ясовчи суффикслар деган тушунчани киритади³⁵.

Сўзларнинг эгалик, келишик, кўплик аффикслари билан турланиши; шахс, сон, замон билан тусланиши; нисбат, майл, кичрайтиш-эркалаш аффикслари олиши; равишдош, сифатдош ясовчи аффиксларнинг қўшилиши — буларнинг ҳаммаси сўзларнинг грамматик формаларидир ва улар сўз орқали ифодаланган асосий маънога қўшимча маъно оттенкалари беради.

³³ Қаранг: В. М. Ж и р м у ш с к и й. О границах слова. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 7.

³⁴ Қаранг: Л. В. Ш ч е р б а. Избранные работы по русскому языку, М., 1957, стр. 76.

³⁵ Қаранг: В. В. В и н о г р а д о в. Русский язык. Грамматическое учение о слове, М.—Л., 1947, стр. 36; яна қаранг: шу автор. О формах слова, Известия АН СССР, т. III., вып. I, 1944, стр. 31—44.

Бу хусусият фақат сўзларга хос бўлиб, сўз бирикмалари бундай хусусиятга эга эмас. Бу жиҳатдан сўз ва сўз бирикмалари бир-бирдан тубдан фарқлидир.

Сўз формалари билан сўз вариантларини фарқлаш зарур.

Сўзда грамматик моментни алоҳида ажратиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Грамматик момент эса сўзларнинг турланиш-тусланишлари билан — сўз формалари билан боғлиқ. Лексик-семантик нуқтаи назардан сўз турланишларининг ўзаро мўносабатини сўз вариантлари деб аташ мумкин³⁶. Масалан, *уй* сўзи эгалик, келишик, кўплик билан турланади. Унинг ҳар бир турланган шакли алоҳидадан сўзлар бўлмай, шу сўзнинг турли грамматик формаларидир. Лекин *уй* сўзи лексик-семантик жиҳатдан ҳам икки хил маънода қўлланади. *Уй* — бош келишик, бирикликда — *бино* маъносини билдиради. (*Ҳозир Тошкентда кўп қаватли баланд уйлар янгича усул билан қисқа муддатларда қурилиб битказилмоқда. Уй* бино маъносиди); *Уй* — бош келишик, бирикликда (ҳар иккиси ҳам бир хил грамматик формада) турар жой, хона маъносиди (*у ўз уйини ҳозирги замон мебеллари билан жуда чиройли безатган* — бу ерда *уй*, турар жой, хона маъносиди). Бу ўринда *уй* сўзи икки сўз — омсиним сўзлар эмас. Ҳар иккала маънодаги *уй* маъно жиҳатидан бир-бирига жуда яқин. Шунинг учун бунини бир сўзнинг икки лексик-семантик вариантлари деб аташ мумкин³⁷.

Сўз вариантлари фақат лексик-семантик вариант билан чеклабмайди. Проф. А. И. Смирницкий сўзнинг структура вариантларини бир неча турга бўлади: А) Фономорфологик: 1) фонетик, 2) морфологик, а) грамматик-морфологик, б) лексик-морфологик; Б) лексик-семантик³⁸.

Сўз вариантлари фақат сўзларнинг ўзигагина хос хусусият бўлиб, сўз бирикмалари бундай вариантларга эга эмас.

Сўзларда кўп маънолик (полисемия) хусусияти мавжуд. Бу хусусият тилларда кенг тарқалган, ҳатто оддий ҳолга кириб қолган хусусиятидир.

Кўп маъноли сўзлар сўз семантикасининг асосий, лексик қисмининг индивидуал маъноли қисмларга бўлиниши натижасида вужудга келади³⁹. Эки бошқача қилиб айтганда, бир маъноли сўзларга қўшимча маъноларнинг юклатилиши натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам кўп маъноли сўзлар, улар неча маънода қўлланилмасин, ўша сўзнинг дастлабки маъноси билан боғланган бўлади. Бир сўзнинг маъноси кенгайиши натижасида қанча сўз келиб

³⁶ Қаранг: В. В. Виноградов. О формах слова, известия АН СССР, ОЛЯ, т. III, вып. I, М., 1944, стр. 40—41; А. И. Смирницкий. К вопросу о слове. Труды института языкознания, т. IV, М., 1954, стр. 10; О. С. А х м а н о в а. К вопросу о слове в языке и речи, Доклады и сообщения филологического факультета МГУ им. Ломоносова, вып. 5, стр. 30—31.

³⁷ Сўз вариантлари ва сўзларнинг кўп маънолилиги кўпинча бир-бирдан фарқланмайди, аслида улар турли ҳодисалардир.

³⁸ Қаранг: А. И. Смирницкий. К вопросу о слове... 10—11-бетлар.

³⁹ Қаранг: А. И. Смирницкий. Значение слова и его семантика, ВЯ, 1960, № 5, стр. 115.

чиқмасли, барибир ўша сўз қайси категориядаги сўз бўлса, қолганлари ҳам ўша категорияда бўлади ва бир хил морфологик белгиларга, формага эга бўлади.

Сўз бирикмалари ҳам сўзлар каби лексик-семантик хусусиятга эга. Лекин улар тилда маълум тушунча билан боғланган ҳолда тайёр ҳолатда мавжуд бўлмай, нутқ процессида маълум бир мақсад учунгина сўзларнинг бириктирилуvidан тузилгани учун шу моментнинг ўзидагина бирор лексик-семантик маъно билан боғланган бўлади. Шунинг учун сўз бирикмаларига қўшимча маъноларни юклаш мумкин эмас, улар сўзлар каби кўп маънолик (полисемия) хусусиятига эга эмас.

Сўзларнинг маъно категорияларидан яна бири омонимия ҳодисасидир. Омонимларнинг кўпчилик ва асосий қисми аслида турли келиб чиқишга эга бўлган ва турли маъноларни ифодалайдиган сўзлар бўлиб, тилда тасодифан шакли ўхшаб қолган бутунлай бошқа-бошқа сўзлардир⁴⁰.

Омонимия фақат сўзларга хос хусусият. Сўз бирикмалари ҳам лексик-семантик хусусиятга эга, лекин улар сўзлар каби тилда доимий яшамай, фақат нутқ процессида ташкил топганлари учун моментнинг ўзидагина, шу гап таркибидагина бирор мураккаб маънони ифодалаш учун хизмат қилади. Шунинг учун омонимия ҳодисаси сўз бирикмалари учун хос эмас.

Сўзлар сўз бирикмаси таркибида ёки гап таркибида ҳамма вақт қандайдир вазифани бажариб гап бўлаги саналади. Сўз бирикмаларида бу хусусият йўқ.

Гап бўлақлари ва сўз туркумлари бир-бирлари билан алоқадор ва бир-бирлари билан муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўз туркуми гапда маълум вазифаларда қўлланади.

Сўз бирикмалари ҳам сўз туркумлари билан маҳкам алоқадор. Лекин бу алоқа сўзлардаги алоқага нисбатан фарқ қилади. Сўз бирикмаларида бош (ҳоким) сўзнинг қайси сўз туркумига мансублигига кўра сўз бирикмалари турли типларга ажратилади (отли сўз бирикмаси, феълли сўз бирикма ва ҳ. к.).

Сўзлар ҳам, сўз бирикмалари ҳам гап таркибига киради. Гапнинг асосини сўзлар ташкил этади. Лекин гап бир сўздан, ҳатто бир ундов сўздан ёки кўп сўзлардан тузилган бўлиши мумкин, лекин сўз бирикмалари ўзи камида икки сўздан тузилгани учун улар бир сўзли гапларни туза олмайдилар, фақат кўп сўзли гапларни тузишлари мумкин. Иккинчи томондан сўз бирикмаларида, гаплардаги каби, модаллик ва предикативлик йўқ, шунинг учун улар икки ёки ундан ортиқ сўзлардан тузилган бўлишига қарамай, гап бўла олмайдилар.

Сўз бир лексик маънони ифодалаб, бирор предмет, воқеа-ҳодиса, белги ва ҳ. к. нинг номишигина атайди, холос. Сўз бирикмалари эса камида икки сўздан тузилгани учун ҳар бир сўзнинг ўзи алоқин-

⁴⁰ Омонимлар ҳақида қараи: В. В. Виноградов. Об омонимии и смежных явлениях, ВЯ, 1960, № 5, стр. 3—17.

да предмет, воқеа-ҳодиса, белги ва ҳ. к. ларнинг помини аташ билан бирга, уларнинг ўзаро алоқасини ҳам кўрсатади. Масалап, *Алининг китоби* сўз бирикмасида фақат икки предметнинг номигина аталиб қолмай, уларнинг бир-бирига муносабати, яъни иккинчи предмет (китоб)нинг кимга (Алига) қарашлилиги ҳам ифодаланган⁴¹. Бу жиҳатдан сўзларни лексик категория сифатида, сўз бирикмаларини эса грамматик категория сифатида бир-бирларидан фарқлаш зарур.

Сўз бирикмалари таркибида сўзлар полисемия, омонимия хусусиятларини йўқотадилар, фақат бир конкрет маънонигина ифода-лайдилар.

Сўз, сўз бирикмалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўхшаш, ноўхшаш томонлари, чегаралари ва ҳ. к. масалалар тилшуносликнинг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда совет тилшунослик фанида сўз ва сўз бирикмалари назариясини ишлашда, уларнинг ўхшаш ва ноўхшаш томонларини ва фарқлари, чегараларини белгилаш соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Ҳозирги кунда сўз ва сўз бирикмалари ўртасига қатъий чегара қўйиш мумкин.

⁴¹ Қаранг: Ю. Сейидов. Озарбайжон адабий тилида сўз бирикмалари (озарбайжон тилида), Баку. 1966, 41-бет.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ВА ҚЎШМА СЎЗЛАР

Тилнинг луғат бойлигидаги сўзларнинг ҳаммаси бир типдаги сўзлар — содда сўзлар бўлганда эди сўз ва сўз бирикмаларининг чегаралаш билан кифояланиш мумкин бўлар эди. Аксинча тилда икки, уч ва ҳатто ўндан ортиқ ўзак-негизлардан ташкил толувчи сўзлар — қўшма сўзлар ҳам мавжуд. Содда сўзларни тузилишларига кўра бирикмаларидан осоплик билан фарқлаб олиш мумкин. Лекин қўшма сўзлар тузилишига кўра сўз бирикмаларига жуда яқин. Шунинг учун уларни бу жиҳатдан, содда сўзлардаги каби тузилишига, структурасига кўра бир-бирларидан фарқлаш анча мураккаб.

Тилшуносликда ва айниқса ўзбек тилшунослигимизда қўшма сўз ва сўз бирикмаларини фарқлаш, қатъий чегаралаш анча мураккаб ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири дейиш мумкин. Шунинг учун ҳозир қўшма сўз ва сўз бирикмалари бир-бирига аралаштирилади, айрим ҳолларда бир мураккаб бирикманинг ўзини баъзан қўшма сўзга, баъзан сўз бирикмасига киритиш ҳоллари учраб туради. Қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг чегараси масаласи ҳар бир тилнинг характерли фономорфологик ва синтактик нормаларига асосланган ҳолда қатъий, аниқ меъзолини белгилашни талаб этади¹. Бу масаланинг ҳал этилиши фақат илмий аҳамиятгагина эга бўлмай, жулда катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу шундан иборатки, орфографиямиздаги айрим ноаниқликларни бартараф этишга ёрдам беради. Лекин шунга қарамай, ҳалигача ўзбек тилшунослигимизда қўшма сўз ва сўз бирикмаларини, уларнинг чегаралари ва ҳ. к. масалалар ҳали етарли ўрганилганича йўқ. Бу масала фақат ўзбек тилшунослигида эмас, рус тилшунослигида ҳам ҳозиргача кам ўрганилган ва дискуссия масала бўлиб келмоқда².

¹ Каранг: М. М. Гухман. Лингвистический механицизм. Л. Блумфильд и дескриптивная лингвистика, Труды Института языкознания АН СССР, т. IV, 1954, стр. 150; А. Хожиев. Ўзбек тилида сўз бирикмалари ва қўшма сўзлар масаласи. САГУ студентлари илмий ишлари тўплами, 1956.

² Қаранг: В. М. Жирмунский. О границах слова. ВЯ, 1961, № 3, стр. 14—15.

Ўзбек тилшунослигида ва умуман туркологияда қўшма сўз ва сўз бирикмаларини фарқлаш, чегаралаш масаласигина эмас, умуман қўшма сўзлар масаласининг ўзи етарли ёритилган ва ҳал этилган деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам турли адабиётларда қўшма сўзларга турлича таърифлар берилиб келмоқда. Бир хил бирикмани бир ўринда қўшма от, иккинчи бир ўринда қўшма сифат, учинчи ўринда эса фразеологик бирикма деб аташ ёки бир хил бирикмани айримлар жуфт сўз деб атаса, айримлар қўшма сўз деб аташ, айрим ҳолатларда қўшма сўз, жуфт сўз ва таркибли сўзларни бир-бирига аралаштириш ҳоллари тез-тез учраб турмоқда³. Содда сўзлар бир ўзак-негиздан, қўшма сўзлар икки ёки unda ортиқ ўзак-негизларнинг бирикувидан ташкил топади. Қўшма сўзлар икки ёки unda ортиқ ўзак-негизлардан ташкил топгани учун ҳам «қўшма сўз» номи билан юритилади. Лекин айрим туркологик адабиётларда бу термин жуда кенг маънода қўлланиб, унинг доираси кенгайтириб юборилса⁴, айримларида бошқа типдаги бирикмалар (жуфт сўзлар)ни ифодалаш учун қўлланади⁵. Айримларида эса «Қўшма сўз» термини ўрнига бошқа термин қўлланади. Масалан, Озарбайжон тилида қўшма сўзлар «Мураккаб сўз» номи билан юритилиб, жуфт сўзлар эса «Қўшма сўз» номи билан аталади. Шунинг учун, А. Ҳожиев айтганидек⁶, қўшма сўз тушунчасига аниқлик киритилиши ва қўшма сўз деганда бирдан ортиқ ўзак негизларнинг бирикувидан ташкил топиб, бир лексик маънони ифодалайдиган сўзлар тушунилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фақат ўзбек тили ёки туркологияда эмас, умуман тилшуносликда қўшма сўз тушунчаси, қўшма сўзларнинг моҳияти, чегараси, тил структурасидаги ўрни ва ҳ. к. ларни аниқлаш жуда катта аҳамиятга эга⁷.

Қўшма сўзлар ҳам сўз. Тилда, содда сўзлар каби, бирор маъно билан боғланган бўлади, бирор тушунчани реаллаштиради ва номинатив функцияни бажаради. Содда сўзлар гап таркибида қандай вазифаларни бажарса, қандай грамматик хусусиятларга эга бўлса, қўшма сўзлар ҳам ўша вазифаларни бажаради ва ўшандай грамматик хусусиятларга эга бўлади. Содда сўзлар бир ургутга эга бўлганидек, қўшма сўзлар ҳам бир асосий ургутга эга. Қўшма сўзлар-

³ Қаранг: Б. Мадаллаев. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар, Тошкент, 1966, 8—14-бетлар; А. Ҳожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент, 1963, 8—13-бетлар. ва бошқалар.

⁴ Қаранг: Ж. Ш. Шукуров. Қирғиз тилиндеги татаул сздор, Фрунзе, 1955, 22-бет; Р. Бердиев. Сложные слова в современном туркменском языке. АҚД, М., 1955.

⁵ Қаранг: Н. А. Баскаков. Каракалпакский язык; II, Фонетика и морфология. ч. I, М., 1952, стр. 184—185; Ю. Сеидов. Озарбайжон адабий тилида сўз бирикмалари, (озарбайжон тилида), Баку, 1966, 49 ва кейинги бетлар; С. Кенесбаев. Қўшма сўзларнинг ясалув йўллари (қозоқ тилида). Ученые записки казахского гос. университета, т. IX, 1946, 38—45-бетлар ва бошқалар.

⁶ Қаранг: А. Ҳожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент, 1963, 6—7-бетлар.

⁷ Қаранг: М. И. Привалова. К определению понятия сложного слова в русском языке, Вестник ЛГУ, № 8, вып. 2, Л., 1956, стр. 69.

дан ҳам турли йўллар билан янги сўзларнинг ясалиши, содда сўзлар каби, янги сўзларнинг ясалишида база бўлиб хизмат қилиши мумкин (тилёглама—тилёгламачи, тилёгламалик, тилёгламачилик) ва ҳ. к.

Хуллас, қўшма сўзлар ҳам, содда сўзлар каби, тилнинг бутун ва бутун шаклланган бирлиги. Шунинг учун қўшма сўзлар тузилиш жиҳатидан ва таркибига кўра сўз бирикмаларига ўхшасалар ҳам, улар сўз бирикмаси эмас, балки сўздир. Шунга кўра, қўшма сўз ва сўз бирикмаси деган тушунчаларни тубдан бир-биридан фарқламоқ ва чегараламоқ керак.

Ўзбек тилшунослигида айрим ҳолларда қўшма сўз ва сўз бирикмалари тушунчалари бир-бирларидан фарқланмай қўлланадиган ўринлари ҳам учрайди. Масалан, 1956 йил 4 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»да «Қўшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси» деган сарлавҳа қўйилган⁸. Лекин текстда сўз бирикмаларининг имлоси ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Худди шу ҳодиса, Фахри Камол «Ўзбек орфографияси ҳақида» (Уқптувчиларга ёрдам) китобчасида «Қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг имлосига доир» деган сарлавҳа кўяди ва «Ўзбек орфографиясида энг мураккаб масала қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари имлосидир» деб ёзади⁹. Яна бошқа бир ўринда «Қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларининг максимал равишда ажратиб ёзилиши ўзбек орфографиясининг стабиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. «Шунинг учун «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларини (биз ажратдик — М. Ш.) мумкин қадар ва имкониёти борича ажратиб ёзиш принципини олдинга суради»¹⁰, дейди.

Аслида қўшилиб ёзиладиган сўз бирикмаларининг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сўз бирикмалари ва қўшма сўзларни аниқ фарқламаслик ҳоллари ҳатто сўнги йилларда нашр қилинган асарларда ҳам учрамоқда. Ғ. А. Абдурахмонов таҳрири остида нашр этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида: «Адабий тилда турли типда тузилган янги қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари учрайди», дейилади ва *ши кун, халқ хўжалиги, ҳаво флоти, Совет Армияси, сўз боши, эркесвар, тинчликесвар, юз центнерчи, қайи катетли* ва ҳ. к. мисоллар келтиради¹¹. Бу бирикмаларнинг қайси бири қўшма сўз, қайси бири сўз бирикмаси эканлиги аниқланмайди.

Содда ва қўшма сўзлар тилда бир-хил функцияларни бажаришларига қарамай, ўзаро фарқлидирлар.

Содда ва қўшма сўзлар, даставвал, тузилишларига кўра фарқлидирлар: содда сўзлар бир ўзак-негиздан, қўшма сўзлар икки ёки undan ортиқ ўзак-негизлардан ташкил топади. Қўшма сўзлар ўзак-

⁸ Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари, Тошкент, 1956, 16-бет.

⁹ Фахри Камол. Ўзбек орфографияси ҳақида, Тошкент, 1957, 35-бет.

¹⁰ Уша асар, 44-бет.

¹¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили, т. I, Тошкент, 1966, 10-бет.

негизларнинг бирикувидан, сўз бирикмаларидан, гаплардан ва ҳ. к. бирикмалардан пайдо бўлади ва бутунлигича бир моддий (лексик) маънони ифодалайди.

Қўшма сўзлар бутунлигича бир маъно ифодалайдиган ҳолга келиб қолган бўлсалар ҳам, бари бир уларнинг компонентлари ўз лексик маъноларини бутунлай йўқотиб юбормайдилар, қандайдир даражада бўлса ҳам, сақлайдилар¹². Масалан, ўзбек тилида «бош» сўзи ниширокида тузилган анчагина сўзлар бор: *бош бола, бош врач, бош мақола, бошогрик, бошпана, бош сўз, бош мия, бош суяк*, (анат.), *бош тўғон, бошяланг, бошқоронғи, бош қўмондон, бош ҳарф* ва ҳ. к. лар. Бу қўшма сўзларнинг ҳар иккала компонентлари ҳам ўз лексик маъноларини бутунлай йўқотиб юбормагашлар. Қўшма сўз компонентларининг лексик маънолари турли даражада — айримларида кўпроқ, айримларида камроқ сақланган бўлиши мумкин. Қиёсланг: *белбоғ, даламудир, Мирзачўл, Янгиер* (шаҳар) ва ҳ. к.

Қўшма сўз компонентлари ўртасидаги маъно муносабатлари ҳам сақланади. Масалан: *кўзойнак, тоққайчи, кунгабоқар, тишкавлагич, буғ ўтказгич* ва ҳ. к.— қарашлилиқ, хослик; *тоғолча, номовшомгул* — ўрин, пайтга муносабат; *тошбақа, карнайгул* — ўхшашлик ва ҳ. к.¹³ маъноларни ифодалайдилар.

Қўпгина адабиётларда учрайдиган — қўшма сўз компонентлари ўз лексик маъноларини йўқотиб, бириккан ҳолатдагина бир лексик маъно ифодалайдилар, деган фикрга қўшилиб бўлмайди.

Б. Мадалиев, қўшма сўз таркибига кирган сўзлар мустақил маъно хусусиятига эга бўлмайди. Бундай ҳолатда лексик маъно унинг яқка маъносидан тамоман фарқ қилади. Масалан, *ошқозон* деганда, ундан ҳам ош, ҳам овқат пиширадиган қозон англашилмайди, дейди¹⁴. Тўғри *ошқозон* қўшма сўздан ош-овқат ва овқат пишириладиган қозон маънолари англашилмайди. Лекин бу ўринда масаланинг иккинчи томонини — сўзларнинг кўча маънода қўлланшларини ҳам унутмаслик керак. *Ош* — *қозон* — ейилган овқат тушадиган одамнинг ички органи — гастр демакдир. *Ош* — овқат қозонда пиширилади, шунга тақлидан ош-овқат тушадиган ўринни ҳам қозон деб аталган ва натижада ейилган ош-овқат тушадиган ва қайта ишлайдиган ички органини ҳам *ошқозон* қўшма сўзи билан аталган.

Б. Мадалиев юқоридаги фикрини давом эттириб, *канақунжут, гултожхўроз, итоғиз, отқулоқ* ва ҳ. к. қўшма сўзларни келтириб,

¹² Қаранг: Л. В. Щербачева. Очередные проблемы языковедения. Известия АИИ ва. Как образуются слова, М.—Л., 1966, стр. 58 ва бошқалар.

тельные в современном русском языке. АКД. М., 1950, стр. 4; Т. Б. Козминская. Сложные слова в современном чешском языке, Киев, 1955, стр. 218; Е. А. Василевская. К проблеме сложного слова. Ученые записки МГПИ им. В. И. Ленина, № 148, Русский язык, М., 1960, стр. 50 ва бошқалар.

¹³ Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси, I том, Морфология, Тошкент, 1975, 34-бет.

¹⁴ Б. Мадалиев. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар, Тошкент, 1966, 22—23-бетлар.

булар бутунлигича янги маъно ифодалаётгани, бу уларнинг (қўшма сўз компонентларининг) маъносидан фарқли эканини айтади¹⁵.

Тўғри, бу қўшма сўзлар бутунлигича бир маъно ифодаламоқда, лекин шу маъно қўшма сўз компонентларининг маъносидан фарқли эмас, аксинча у билан боғлиқдир. Масалан: *канакуножут* — шакли канага ўхшаган кунжут, *гултожихўроз* — хўрознинг тожисига ўхшаган гул, *отқулоқ* — отнинг қулоғи шаклига ўхшаган катта баргли ўсимлик ва ҳ. к.

Б. Мадалиев китобининг 22-бетида «Қўшма сўз таркибига кирган сўзлар мустақил маъно хусусиятига эга бўлмайди» деса, шу китобнинг 40-бетида «Компонентларнинг мустақил маънога эга ёки эга эмаслигига қараб, қўшма сўзлар уч турга бўлинади... деб қарама-қарши фикрни баён этади ва уларни шу хусусиятига кўра классификация қилади.

Қўшма сўз компонентлари ўз моддий (лексик) маъноларини сақлашлари қатор тилшунослар томонидан эътироф этилади. М. И. Привалова, қўшма сўз компонентлари қай даража бўлишидан қатъи назар, ўз мустақил моддий маъноларини сақлайдилар, дейди¹⁶. Е. А. Василевская қўшма сўзлардаги бу хусусиятни қўшма сўзнинг асосий белгиси деб атайди¹⁷.

Ҳақиқатда ҳам қўшма сўз компонентлари ўртасидаги маъно муносабатлари сақланганлиги учун ҳам қўшма сўзнинг маъноси унинг таркибига кирувчи компонентларнинг маъносига боғлиқ бўлади¹⁸.

Тилмизда кўплаб қўшма сўзлар учрайдики, уларнинг этимологияси, компонентларининг маъноси номаълум. Масалан, Бешсерка, Қирқкетмон, Ойимқишлоқ ва ҳ. к. жой номлари нима учун шундай аталганлиги ноаниқдай кўринади, лекин бу сўзларнинг маълум келиб чиқиш тарихи бор ва ўша даврда ҳар иккала компонентлар ҳам ўз маъноларига эга бўлганлар. Ҳозирги кунда маълум этимологик текшириш ўтказмай туриб, бу сўзларнинг тарихи ва маъноларини аниқлаш, албатта, қийин.

Маълумки, бундай хусусият фақат қўшма сўзлар ва уларнинг компонентларига хос бўлмай, умуман сўзларга хосдир.

Ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг кўпчилигида компонентларнинг лексик маънолари сақланган ва маъно муносабатлари яққол сезилиб туради. Фақат айрим қўшма сўзлардагина компонентларнинг маъноси ва маъно муносабатларини аниқлаб бўлмайдиган даражага келиб қолган. Бу эса тил учун оддий бир ҳолдир.

Айрим қўшма сўзлар мураккаб лексиколизация ва граммати-

¹⁵ Уша асар, 23-бет.

¹⁶ М. И. Привалова. К определению понятия сложного слова в русском языке, Вестник ЛГУ, № 8, серия истории, языка и литературы, вып. 2, Л., 1956, стр. 71.

¹⁷ Е. А. Василевская. К проблеме сложного слова, Ученые записки МГПИ им. В. И. Ленина, № 148, русский язык, 1960, стр. 50.

¹⁸ Қаранг: Т. Б. Козминская. Сложные слова в современном чешском языке, Киев, 1955, стр. 218.

кализация процессини кечирганлар ва компонентларга ажралмас— бир бутун ҳолга, содда сўзга айланганлар.

Проф. Э. В. Севортян туркий тилларда бу процессни шундай тушунтиради: ...барча қўшма сўзлар аслида аниқ синтактик алоқаларга эга бўлганлар, кейинчалик ажралмас ҳолга келганлар, шунинг натижасида ўзининг аввалги синтактик хусусиятини йўқотиш ва бундай синтактик бирикмалар қисмларининг семантик жиҳатдан бирикиб кетиш, яъни уларни қўшма сўзга айланиш процесси имконияти туғилган, деб кўрсатади¹⁹.

Э. В. Севортянининг кўрсатишича, қўшма сўзларда синтактик хусусияти (синтаксическое перерождение)ни йўқотиш ва маъно жиҳатдан қисмларининг бирикиб кетиш (смысловое сращение) даражаси бир хил эмас. Айрим ҳолларда бу процесс тўлиқ ривожланган, айримларида синтактик хусусиятини йўқотиш тўлиқ ривожланмаган, лекин семантик бирикиш ҳали тугалланмаган, айримларида эса сўз бирикмаларининг синтактик ва семантик қайта қурилиши қўшма сўз элементларининг фонетик жиҳатдан бирикиб кетиши, натижада аввалги сўз бирикмаси бўлаклари ўртасидаги бутун чегаранинг ба-тамом йўқолиб кетиши билан тугалланиши мумкин, (бултур — бир йилдир, Апсалом — Абд — ул Салом каби)²⁰.

Э. В. Севортянининг бу фикри ўзбек тилига ҳам тўлиғича тааллуқлидир. Масалан, *қўкат* (кўк ўт), *қайрағоч* (қора оғоч), *қулоч* (қўл оч), *қўлтиқ* (қўл тиқ) ва ҳ. к. ларда сўз бирикмаси ўртасидаги бутун чегара йўқолиб кетган. Бу процесс: сўз бирикмаси — қўшма сўз — содда сўз билан тугалланган.

Проф. А. И. Мухин бундай ҳодиса рус тилида ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади²¹.

Қўшма сўз компонентлари ўртасида грамматик алоқа-синтактик муносабатлар мавжудлигини айрим тилшунослар тан олсалар²², айримлари инкор этадилар²³.

Қўшма сўзларнинг кўпчилик ва асосий қисми сўз бирикмаларидан келиб чиққан ёки сўз бирикмалари модели асосида ясалган, агар шундай экан, ўша сўз бирикмаларининг компонентлари қандай синтактик алоқага киришган бўлса, қўшма сўзга айланган вақтда ҳам ўша синтактик алоқа, турли қўшма сўзларда турли даражада сақланади. Масалан, *асалари*, *қовоғари ойболта*, *қўлқоп*, *шо-*

¹⁹ Э. В. Севортян. К соотношению грамматики и лексики в тюркских языках. Сб. Вопросы теории и истории языка... М., 1952, стр. 318.

²⁰ Э. В. Севортян. Уша асар, 318—319-бетлар.

²¹ Қаранг: А. И. Мухин. О спорных вопросах морфологии русского языка. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов. М.—Л., 1963, стр. 280.

²² Қаранг: В. И. Алатырев. Парные сложные слова. Ученые записки Карело-финского гос. университета, Т. 1, Петрозаводск, 1946, стр. 64—65; Е. В. Васильевская. Словосложение в русском языке, М., 1962, стр. 84; Уша автор. Словосочетание и словосложение, Труды кафедр русского языка вузов Восточной Сибири и Дальнего Востока, 11, Иркутск, 1962, стр. 55; А. А. Аверьянов а. Как образуются слова, М.—Л., 1966, стр. 58 ва бошқалар.

²³ Қаранг: А. Ҳожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Тошкент, 1963, 15—16-бетлар.

липоя, беданоя, кўйкўтал. Олтинкўл, Қорасув, Учкўрғон Янгиқурғон ва ҳ. к. ларда аниқловчи ва аниқланмишлик муносабати; кунгабоқар, бетгачопар, товонтешар, ўринбосар, ишбузар, иш юритувчи, гапсотар, бугўтказғич ва ҳ. к. ларда тўлдирувчи ва ҳаракат билдирувчи сўз муносабати; босволди, Сотволди, искабтопар, тезоқар, эртапшиар ва ҳ. к. ларда ҳол билан ҳаракат билдирувчи сўз муносабати; сойкелди, қорёғди, отқочди (болалар ўйини), илигузилди, пашшақўнмас (ўсимлик номлари) кабиларда эга ва кесим муносабати ва ҳ. к.

Лексикализация, грамматикализация: фонетик бутунлик каби ҳодисалар ҳар қандай қўшма сўзда ҳам юз бериши мумкин.

Қўшма сўзлар янги ташкил топган пайтларда (Янгиер, Қирқчинор, Мингчинор каби жой номлари компонентларнинг моддий (лексик) маънолари сақлаши, маъно ва грамматик муносабатлар анча кучли бўлади, лекин маълум даврларнинг ўтиши билан бу хусусиятлар кучсизланиб бориши ва ҳатто компонентлар бир бутун ҳолга келиб қолиши — содда сўз даражасига етиши мумкин. Шунинг учун қўшма сўзларнинг барчасини бу хусусиятларига кўра бир қелинга тушириб бўлмайди, ҳар бир қўшма сўзга алоҳида-алоҳида ёндашиш керак бўлади.

Сўз бирикмаларидан келиб чиққан ёки сўз бирикмалари модели асосида ясалган қўшма сўзларда мослашув, битишув муносабатлари ҳам сақланади.

Қўшма сўзлар проблемаси сўз бирикмалари проблемаси билан маҳкам боғланган. Чунки қўшма сўзларнинг кўпчилик қисми фақат ўзбек тилида эмас, бошқа тилларда ҳам сўз бирикмалари тилда узоқ муддат қўлланиши натижасида компонентлари семантик, грамматик ва фонетик жиҳатдан бир бутун ҳолга келиб, бир тушунчани ифодалайдиган бир бутун шаклланган қўшма сўзга айланади. Бу фикр бундан анча муқаддамоқ машҳур рус тилшуноси И. Н. Срезневский томонидан олға сурилган эди. И. Н. Срезневский, сўз бирикмалари ва қўшма сўзлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ эканлиги, қўшма сўзлар кўпинча сўз бирикмалари базасида вужудга келиши, кўпгина ифодалар узоқ ва кўп вақт тилда қўлланиши натижасида қисмлари бир-биридан ажралмас бутун бир сўз ҳолатига келиб қолиши ҳодисаларини кўрсатиб ўтган эди²⁴. Хўш шундай фикр бошқа тилшунослар томонидан ҳам айтиб ўтилган²⁵.

²⁴ Қаранг: И. Н. Срезневский. Замечания об образовании слов и выражений, Сб. ОРЯС, т. х. 1873, стр. XIX ва XX.

²⁵ Қаранг: E. Dickelman. Untersuchungen über die Nominal—composition im Russischen, Leipzig, 1934, стр. 24; И. Лось. Сложные слова в польском языке, СПб, 1901, стр. 124; Вигманн Карл. Grundriss der Vergbung, 1886, 486 К. Вгунгманн. Über das Wesch der sog. Wortzusammensetzung. Leipzig, 1900, S. 362—363; V. Jagic. Die slavischen nominalkomposita in ihrem sprachgeschichtlichen Auftreten. Archiv fustlav. Philologie» XX, стр. 522—523. А. Дармстедтер, Ф. Миклович, қисман акад. Ф. Ф. Фортунатов, А. И. Томсон ва бошқа кўпгина тилшунослар ана шу фикрда бўлганлар ёки бу фикрни қувватлаганлар ва ҳозир ҳам кўпчилик тилшунослар томонидан бу фикр қувватланмоқда. Қаранг: Е. А. Василевская. Словосочетание и словосложение, Труды кафедр

Машҳур совет тилшуноси акад. В. М. Жирмунский шундай дейди: Ҳар бир қўшма сўз ё илгари сўз бирикмаси бўлган ёки қадимги сўз бирикмаси модели асосида тузилган²⁶. С. И. Абакумов, умуман айтганда, қўшма сўзлар сўз бирикмалари заминидан пайдо бўлганлиги ҳозирги пайтда ҳамма томонидан тап олинмоқда, дейди²⁷. Проф. А. Л. Андрейчик қўшма сўзларни ҳатто тўғридан-тўғри сўз бирикмаларига тенглаштириб қўяди²⁸.

Ўзбек тили материаллари ҳақиқатда ҳам бу фикрнинг тўғри эканлигини кўрсатади. Чунки ўзбек тили луғат бойлигидаги мавжуд қўшма сўзларнинг кўпчилиги қисми эркин сўз бирикмаларининг трансформацияси натижасида вужудга келган ёки сўз бирикмалари модели асосида тузилган. Лекин М. И. Привалова, ...ҳозирги ҳолатида ҳам, генетик жиҳатдан ҳам қўшма сўзларни сўз бирикмалари билан тўлиқ тенглаштириш мумкин эмас, деб ҳисоблайди²⁹.

Тўғри, қўшма сўзларнинг ҳозирги ҳолатини сўз бирикмаларига тенглаштириб бўлмайди, лекин генетик жиҳатдан сўз бирикмаларига тенглаштириш мумкин эмас, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Ўзбек тилидаги аввал баҳор, анор юз, бетгачопар, Бешариқ, бачкигўл, ерости, ёлғиз қўл, ёнар тоғ, кўз ёши, кечкуз, кўкпийёз, меҳнат кунни ва ҳ. к. ҳозирги кунда қўшма сўз деб қабул қилинувчи сўзларни аслида сўз бирикмаларидан келиб чиққанлигини исботлаш учун зарурият йўқ.

Иккинчидан, шу қўшма сўзларни осопгина қисмларга ажратиб мумкин ва компонентлар ўртасидаги синтактик алоқа ҳам яққол кўришиб турибди (асосан юқоридаги қўшма сўз компонентлари аниқловчи-аниқланмиш ва тўлдирувчи — ҳаракат билдирувчи сўз муносабатларидан иборат. Бу қўшма сўз компонентларининг айримларида ўзаро синтактик алоқани билдирувчи формал грамматик белгилар ҳам мавжуд).

Учинчидан, шунинг ҳисобга олиш керакки, қўшма сўзларда компонентларнинг лексик маъноларини сақлаш даражаси турлича бўлади. *Аввал баҳор, кеч куз, кўз ёши, кўкпийёз, меҳнат кунни* ва ҳ. к. қўшма сўзларнинг компонентлари лексик маъноларини жуда яққол сақлаганлар.

Шундай қилиб, қўшма сўзларнинг сўз бирикмаларига алоқаси йўқ деган фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

русского языка вузов Восточной Сибири и Дальнего Востока. II, Иркутск, 1962, стр. 35 ва бошқалар.

²⁶ В. М. Жирмунский. О границах слова. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 29.

²⁷ С. И. Абакумова. О сложных словах в русском языке, «Русский язык в школе», № 3—4, 1946, стр. 18.

²⁸ Қаранг: А. Л. Андрейчик. Грамматика болгарского языка, перевод с болгарского и словарь В. В. Бородин, М., 1949, стр. 78—79.

²⁹ М. И. Привалова. К определению понятия сложного слова в русском языке. Вестник ЛГУ, серия истории, языка и литературы, № 8, вып. 2, Л., 1956, стр. 71; Яна қаранг: М. И. Привалова. Сложные слова и их функции в художественных произведениях М. Е. Салтыкова-Щедрина, Л., 1953, стр. 33; З. П. Дюпова. Сложные прилагательные в современном русском языке. АКД, М., 1950.

Ўзбек тили ва бошқа кўпгина тилларнинг материаллари шуни кўрсатадики, қўшма сўзларнинг кўпчилик ва асосий қисми сўз бирикмаларидан ёки сўз бирикмалари модели асосида келиб чиққан. Қўшма сўзларнинг пайдо бўлишида сўз бирикмалари асосий маъна бўлиб хизмат қилади. Лекин акад. В. М. Жирмунский айтганидек ва кўпчилик авторлар томонидан тасдиқланганидек, ҳамма қўшма сўзлар ҳам сўз бирикмаларидан келиб чиққан ёки сўз бирикмаси модели асосида тузилган деб қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Ўзбек тилида қатор қўшма сўзлар мавжудки, уларни сўз бирикмаларидан келиб чиққан ёки қадимги сўз бирикмалари модели асосида тузилган деб бўлмайди. Масалан: *тошбўрон, Тоштемир, Турсунали, Ҳайдарали, тилхат, Самарқандқишлоқ, Фарҳодстрой, қорхат, қўлбола, пиёздоғ, Ойгул, темирбетон, ҳадеб, қорёғди* (маросим номи), *Сойкелди, бағритош, Кумбосди, гўштқуйди, хуморбосди, меҳмонбосди, ёрилтош, уртўқмоқ, уркалтак, очилқални, қайнаҳумча, очилдастурхон* ва ҳ. к.

Бу қўшма сўзларнинг айримлари тўғридан-тўғри ўзак негизларни қўшишдан, айримлари жуфт сўзлардан (*темирбетон* каби) айримлари эга ва кесим муносабатидан — гапдан, айримлари эга, кесим ва ундалмадан келиб чиққандир. Кесим — ундалмадан келиб чиққан ёки *чамандагул* каби қўшма сўзларда уларнинг компонентлари ўртасида сўз бирикмаларига хос грамматик алоқа йўқ.

Бу хусусият қўшма сўзларнинг ҳаммаси ҳам сўз бирикмаларидан келиб чиқмай, бошқа усуллар билан ҳам пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам ўзбек тилида қўшма сўзлар турли йўллار билан пайдо бўлади.

М. И. Привалова рус тилида ҳам ана шундай хусусият мавжудлигини кўрсатади, лекин у буни жуда бўрттириб юборади. Унинг фикрича, қўшма сўзларнинг унча маҳсулдор бўлмаган айрим типларини сўз бирикмаларидан пайдо бўлган. У яна айтадики, бундан ҳар бир қўшма сўз этимологик жиҳатдан сўз бирикмасига бориб тақалади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. ...Лекин алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керакки, икки (ёки ундан ортиқ) компонентлардан ташкил толувчи қўшма сўзлар маълум лексик разрядларнинг тилда мавжуд бўлган қонуний синтактик имкониятлар асосида бирикувидан пайдо бўлади³⁰.

Қўшма сўзлар тилда содда сўзлар каби вазифаларни бажарадилар, бирор тushунчани реаллаштириш учун хизмат қиладилар. Лекин тилда қўшма сўзларнинг пайдо бўлишини содда сўзларнинг пайдо бўлиши билан тенглаштириб бўлмайди.

Қўшма сўзларнинг тузилиши, структураси шундайки, уларнинг пайдо бўлишини тилда тамомила абсолют янги сўз пайдо бўлди деб бўлмайди. Чунки қўшма сўзлар аввал тилда алоҳида мавжуд бўлган сўзларнинг янги тур комбинацияларидан вужудга келади.

³⁰ М. И. Привалова. К определению понятия сложного слова в русском языке. Вестник ЛГУ. серия истории, языка и литературы № 8, вып. 2, Л., 1956, стр. 73.

Сўз бирикмаларининг ривожланиш йўли ҳақида В. М. Жирмунский шундай дейди: Ортиқ ёки кам даражада «бириккан» тор маънодаги сўз бирикмаси унинг қисмлари суммаси маъносида фарқ қилувчи, бутунлигича янги маъно (грамматик ёки лексик) томон ривожланган сўз группаларининг грамматик ва лексик жиҳатдан жипс бирикуви натижасида вужудга келади. Бу ўринда тараққиётнинг икки йўналиши бўлиши мумкин:

1) Сўз бирикмаларининг грамматизациялашиш (морфологизациялашиш) томонга, яъни сўз группаларининг сўзнинг ўзига ҳос янги аналитик формасига айланиши; 2) Сўз бирикмаларининг лексикализациялашиш томонга, яъни сўз группаларининг ортиқ ёки камроқ даражадаги мустаҳкам фразеологик бирликка айланиши. Бу фразеологик бирлик маъно жиҳатдан сўзнинг фразеологик эквиваленти саналади³¹.

В. М. Жирмунскийнинг кўрсатишича, юқоридаги ҳар иккала ҳолатда ҳам процесснинг охириги натижаси сўз бирикмасининг ягона (қўшма) сўзга бирикиши билан тугалланади (лекин ҳамма вақт шундай тугаланиши шарт эмас)³².

В. М. Жирмунскийнинг бу фикрини ўзбек тилига ҳам тадбиқ этиш мумкин. Ҳозирги ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг кўпчилиги ва асосий қисми сўз бирикмаларининг, юқоридаги каби, икки хил тараққиётнинг бири натижасида вужудга келган. Сўз бирикмаларининг қўшма сўзларга айланиши қисқа муддатли процесс эмас, у узоқ вақтни талаб этади. Чунки мустақил маъноларга эга бўлган сўз бирикмаси компонентларининг бутунлигича бир маъно англатадиган даражага келиши — сўз бирикмасининг сўзга айланиши тилда узоқ муддатни талаб этадиган ва мураккаб процессдир. Кўпгина иборалар қанча узоқ ва кўп қўллаinsa, шунча осонлик билан бир ажралмас сўзга айланади, — дейди И. И. Срезневский³³.

Сўз бирикмалари фақат қўшма сўзларга айланибгина қолмай, унинг турли типлари сўзнинг янги формаларининг вужудга келишида материал сифатида хизмат қилиши ҳам мумкин. Лекин бу қўшма сўзларга нисбатан ҳам мураккаб ва узоқ муддатни талаб этадиган процессдир³⁴.

Сўз бирикмаларининг қўшма сўзга айланиши бир томонлам процесс. Чунки сўз бирикмалари қўшма сўзга айланиши мумкин, лекин қўшма сўзлар қайтадан сўз бирикмаларига айланиб қолмайди. Олий абстракция босқичи сифатида сўз бирикмаларидан пайдо бўлган қўшма сўзлар ўзининг грамматик ва стилистик хусусиятларига эга бўлади ва тилда қўллана беради.

³¹ В. М. Жирмунский. О границах слова, ВЯ, 1961, № 3, стр. 15.

³² Қаранг: Уша асар, 15-бет.

³³ И. И. Срезневский. Замечания об образовании слов и выражений, Сб. ОРЯС, т. х., 1873, стр. ІХІХ и ІХ.

³⁴ Қаранг: М. М. Гухман. Глагольные аналитические конструкции как особый тип сочетания частного и полного слова, Сб. Вопросы грамматического строя, М., 1955, стр. 326.

Айрим тилшунослар бунинг акси бўлиши, яъни қўшма сўзларнинг сўз бирикмаларига айланиши мумкин деб кўрсатадилар. Масалан, В. П. Недялков немис тилида бир қатор тарихан қўшма сўзлар сўз бирикмаларига айланган, дейди³⁵. Лекин ўзбек тили материаллари тилимизда бундай ҳодисанинг мавжудлигини исботламайди.

Сўз бирикмаларининг грамматизациялашиш оқибатини академик В. М. Жирмунский қуйидагича тушунтиради: Сўз бирикмаларининг грамматизация қилиниши унинг компонентларидан бирининг ортиқ ёки камроқ даражада лексик маъносининг кучсизланиши билан боғланган. Кейинчалик эса у лексик маъно ифодаловчи (мустақил) сўздан ярим ёрдамчи ёки ёрдамчи сўзга, сўз группаси эса бутун ҳолатида сўзнинг грамматик формасига айланади³⁶. Бу процесда сўз бирикмаси аввал қўшма сўзга айланади, бундан унинг элементларидан бири ўз лексик маъносини кучсизлантиради ва охири ёрдамчи сўзга айланади, сўнг бу ёрдамчи сўз ёрдамчи сўзлигини ҳам йўқотиб, сўз формасига айланади, бутун сўз бирикмаси эса содда сўзга айланиб кетади. Хуллас, грамматизация натижасида сўз бирикмасининг элементи тамомила янги сифатга айланади, яъни у энди лексик маъно эмас, грамматик маъно, грамматик муносабатларни ифодалайди. Бу ҳолни ўзбек тилидаги кўмакчи феълларда яққол кўриш мумкин. Аслида мустақил лексик маънога эга бўлган айрим феъллар ҳозир ўз лексик маъноларини йўқотиб, қўшимча маъно оттенкаларини ифодалайдиган ёрдамчи сўзга — кўмакчи феълларга айланган. Буларнинг айримлари эса ёрдамчи сўзлик хусусиятини ҳам йўқотиб, сўз формасига айланиб кетган ва аффикслик вазифасини бажармоқда. Масалан: *ўқиб турибман, ўқиб юрибман, ўқиётиман, ўқиётирман* каби феълларда *турмоқ, юрмоқ, ётмоқ* феъллари ёрдамчи сўз эмас, замон маъносини ифодаловчи аффикс вазифасини бажармоқда.

Худди шу нарсани феълларга қўшилиб, шахс ва сонни ифодалайдиган (*ёза-ман, ёзасан, ёзамиз, ёза-сиз* каби) аффиксларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай процесни фақат ўзбек тилида эмас, бошқа тилларда ҳам учратамиз³⁷.

Сўз бирикмаси элементларининг грамматизация қилиниши ҳодисаси, айниқса, аффиксга айланиб кетиши, албатта, узоқ муддатни талаб этувчи процесдир.

³⁵ Қаранг: В. П. Недялков. О структуре немецкого глагола. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 276.

³⁶ В. М. Жирмунский. Уша асар, 15-бет.

³⁷ Қаранг: В. М. Жирмунский. Уша асар, 15 ва ундап кейинги бетлар; В. П. Григорьев. О границах междусловосложением и аффиксацией, ВЯ, 1956, № 4, стр. 46. Аналитик конструкциилар М. М. Гухманнинг қуйидаги асарларида апча батафсил баён этилган: Глагольные аналитические конструкции как особый тип сочетаний частичного и полного слова. Сб. Вопросы грамматического строя. М., 1955; Критерии выделения глагольных аналитических конструкций из других типов словосочетаний. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963.

Сўз бирикмаси элементларидан бирининг лексик маъносининг кучсизланиб ярим ёрдамчи сўзга ёки ёрдамчи сўзга ёки аффиксга айланиб кетиш ҳодисасини барча сўз бирикмаларидан пайдо бўлган қўшма сўзларга тадбиқ этиб бўлмайди. От + от, сифат + от, сои + от каби сўз бирикмаларида бу ҳодиса учрамайди. Масалан *белбо:* қўшма сўзи ўзбек тили луғатида жуда қадимдан мавжуд бўлишига қарамай, унинг бирор элементи ўз маъносини кучсизлантирган, ёрдамчи ёки ярим ёрдамчи сўзга айланган деб бўлмайди. Шунинг учун грамматизация ҳодисасини ҳамма қўшма сўзларга писбатан баробар қўллаб бўлмайди.

Юқорида айтилганидек, қўшма сўзлар сўз бирикмалари модели асосида ҳам тузилади. Фақат ўзбек тилида эмас, умуман кўпчилик тилларда қўшма сўзларнинг асосий қисми асрлар давомида сўз бирикмалари модели асосида вужудга келган намуналар асосида пайдо бўлган³⁸. Ҳақиқатан ҳам янги сўзларнинг кўпчилиги эски намуналар асосида ясалди³⁹. Масалан, яқиндагина *аэронавт* сўзи модели асосида *космонавт*; *аэродром* сўзи модели асосида *космодром*; *самолёт* сўзи модели асосида *звездолёт* каби қўшма сўзлар пайдо бўлди.

Ўзбек тилида ҳам фақат кейинги йилларнинг ўзидаёқ ўзбек тили сўз бирикмалари модели асосида қатор қўшма сўзлар пайдо бўлди. Масалан, сифатловчи ва сифатланмишли бирикма моделида: *беш йиллик, беш мингчи, бир томлик, бир хужайрали, икки нуқта, бош ҳарф, бош мақола, тез ёрдам, бош врач, Янгигер* ва ҳ. к.; қаратқичли аниқловчи ва аниқланмишли бирикма моделида: *иш кунни, иш ҳақи, меҳнат кунни, сўз боши, звено боши, иш плани. Май олди, байрам олди* ва ҳ. к.; тўлдирувчи ва ҳаракат билдирувчи сўздан иборат бўлган бирикма моделида: *меҳнатсевар, тинчликсевар, нур қайтаргич, иш ташлаш, дунёқараш* ва ҳ. к. лар.

Лекин шунинг айтиши керакки, сўз бирикмаси модели асосида тузилган қўшма сўзлар ҳам сўз бирикмаларидан пайдо бўлган қўшма сўзлардан бирор хусусияти билан фарқ қилмайди. Масалан, юқорида келтирилган қўшма сўзларнинг ҳаммасида ҳам уларнинг элементлари ўзаро аниқловчи + аниқланмиш, тўлдирувчи + ҳаракат билдирувчи сўз ва ҳ. к. муносабатлардадир. Шунинг учун қўшма сўзларнинг қайси бири сўз бирикмасидан, қайси бири сўз бирикмаси модели асосида пайдо бўлганлигини аниқлаш анча қийин. Қўшма сўзларни фақат тарихан ўрганиш натижасидагина бу масалага тўғри ёндашиш мумкин.

Сўнги вақтларда ўзбек тилига рус тилидан турли сўз ва ибораларнинг калька йўли билан кириши натижасида айрим рус тили сўз бирикмалари модели асосида ясалган қўшма сўзлар ҳам худди

³⁸ Рус тилида сўз бирикмалари модели асосида ясалган қўшма сўзлар Е. А. Василевскаянинг «Словосочетание и словосложение». Труды кафедр русского языка вузов Восточной Сибири и Дальнего Востока, Иркутск, 1962 ва «Словосочетание в русском языке», М., 1962 асарларида анча батафсил ёритилган.

³⁹ Қаранг: Проф. М. П. Петерсон. Введение в языковедение, М., 1929, стр. 27.

ўшандайлигича кира бошлади. Масалан, *газвода* қўшма сўзи *газированная вода* — писбий сифат ва сифатланмишдан иборат сўз бирикмасида сифатловчи қисқартирилган ва натижада *газвода* қўшма сўзи пайдо бўлган. Худди шу сўз бирикмаси ўзбек тилига газланган сув деб таржима қилинган ва рус тилидаги каби, сифатловчи аниқланмиш қисқартирилиши натижасида рус тилидагига айнан ўхшаган *газсув* қўшма сўзи пайдо бўлган. Умуман ўзбек тилига рус тилидан сўзлар кириши натижасида рус тили сўз бирикмалари модели асосида ясалган анчагина қўшма сўзлар ўзбек тилида пайдо бўла бошлади.

Турли тилларда қўшма сўзларнинг ясалишида ўзига хос моделлар мавжуд. Масалан, рус тилида бир хил модел билан ясалган бир неча қўшма сўзни учратиш мумкин: *Кедроград, Волгоград, Зеленоград, Целиноград; водопровод, газопровод, лифтопровод; Волховстрой, Днепрострой, метрострой, Куйбышевстрой, Ангарастрой; винопдел, маслодел, бракодел; паровоз, тепловоз, электровоз* ва ҳ. к.

Ўзбек тилида бундай ҳодиса жуда камдан-кам учрайди, фақат *Меҳнатобод, Колхозобод, Ҳамзабод* каби ўрин-жой номларидагина учрайди.

Ўзбек тилида ҳар бир конкрет қўшма сўзнинг ўз ясалиши мавжуд. Ҳар бир конкрет қўшма сўз маълум бир сўз бирикмасидан ёки сўз бирикмаси моделидан пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам проф. Э. В. Севортян айтидики, грамматик бўлмаган йўл билан ясалган янги сўзнинг тилнинг лексик таркибида пайдо бўлиши ҳар гал ўзининг алоҳида изоҳига эга ва умумий қоидага мос келмайди. Бундай сўзнинг тарихи ўзига хос, индивидуалдир⁴⁰.

Шунинг учун ҳар бир сўз бирикмаси охири бориб қўшма сўзга айланади деб айтиб бўлмайди.

Проф. Э. В. Севортян юқоридаги фикрини ривожлантириб айтидики, биз қўшма сўзларнинг ясалиш қоидаларини билмаймиз, чунки туркий тилларда бундай қондалар йўқ; синтактик бирикманин қўшма сўзга айланиш йўли ҳар гал алоҳида ва ўзига хосдир⁴¹.

Ўзбек тилидаги мавжуд қўшма сўзларни тузилиши ва келиб чиқишига кўра учта гурпуга бўлиш мумкин: 1) Сўз бирикмаларидан ёки сўз бирикмалари модели асосида пайдо бўлган қўшма сўзлар; 2) бошқа йўллар билан пайдо бўлган қўшма сўзлар; 3) Сўз бирикмаларига ясовчи аффикслар қўшиш билан ясалган қўшма сўзлар.

Сўз бирикмалари ва сўз бирикмалари модели асосида пайдо бўлган қўшма сўзлар.

1. Қаратқичли аниқловчи ва қаралмиш характеридаги от-отдан ёки отлашган сўзлардан ташкил топган қўшма сўзлар. Буларда қаратқичли аниқловчи ҳамма вақт белгисиз бўлади, аниқланмиш эса белгисиз ҳам, белгили ҳам бўла олади. Масалан: *зигиртоя, беданоя, шолпоя, белбоғ, қўлқоп, қўлбоғ, гугуртчийн, лампачой, машина ип, гулгунча, автохўжалик, иш план, ясовулбоши, йғрибоши*.

⁴⁰ Э. В. Севортян. К соотношению грамматики и лексики в тюркских языках. Сб. Вопросы теории и истории языка... М., 1952, стр. 316.

⁴¹ Ўша асар, 319-бет.

қуштли (овқат номи), *танақўзи* (бот.), *иш кун*, *иш ҳақи*, *меҳнат кун*, *сўз боши*, *синф боши* ва ҳ. к.⁴²

Бу типдаги қўшма сўзлар ичида III шахс бирликдаги эгалик аффикси билан келган олд сўзининг қўшилиши билан ясалган анчагина қўшма сўзлар мавжуд. Масалан; *байрам олди*, *Май олди*, *сайлов олди* ва ҳ. к. Булар рус тилидан таржима қилиш (калькалаш) йўли билан тилимизда пайдо бўлган янги типдаги қўшма сўзлардир.

Ҳозирги ўзбек тили луғатида ўзак-негизларга *оро* (аслида *ора*) қўшилиши билан тузилган анчагина қўшма сўзлар учрайди. Масалан: *халқаро*, *миллатлараро*, *ўзаро*, *областлараро*, *республикалараро*, *идоралараро*, *қабилалараро*, *мактаблараро* ва ҳ. к. Бу қўшма сўзлар ҳам аслида қаралмиш ва қаратқич муносабатидан келиб чиққан. (*-оро* тўғридан-тўғри ўзак-негизга ёки *-лар* аффиксидан сўнг ҳам қўшила олади).

II. Сифатловчи-аниқловчи ва аниқланмиш отдан тузилган қўшма сўзлар:

а) сифат+от: *қоработир*, *Қорадарё*, *қоражигар*, *қорамол*, *қоракурт*, *Қорақум*, *очкўз*, *оқайиқ*, *оқсоқол*, *оқуруғ* (қовун номи) *оқ ўрик*, *оққанд*, *қаттиқ қўл*, *қаттиқ кўнгил*, *кўкёнғоқ*, *кўкгул*, *кўксултон*, *кўк чой*, *қизилиштон*, *қизилкесак*, *Қизилровот*, *қизилмағиз*, *сарикгул*, *Сариққамиш*, *зарҳал*, *зарпечак*, *зарпушти* ва ҳ. к. лар.

Бундай қўшма сўзларнинг биринчи компоненти сифатлардан эмас, сифат вазифасидаги отлардан ҳам бўла олади. Масалан: *боботоғ*, *бободоҳқон*, *шотерак*, *шотемир*, *шосуна*, *шотут*, *жўжаҳўроз*, *бош врач*, *бош ҳарф* ва ҳ. к. Баъзан сифат+сифат типдаги қўшма сўзлар ҳам учрайди. Лекин унда иккинчи сифат от вазифасига кўчган бўлади. Масалан: *олақашқа*. Лекин *оқ сариқ* қўшма сўзида биринчи сифат иккинчи сифат орқали англашилган белгининг турини билдирмоқда.

б) сон+от: *Бешёғоч*, *Бешариқ*, *бешбурчак* (мат.) *беш йиллик* (махсус), *бошкокил*, *беш кунлик*, *бир кун*, *бир сўм*, *еттиоғайни*, *еттиқароқчи* (юлдуз номлари), *еттибурчак*, *Еттисув*, *икки юзлама*, *икки қат*, *учбурчак*, *учоёқ*, *уч нуқта*, *учайри*, *учбарг*, *тўрткўз*, *тўртаманал*, *Тўрткўл*, *тўртқирра*, *Олтиариқ*, *саккиз тепки* (атлас), *Тўққизтепа* (геогр.), *уй боши*, *Унҳаёт* (геогр.), *қирқбарг* (бот.), *Қирқкокил*, *қирқоёқ* (зоол.), *қирққулоқ* (бот.) ва ҳ. к. лар.

в) равиш+от: *тез ёрдам*, *тезқадам*, *тезхотир*, *кўпбурчак*, *кўпнуқта*, *кўпчишиқ*, *орқапушт*, *ҳозиржавоб*, *аввал баҳор*, *камаҳоли*, *камвазн*, *камгап*, *камҳосил*, *қамхарж*, *тагкурси*, *тагчарм* ва ҳ. к. лар.

г) сифатдош+от: *оқарсув* (оқинсув), *сурғи дори*, *қичитқитикон*, *қичитқийт*, *сузмахалта*, *алдаркўса*, *ёнар тоғ*, *вахма қўш*, *Қолгандарё* ва ҳ. к.

д) от+от: 1) Биринчи от иккинчисини ўхшатиш йўли билан аниқлайди: *анор юз* (анорга ўхшаган юз), *атиргул*, *атирсовун*, *бах-*

⁴² Бу турдаги қўшма сўзларнинг иккинчи тип (қаралмиш белгли) кўпроқ янги ясалган қўшма сўзларда учрайди. Бу эса ҳали синтактик алоқанинг ортиқ даражада йўқолиб кетмаганлигидан нишонандир.

малгул, гул юз, бугдоймағиз, бўригул, бўрикалла, бўритумшуқ, девқомат, довюрак, лайлакқор, анжирбеҳи, анжиршафтоли, бигизтумшуқ, бодомқовоқ, гулбадан, беданқадам, гулчеҳра, косабарг, қоратол, карнайгул, лолагул, найзабарг, отқулоқ, печакгул, тиллақўнғиз, тошбақа, тоштуз, тухумгул, туяқуш. Ўқилдиз, ўқариқ, қайчибарг, қўй қўз, оху қўз ва ҳ. к. Ўзбек тилида бу типдаги сўзлар жуда кўп учрайди.

2) Биринчи от иккинчисини ўринга муносабатига кўра аниқлайди. Масалан: *ёнилдиз, ёнбарг, сувгул, сувпиёз, сувилон, чўлбақа даштпиёз тоғолча, тоғчумчуқ, қумпиёз* ва ҳ. к.

3) Қўшма сўзнинг иккинчи — аниқланмиш компоненти орқали ифодаланган предметнинг материалини, нимадан қилинган, ясалганлигини билдиради. Масалан: *ғиштқўприк* (геогр.), *Тошқўприк* (геогр.), *лойсувоқ, қумсувоқ, ганчсувоқ, бўрлампа, арзиклампа, ёғочоёқ, тўрқовоқ, гулчамбар, тутмайиз, тунука қути, шиша қўз, гўнгетпа* ва ҳ. к. Бу мисолларда қўшма сўз компонентири ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан ортиқ бирикиб, бутунлигига бу тунунчани реаллаштирувчи, бир маъно ифодаловчи ҳолга келиб қолган. Шунинг учун буларни, шубҳасиз қўшма сўзлар деб аташ мумкин. Лекин А. Ҳожиев *духоба дўппи, сопол лаган, ғиштдевор, тош йўл, чарм пальто* кабиларни компонентлари ўртасидаги аниқловчи ва аниқланмишлик ҳолати сақланганлиги учун қўшма сўзларга эмас, сўз бирикмаларига киритади⁴³. Худди шу типдаги *мис қўза, мис лаган, мис қозон, чинни коса* каби бирикмаларни Б. Мадалиев қўшма сўзларга киритади⁴⁴. Яна нима учундир *мис қўза, мис лаган, мис қозон* ажратиб ёзилгани ҳолда *чинни коса* қўшиб ёзилган.

Ҳақиқатан ҳам, А. Ҳожиев айтганидек бу бирикмаларда аниқловчилик ва аниқланмишлик ҳолати тўлиқ сақланган, Масалан: *мис лаган, сопол лаган, чинни лаган, тунука лаган; чинни коса, сопол коса, мис коса, тунука коса* ва ҳ. к. Шунинг учун бу бирикмаларда қўшма отлик хусусияти йўқ, буларни қўшма сўзлар эмас, сўз бирикмалари деб ҳисобламоқ маъқул.

4) Аниқланмиш отдан ангилашилган предметнинг қандай мақсад, вазифага мўлжалланганлигини билдиради. Масалан: *тоққайчи, гулқайчи, тамаки қути, чой қути, носқозоқ, беданақовоқ, сувиқовоқ, ошқошиқ, чойқошиқ, бўёқ чўтка, савзиўра, машина ип, кпрўра, ошхамир, мантиқасқон, ошқовоқ, чойчақа, қандлавлаги* ва ҳ. к.

Юқоридаги типнинг бир тури — *асалари* қўшма сўзида аниқловчи от аниқланмиш отдан олинадиган маҳсулотга кўра аниқлайди (асал берадиган ари).

5) Аниқловчи от аниқланмиш отни қандай вазифани бажаришга мўлжалланганлигига кўра аниқлайди. Масалан: *газқувур, сувқувур, дамтовоқ, елпиштовоқ* ва ҳоказо.

⁴³ Қаранг: А. Ҳожиев. Ўзбек тилида қўшма, жуфт, такрорий сўзлар. 22-бет.

⁴⁴ Б. Мадалиев. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. Лугат қисмига қаранг.

6) Аниқловчи от аниқланмиш от орқали ифодаланган предметнинг бошқарувчисини билдиради. Масалан: *эшакарава, отарава, ҳўкизарава* ва ҳ. к.

Юқорида кўрганимиздек, бу типдаги қўшма сўзларнинг кўпчилигида уларнинг компонентлари ўртасидаги маъно муносабатлари: сақланган ва осоплик билан бу муносабатларни аниқлаш ҳамда уларнинг аслида қандай сўз бирикмаларидан пайдо бўлганлигини белгилаш мумкин. Лекин бундай қўшма сўзларнинг айримларида биринчи компонент ўз лексик маъносини йўқотган, нима учун шундай аталгани ҳозир ноаниқ ҳолга келиб қолган ва қўшма сўз бутунлигичагина бир маъно ифодалайдиган бир бутун ҳолга келиб қолганлари ҳам мавжуд. Бундай қўшма сўзларнинг компонентлари ўртасидаги маъно муносабатлари йўқолган. Масалан: *балиқтут, беданатут, маътабалиқ, балиқкўл, белкурак, белўроқ, илонўт илончўп, илонпиез, илонгул, итбалиқ итбодом, итузум, туябалиқ, туятиш, хонатлас, чиннитарвуз, чиннитерак, эшаголма, эшонолма, ўқилон, қарғашойи, қозиқоёқ, қовоғари, қуштили, қўлбола* ва ҳ. к.

Аниқловчи вазифасидаги от+аниқланмиш от типидagi қўшма сўзлар аслида содда бирикмалардан эмас, мураккаб бирикмаларнинг қисқариши натижасида пайдо бўлган. Аниқловчи вазифасидаги сифатдошнинг тушиб қолиши натижасида унинг аниқловчилик вазифаси аниқловчи сифатловчига нисбатан турли вазифада бўлган отга кўчган. Натижада мураккаб бирикма қисқариб содда бирикмага, содда бирикма эса ўз навбатида қўшма сўзга айланган. Қийёслап: *анор юз* — анорга ўхшаган юз; *анжиршафтоли* — анжирга ўхшаган шафтоли; *асалари* — асал берувчи ари; *ёнилдиз, ёнбарг* — ёндан ўсиб чиққан илдиз, барг; *гўнгтепа* — гўнгдан ясалган тепа; *сувгул, сувилдиз* — сувда ўсадиган гул, илдиз; *сувилон, чўлбақа* — сувда яшайдиган, чўлда яшайдиган бақа, илон; *тўрқовоқ* — тўрдан ёки тур билан ишлаган қовоқ; *газқувур* — газ учун мўлжалланган, қувур; *эшакарава* — эшак қўшиладиган (эшак тортадиган) арава; *токқайчи, гулқайчи* — ток кесадиган, гул кесадиган қайчи; *мантиқасқон* — манти пиширадиган қасқон; *сабзиўра, кирўра* — сабзи учун, кир сув учун мўлжалланган ўра; *тошкўприк, ғишткўприк* — тошдан, ғишдан ясалган кўприк ва ҳ. к.

Бу қўшма сўзлар аслида қўйидагича синтактик қурилишга эга бўлган сўз бирикмалари бўлган:

1. От+жўналиш келишиги аффикси+сифатдош+от. Масалан: *анор юз* — анорга ўхшаган юз, *анжиршафтоли* — анжирга ўхшаган шафтоли ва ҳ. к.

2. От+ўрни келишиги аффикси+сифатдош+от. Масалан: *сувгул* — сувда ўсадиган гул; *тоғолча, тоғузум* — тоғда ўсадиган олча, узум ва ҳ. к.

3. От+чиқиш келишиги аффикси+сифатдош+от. Масалан: *гўнгтепа* — гўнгдан ясалган тепа, *қумсувоқ* — қумдан қилинган сувоқ, *шиша кўз* — шишадан ишланган (ясалган) кўз, *тутмайиз* — тутдан қилинган майиз, *зиғирёғ* — зиғирдан олинган ёғ ва ҳ. к.

4. От+белгисиз тушум келишиги+сифатдош+от. Масалан; *чойқути, тамаки қути* — чой, тамаки солинадиган қути; *мантиқасқон* — манти пишириладиган қасқон, *эшагарава* — эшак қўшиладиган арава ва ҳ. к.

5. Бош келишикдаги от+сифатдош+от. Масалан; *газқувур, сувқувур* — газ ўтадиган, сув ўтадиган (ёки газ, сув оқадиган) қувур.

6. От+жўналиш келишиги аффикси+сифатдош+от. Масалан; *бўриқалла* — бўрининг қалласига ўхшаган қалла, *девқомат* — девнинг қоматига ўхшаган қомат, *отқулоқ* — отнинг қулоғига ўхшаган ўсимлик ва ҳ. к.

7. От+кўмакчи+сифатдош+от. Масалан; *носқовоқ, беданақовоқ* — нос учун, бедана учун қилинган қовоқ; *бўёқ чўтка* — бўёқ учун ишлатиладиган чўтка; *сабзиўра, кирўра* — сабзи учун, кир учун қавланган ўра ва ҳ. к. ⁴⁵

Бу сўз бирикмаларининг қўшма сўзга айланиш процессида отларга қўшилган келишик қўшимчалари ёки отдан кейин келган кўмакчи сўз туширилган аниқловчи вазифасидаги сифатдош умуман тушиб қолган, натижада сифатдошнинг аниқловчилик вазифаси отга кўчган. Хуллас, сўз бирикмалари компонентлари орасидаги мавжуд аниқ ўзаро синтактик алоқа ўзгарган, синтактик қайта қурилиш юз берган. Бу синтактик қайта қурилиш эса ўз навбатида сўз бирикмаларининг қатъиян қўшма сўзларга отланишига сабаб бўлган.

Юқорида кўрилган қўшма сўзлар мураккаб сўз бирикмаларининг қисқаришидан, аниқловчи сифатловчи аниқловчининг тушиб қолишидан пайдо бўлган бўлса, бундай қўшма сўзларнинг бошқача ясалган типлари ҳам учрайди.

Масалан: *тишкавлагич, доритомизгич, буғўтказгич, бомбаушлагич* каби қўшма сўзларда аксинча аниқланмиш от туширилиб, сифатловчи аниқловчи эса отга айланган, от ясовчи аффиксини кам олган (*дори томизувчи, буғ ўтказувчи, бомба ушлагувчи асбоб*) каби. *Устқурма* (устига қурилган), *қўлёмза* (қўлда ёзилган) қўшма сўзлари ҳам ана шундай тузилган.

Мосланган деган маънони билдирувчи сифатдош ўрнида *бол* сўзининг қўшилиши билан ҳам тилимизда анчагина қўшма сўзлар ясалган: *мойишбол, ишбол, ошбол, кўрпабол, бинобол, оммабол, саҳнабол, журналбол, газетабол, силосбол* ва ҳ. к.

Аслида отдан ясалган сифатдош аниқловчининг қисқаришини натижасида пайдо бўлган қўшма сўзлар ҳам мавжуд. Масалан: *қаддоқтош* (қаддоқлайдиган тош ёки қаддоқлаш учун хизмат қилувчи тош), *газсув* (газланган сув), *карбонсув* (карбонланган сув) ва ҳ. к.

От+от типидagi юқоридаги каби қўшма сўзлар ичидa аслида сифат+от, лекин сифат отга айланиши натижасида от+от типидa бўлиб қолганлари ҳам учрайди. Масалан: *замбилғалтак* (галтакли

⁴⁵ Лекин айрим вақтларда келишик қўшимчаси тушмай сақланиб қолганлари ҳам учрайди. Масалан: *чамандагул, кунгабоқар* каби.

замбил) қиёсланг: *калтакмола*. Лекин бунда сифат отга айланишдан ташқари сўз бирикмаси компонентларининг ўрни ҳам алмашган.

Яна қизиғи шундаки, сўз бирикмасига хос бўлган барча хусусиятларни ва синтактик муносабатларни сақлаб қолган қўшма сўзлар ҳам учрайди. Масалан: *қурбақанинг салласи* (ўсимликнинг номи, Тошкент шевасида)⁴⁶.

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат бойлигида аниқловчи вазифасидаги от+от типигадаги қўшма сўзлар анчагина учрайди.

III. Изофали сўз бирикмасидан ташкил топган қўшма отлар. Масалан: *Боғишамол* (жой номи), *гулсапсар*, *гулкарам*, *Сахрои Кабир*, *барги карам*, *гулрағно*, *гулбеор*, *гулрайҳон*, *гулхайри*, *Конибодом*, *Шаҳрисабз*, *дўсти нодон*, *онаизор*, *таржимаи ҳол* ва ҳ. к. (бу қўшма сўзларнинг айримларида изофа қўшимчаси сақланган, айримларида тушган).

IV. Изоҳловчи ва изоҳланмиш алоқасида бўлган сўз бирикмаларидан ташкил топган қўшма сўзлар. Масалан: *Амударё*, *Сирдарё*, *Ойимқишлоқ*, *Қўқонқишлоқ*, *Боймирза*, *Боймурод*, *Асрорбобо*, *Қаспий денгизи*, *Болтиқ денгизи*, *Сахалин ороли*, *домлапочча* ва ҳ. к.

V. Равиш+от алоқасидаги сўз бирикмаларидан пайдо бўлган қўшма сўзлар. Лекин аслида от ҳаракати номларидан бўлгани учун равиш аниқловчи эмас, ҳол вазифасини бажаради. Масалан: *қайта сайлов*, *қайта ишлаш*, *қайта нашр* (қайта нашр қилмоқ), *қайта тиклаш* ва ҳ. к. Фасл номларида равиш отга нисбатан аниқловчи бўлиб ҳам келади. Масалан: *кечкуз*, *эртабаҳор* ва ҳ. к.

VI. От+фeyл муносабатидаги сўз бирикмаларидан пайдо бўлган қўшма сўзлар. Бу қўшма сўзлар тушум келишигидаги от+фeyл ва жўналиш келишигидаги от+фeyл муносабатидаги сўз бирикмаларидан келиб чиққан. Бундай бирикмаларда от фeyлга нисбатан объект вазифасида бўлган.

а) Тушум келишигидаги от+фeyл (тушум келишиги доим белгисиз формада бўлади). Бу қўшма сўзларда етакчи фeyл фeyлнинг турли формалари билан ифодаланган бўлади:

1. Сифатдош формаси билан. Сўз бирикмасида аслида сифатдош аниқловчи вазифасини бажариб, ундан сўнг аниқланувчи от бўлган, лекин қўшма сўзга айланганда аниқланувчи от туширилган.

Тушум келишигидан от+фeyл типигадаги сўз бирикмаларидан келиб чиққан қўшма сўзлар ҳозирги ўзбек тилида бу типдаги қўшма сўзларнинг энг кўп ва асосий қисмини ташкил этади.

Масалан: *ёругсевар*, *нурсевар*, *намсевар* (ўсимлик), *музёрар*, *музкесар*, *изқувар*, *чўлқувар*, *ишбузар*, *йилқибоқар*, *қўйбоқар*, *мехнатсевар*, *тинчликсевар*, *латгачайнар*, *йўлтўсар*, *каллакесар*, *бўрибосар* ва ҳ. к.

2. Фейлнинг аниқ формаси билан. Бундай қўшма сўзлар кўпроқ турли маросим номларини билдиради. Масалан: *оқкийди*, *оқёзди*.

⁴⁶ Мисол Б. Мадалиевнинг китобидан олинди, 69-бет.

кўйккйди, келинтуширди, қўйчиқди ва ҳ. к. Шунингдек, *жавоб бермоқ, қўл қўймоқ, ҳурмат қилмоқ* каби қўшма феъллар.

3. Ҳаракат номлари билан. Масалан: *иш ташлаш, радио эшиттириш, ўзбелгилаш* ва ҳ. к.

(Кейинги икки тип биринчисига нисбатан анча кам учрайди).

б) Жўналиш келишигидаги от + феъл. (Жўналиш келишигидаги от белгили ҳам, белгисиз ҳам бўлиши мумкин).

Феъл сифатдош ёки ҳаракат номи формасида бўлади. Масалан: *кунгабоқар, бетгачонар, дунёқараш, дилором*⁴⁷ ва ҳ. к.

Бу типдаги қўшма сўзлар ҳам тилда жуда кам учрайди.

VII. Равиш + феъл муносабатидаги сўз бирикмаларидан пайдо бўлган қўшма сўзлар. Бу қўшма сўзларда равиш ҳол вазифасида бўлган. Масалан: *тезоқар, тезстар, тезпишар, тезучар, тезюрар, тинчоқар, олдинпишар, кечпишар, чўрткесар* ва ҳ. к.

Бу типдаги қўшма сўзлар ҳам аслида равиш + феъл (феълнинг турли формалари, кўпроқ сифатдош формаси) + отдан иборат мураккаб сўз бирикмаси бўлган. Равиш феъл — сифатдошга нисбатан ҳол, ҳар иккиси биргаликда отга нисбатан аниқловчи вазифасида бўлган. Масалан: *тезпишар пахта, тезоқар дарё, тез учар самолёт* ва ҳ. к.

Ҳол вазифасида фақат равишлар эмас, бошқа сўзлар ҳам қўллана олади. Улар ҳам феъл-кесим билан бириктиб қўшма сўзлар ҳосил қилган. Масалан: *ундов + феъл — гурскетди* (қовун тури); *сон + феъл — биркесар, бешотар*; *равишдош + феъл — еб тўймас, ишлаб чиқариш, босхўлди* (қовун тури) *обор* (олиб бор), *обкет* (олиб кет), *обер* (олиб бер), *борасолиб, искабтопар, олибсотар, олиб қочар* ва ҳ. к.

VIII. Равишдош ва феъл бирикувидан ҳосил бўлган қўшма сўзлар (қўшма феъллар): *олиб келмоқ, олиб бермоқ, сотиб олмоқ* ва ҳ. к.

IX. От + сифат муносабатидаги сўз бирикмаларидан пайдо бўлган қўшма сўзлар ҳам учрайди. Бу қўшма сўзларда биринчи от компоненти иккинчи компонент — сифатдошдан англашилган белгининг турини билдиради, уни аслида аниқлайди. Масалан: *лойсарик* (лойга ўхшаган сариқ ранг), *лемусарик, зарпушти, анорқизил, ҳивокўк* ва ҳ. к.

Баъзан *доим яшил* (бот.) каби равиш + сифат бирикувидан, *қора қизил, оқ сариқ* каби сифат + сифат бирикувидан тузилган қўшма сўзлар ҳам учрайди.

Юқоридаги каби сўз бирикмаларидан келиб чиққан ёки сўз бирикмалари модели асосида ясалган қўшма сўзлар тилимизда мав-

⁴⁷ Сўз бирикмаларининг қисқариши натижасида пайдо бўлган қўшма сўзлар ичидан *дилозор, меҳнатталаб, обрўталаб* каби қўшма сўзлар ўзига ҳос қисқаришга эга. *Дилозор* — дилга озор берувчи, *меҳнатталаб, обрўталаб* — меҳнатни, обрўни талаб этувчи — сифатдош аниқловчи ва аниқланмиш от тунинрилган, иккинчи бирикманинг (озор берувчи, талаб этувчи) от қисми билан жўналиш ёки тушум келишидаги (белгиси) от биргаликда қўшма сўзга айланган.

жуд бўлган қўшма сўзларнинг кўпчилик ва асосий қисмини ташкил этади.

Сўз бирикмалари модели асосида сўз яшаш сўз яшашнинг энг қулай типидир. Кўпинча пайдо бўлаётган янги тушунчаларни бир ўзак-негиз билан ифодалаш имконияти бўлавермайди, чунки бир ўзак-негиз ўша тушунчанинг моҳиятини ечолмаслиги, уни тўлиқ ифодалашга мосланган сўзнинг топилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда дарҳол сўз бирикмаларидан фойдаланилади. Масалан: зангори экран, фахрий ёрлиқ, қурилиш трести, атом ядроси, атом қуроли, атом бомбаси, атом электростанцияси, космик кема, космик нур, сифат белгиси, билим юрти, олий ўқув юрти, модалар ательеси, Энергетиклар куни, Уқитувчилар куни, ҳужжатли фильм, назарий механика, олий математика, атеистик тарбия, киносаёҳатчилар клуби ва ҳ. к.

Бошқа йўллар билан ясалган қўшма сўзлар:

1. Ўзак ёки негизларни қўшиш орқали ясалган қўшма сўзлар:
а) от+от қўшилишувидан тузилган қўшма сўзлар. Масалан: қўзиқорин, темирбетон, мошгуруч, дургавҳар, пиёздэг (овқат номи), Тоштемир (исм), қўзивой тарвуз, оламжаҳон, тошбўрон, гулбарг, газмол, динамомашина, Йўлмирза, кийимбош, килограмм, километр, кинотеатр, меҳмондўст, Самарқандқишлоқ, темиртош, фотогазета, Ҳиндихитой,

б) От+сифат қўшилишувидан тузилган қўшма сўзлар. Масалан: найзақора (бот.), болдирқора (бот.), бурмақора (бот.), Бўтақора (геогр.) ва ҳ. к.

в) Отларга обод сўзини қўшиш билан ясалган қўшма сўзлар. (Бу усул билан асосан географик номлар ясалган). Масалан: Ленинобод, Ҳамзаобод, Бекобод, Артелобод, Деҳқонобод ва ҳ. к.

г) Отларнинг олдидан ёки кейинидан бек сўзининг қўшилишувидан ясалган қўшма сўзлар. Масалан: Бектемир, Жалабек, Ўрмонбек ва ҳ. к.

д) Ундов сўзларнинг қўшилишувидан тузилган қўшма сўзлар. Масалан: вайдод, вайбўй, эвоҳ ва ҳ. к.

е) Каттаминг (геогр.) каби сифат ва сон бирикувидан ясалган қўшма сўзлар кам учрайди.

2. Ўзак ёки негизларнинг такрорланишидан ҳосил бўлган қўшма сўзлар:

а) Олмош такрорланади: манман (лик).

б) Ундов сўзлар такрорланади: васвас, жағжағ, шақшақ ва ҳ. к.

Баъзан такрорланган ундовларга аниқловчи вазифасидаги бошқа ўзак-негизларнинг қўшилишувидан мураккаб таркибли қўшма сўзлар ясалиши мумкин. Масалан: Олашақшақ, Қорашақшақ, хушчақчақ ва ҳ. к.

3. Олмошларга, отларга алла сўзининг қўшилиши билан тузилган қўшма сўзлар. Масалан: аллаким, алланима, аллақанча, аллақарга, аллақайси, алланима, аллавақт, алланарса, алламаҳал ва ҳ. к.

4. Бери+ёқ+келишиқ аффикси қўшилишувидан тузилган қўшма сўзлар: бериёққа, бериёқда, бериёқдан ва ҳ. к.

5. Олмошларга мана, ана сўзларининг қўшилиувидан ясалган қўшма сўзлар: мана бу, мана шу, мана у, ана бу, ана шу, ана у ва ҳ. к.

6. ён, ёқ, ёр сўзларига бу олмошини қўшиш билан тузилган қўшма сўзлар: буён, бу ёқ, бу ёққа, бу ёқда, бу ёқдан, бу ер, бу ерга, бу ерда ва ҳ. к.

Бу олмоши ўрнига шу, ўша, у олмошлари қўшилиши билан ҳам қўшма сўзлар тузилади.

7. Ҳа+деб, деганда, демай қўшилиувидан тузилган қўшма сўзлар: ҳадеб, ҳадеганда, ҳадемай ва ҳ. к.

8. Ҳамма олмошининг турли типдаги сўзларга қўшилиувидан тузилган қўшма сўзлар: ҳамма вақт, ҳамма ер, ҳамма ёқ ва ҳ. к.

9. Турли типдаги сўзларга ҳар олмошининг қўшилиувидан тузилган қўшма сўзлар: ҳар вақт, ҳар бир, ҳар доим, ҳар ким, ҳар он, ҳар сафар ва ҳ. к.

10. Турли тип сўзларга (асосан сўроқ олмошларига) ҳеч сўзни қўшиш билан тузилган қўшма сўзлар: ҳеч бир, ҳеч вақт, ҳеч нарса, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч ёқ ва ҳ. к.

11. Бир сонига турли сўзларнинг қўшилиши билан тузилган қўшма сўзлар: бирбутун, бир вақт, бир гал, бир дам, бир ёқлама, бирийўла, бир кам, биркесар, бир маҳал, бир мири, бир неча, бир нима, бир хил, бир текис ва ҳ. к.

Бир сўзн ҳамма вақт иккинчи компонент олдидан эмас, кейинидан қўшилди. қўшма сўз ҳосил қиладиган ўринлари ҳам мавжуд. Масалан: баъзи бир, бари бир ва ҳ. к.

12. Қай (си) сўроқ олмошига бир, вақт, маҳал каби сўзларнинг қўшилиши билан тузилган қўшма сўзлар: қайбир, қайвақт қаймаҳал, қаймаҳалда ва ҳ. к.

13. Эга ва кесим муносабатидаги бирикмалардан тузилган қўшма сўзлар:

а) Эга ҳам, кесим ҳам отдан бўлади: бахтиёр, бағри тош ва ҳ. к.;

б) Эга отдан, кесим сифатдан: баргинозик (бот.), оғзи бўш, муштумзўр, нафси бузуқ, Энам яхши (геогр.), бошқоронғи, бошланг, ичбуруғ ва ҳ. к.;

в) эга отдан, кесим феълдан (феълнинг турли формаларидан). Масалан: гўшткуйди, меҳмонбосди, сойкелди (геогр.) ишеқмас, Избоскан (геогр.), Қуйбосган (геогр.), кунботар, кунчиқар, чаккитомар, ичкуяр, ичкетар, жонкуяр, пашшақўнмас (геогр.) ва ҳ. к.

г) Эга ўзлик олмошидан, кесим феълдан: ўзиоқар, ўзиюрар, ўзибилармон ва ҳ. к.

14. Кесим ва удалманинг бирикувидан ташкил топган қўшма сўзлар: Юрингбола (геогр.), Қайнаҳумча, ёрилтош. очилдистврҳон, уртўқмоқ ва ҳ. к.

15. Қўшма гапдан келиб чиққан қўшма сўзлар: тегманозик⁴⁸.

16. Тақлидий сўз ва от қўшилиувидан тузилган қўшма сўзлар: ҳаққуш, жиққамушт, чиябўри ва ҳ. к.

⁴⁸ Қаранг: А. Ҳожиев. Уша асар, 19-бет.

Сўз бирикмаларига турли ясовчи аффикслар қўшиш билан ясалган қўшма сўзлар: *юз центнер — юз центнерчи, ҳарф терув — ҳарф терувчи, тани соғ — тан соғлиқ* (предикатив муносабатли бирикмадан), *беш кун — беш кунлик* (пятидневка), *ўз сўз — ўз сўзлик, тиш кавла — тиш кавлагич, дори томиз — доритомизгич, иш юритув — иш юритувчи, юз сўм — юз сўмлик, беш йил — беш йиллик, тенг ҳуқуқ — тенг ҳуқуқли, тенг ҳуқуқлилиқ, ингичка тола — ингичка толали* (пахта), *бир ҳужайра — бир ҳужайрали* (баъзан-лар қўшиб ҳам ишлатилади. Қиёсланг: *бир ҳужайрали — бир ҳужайралилар*).

Айниқса такрорланувчи тақлидий сўзлардан ясовчи аффикслар ёрдамида анчагина қўшма сўзлар ясалган: *варварак, визвизак, дағ-дағ, жимжима, зилзила, машмаша, ғизғизак, шаршара* ва ҳ. к.

Ўзбек тилида қўшма сўзлар ҳосил қилишда ўзак-негизларни бириктирувчи элементлар (аффикслар) қўлланмайди. Лекин рус тилидан кирган айрим қўшма сўзлар бириктирувчи элементлар ёрдамида тузилган ҳолда ўзбек тилига кириб қолганлар ва шундайлигича қўлланмоқдалар. Масалан: *электродинамометр, электрозавод, электропоезд, электроэнергия* ва ҳ. к.⁴⁹.

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат бойлигида қўшма сўзларнинг асосан юқорида келтирилган турлари учрайди ва қўлланилади.

Қўшма сўзлар масаласидаги ноаниқликларни асосан уч турга ажратиш мумкин: 1) Қўшма сўзларни айрим содда сўзлардан фарқлаш ёки бошқача қилиб айтганда, айрим сўзларни қўшма сўзларга киритиш ёки содда сўзларга киритиш масаласи; 2) Сўз бирикмалари билан қўшма сўзларни чегаралаш, уларни бир-бирларидан ажратиш ва 3) Шу масала билан кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган қўшма сўзларнинг имлоси масаласи.

Қўшма сўзлар бирдан ортиқ ўзак-негизлардан ташкил топади. Лекин ўзбек тилида шундай сўзлар борки, улар тарихан икки ёки ундан ортиқ компонентдан ташкил топган, ҳозир эса бу компонентлардан бири лексик маъносини сақлаб, иккинчиси эса лексик маъносини сақламаган, йўқотган, мустақил ҳолда қўлланмайди. Бундай сўзларни айрим тилшунослар қўшма сўзларга киритсалар, айримлар содда сўзларга киритадилар.

Бу масалада А. Ҳожиёвнинг фикрига қўшилмоқ керак. Масалан: *кечқурун* сўзининг иккинчи компоненти ўз мустақиллигини йўқотгани учун А. Ҳожиёв уни, тарихан қўшма сўз бўлишига қарамай, содда сўзларга киритади⁵⁰. Ўзбек тилида бундай сўзлар анчагина учрайди, лекин уларнинг кўпчилиги Б. Мадалиев китобининг қўшма сўзлар луғатида қўшма сўз деб берилади.

Шунигдек бошқа тиллардан кириб ўзлашган сўзларнинг ҳар бир компоненти ўзбек тилида мустақил негиз сифатида қўлланса, қўшма сўзларга, агар бирор элементи мустақил негиз сифатида

⁴⁹ Ўзбек тилида ҳам *биратўла, жонажон* типидagi қўшма сўзларда бириктирувчи вазифасини бажарувчи унли товуш қўлланади. Лекин бу ўзбек тили учун характерли хусусият эмас.

⁵⁰ Қаранг: Ҳша асар. 11-бет.

қўлланмаса, содда сўзларга киритилмоғи лозим⁵¹. Лекин айрим авторлар бундай сўзларни ҳам қўшма сўзларга киритадилар.

Юқорида айтилганларга кўра қуйидаги сўзлар қўшма сўзларга эмас, содда сўзлар қаторига киритилмоғи керак:

1. Урин оти ясовчи аффикс вазифасини бажарувчи хона билан келган сўзлар: *касалхона, гулхона, дорихона, дарсхона, ётоқхона, кутубхона, меҳмонхона, молхона, музхона, новвойхона, отхона, ошхона, офилхона, сомонхона, устахона, чойхона* ва Ҳ. к.

2. -парвар қўшилиши билан ясалган сўзлар: *адолатпарвар, ватанпарвар, илмпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар, одампарвар, сулҳпарвар, тинчликпарвар, халқпарвар* ва Ҳ. к.

3. -параст қўшилиши билан ясалган сўзлар: *амалпараст, бутпараст, машатпараст, манфаатпараст, молпараст, хаёлпараст, шахсиятпараст* ва Ҳ. к.

4. -фуруш қўшилиши билан ясалган сўзлар: *винофуруш, пивофуруш, чойфуруш* ва Ҳ. к.

5. -намо қўшилиши билан ясалган сўзлар: *авлиёнамо, касалнамо, мажнуннамо, оламнамо, одамнамо, суқсурнамо* ва Ҳ. к.

6. Қичрайтиш, эркалалаш маъноларини билдирувчи хон, жон, ой қўшилган сўзлар: *болажон, маймунжон, ойижон, опажон, онажон, отажон, тоғажон, Қутлугжон, Ойимчакон, Ойхон, олмахон, Онахон* (исм), *Офтобхон* (исм), *Турсунхон, Турсуной, Каримаой, Офтобой* ва Ҳ. к.

7. анти- ёрдами билан ясалган сўзлар: *антидемократик, антиимпериалистик, антимилитаризм, антисанитария, антифашист* ва Ҳ. к.

8. ҳам қўшилиши билан ясалган сўзлар: *ҳамгап, ҳамдам, ҳамдard, ҳамжиҳат, ҳамкасб, ҳамкурс, ҳаммаслак, ҳамнафас, ҳамоҳанг, ҳамсуҳбат, ҳамфикр, ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар* ва Ҳ. к.

Бир элементи аффикс вазифасига кўчган ёки умуман ўзбек тилида лексик маъно ифодаламайдиган ёки ҳар иккала элементи ҳам ёлғиз маъно ифодаламайдиган қуйидаги сўзларни ҳам қўшма сўзларга эмас, содда сўзларга киритилмоғи керак: *аламдийда, алимзада, бирпас, бирваракай, бўштоб, гулрў, гармдори, жабрдийди, жингиртоп, камодам, кўкнор, кўкнори, муборақбод, нақадар, пениқадам, пўскалла, пиллапоя, сансолар, тоғавачча, холавачча, амакивачча, чамбарак, ширинкома, ўйинқароқ, қойилмақом* ва Ҳ. к.⁵²

Ҳозирги ўзбек тили луғатида мавжуд бўлган қўшма сўзларнинг кўпчилиги сўз бирикмаларидан келиб чиққан ёки сўз бирикмалари модели асосида тузилган бўлса ҳам, лекин улар бир сўз (қўшма сўз)га айланган ва ўз бирикмалик хусусиятини тамомла йўқотган.

Сўз бирикмалари икки ёки ундан ортқ лексик маънога эга бўлган сўзларнинг лексик ва грамматик бирикувидан, алоқасидан таш-

⁵¹ Қаранг: А. Ҳ о ж н е в. Уша асар, 12-бет; В. Р. Г р и г о р ь е в. О границах между словосложением и аффиксацией, ВЯ, № 4, 1956, стр. 45—46.

⁵² Б. Мадалиевнинг «Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар» китобининг қўшма сўзлар луғатида юқоридаги сўзларнинг барчаси қўшма сўзларга киритилган.

кил топади. Унинг компонентлари ўзларининг барча мустақиллик хусусиятларини (лексик, грамматик: фонетик ва ҳ. к.) тўлиқ сақлайди. Ҳар бир компонент грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади ва форма бутунлигига эга бўлади. Сўз бирикмасининг ҳар бир компоненти гапда маълум вазифани бажариб, гапнинг мустақил бир бўлаги бўлиб келади. Шунинг учун ҳам сўз бирикмаларни эркин бирикмалардир.

Қўшма сўзлар эса икки ёки ундан ортиқ ўзак-негизларнинг бирикувидан ташкил топади. Қўшма сўз компонентлари лексик, грамматик хусусиятларини маълум даражада сақлашларига қарамай, шу қадар бириктириб кетадиларки, улар бутунлигича бир лексик маъно ифодалайдиган ҳолга келиб қоладилар, сўзларнинг форма бутунлиги йўқолади, бир асосий урғуга эга бўладилар. Гапда бир вазифани бажариб, унинг бир бўлаги саналади. Қўшма сўз компонентларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас, улар яхлит, бир бутун саналади. Унинг компонентлари алоҳида мусатқил сўзлик хусусиятини йўқотади⁵³.

Қўшма сўз ва сўз бирикмаларига ана у хусусиятлар жиҳатидан ёндашилганда, биринчи компоненти сон, сифат ва равишлардан бўлган бирикмалар, айниқса, характерлидир.

Сон, сифат, равишлар иккинчи бир сўз билан алоқага киришиб, сўз бирикмаси ҳосил қилишлари ёки қўшма сўз таркибига кириб, унинг элементи (компоненти) вазифасида бўлиши мумкин.

Бундай бирикмаларни сўз бирикмалари ёки қўшма сўзларга киритиш учун сўз бирикмалари ва қўшма сўзларнинг асосий белги-хусусиятларидан келиб чиқмоқ керак. Лекин айрим муаллифлар томонидан бундай бирикмалар асоссиз қўшма сўзларга киритилиб келинмоқда⁵⁴. Улар қуйидагилар:

а) сон + -ли орқали ясалган нисбий сифат:

<i>бир бармоқли</i>	<i>бир пардали</i>
<i>бир бошли</i>	<i>бир торли</i>
<i>бир бўғинли</i>	<i>бир фазали</i>
<i>бир варақли</i>	<i>бир қаватли</i>
<i>бир гулли</i>	<i>икки атомли</i>
<i>бир квартирالي</i>	<i>икки бўлакли</i>
<i>бир маъноли</i>	<i>икки қаватли</i>
<i>бир моторли</i>	<i>икки бўғинли</i>
<i>бир палатали</i>	<i>икки изли</i>
<i>икки мисрالي</i>	<i>тўрт моторли,</i>
<i>икки ўринли</i>	<i>тўрт торли</i>
<i>икки қиррالي</i>	<i>тўрт ўринли</i>
<i>уч баргли</i>	<i>тўрт қаватли</i>

⁵³ Қаранг: К. Е. Ма й т и н с к а я. Об ограничении слова от части слова. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 91.

⁵⁴ Б. М а д а л и е в. «Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар» китобининг луғат қисмига қаралсин.

уч бўлимли
уч пардали
ич қаватли

беш бўғинли (грам.)
беш қаватли
саккиз хонали ва ҳ. к.

Бу бирикмаларнинг ҳаммасида ҳам сонлар қўшма сўз компонентлари эмас, сўз бирикмаси компонентлари, сўз бирикмасининг иккинчи компонентига нисбатан аниқловчилик вазифасини бажармоқда. Бу бирикмаларда қўшма сўзларга хос хусусиятлар йўқ. Бирикма компонентлари ўзларининг лексик-грамматик хусусиятларини тўлиқ сақлаган. Шунинг учун булар қўшма сўзлар эмас, балки сўз бирикмалари — эркин бирикмалардир.

б). сифат + *-ли* ёки *-ий* орқали ясалган нисбий сифат:

сийрак барғли,
сийрак гулли,
тене ҳуқуқли,
узун бўй(ли),
узун соч(ли),
узун тўлқин(ли),
ширинсўз(ли),
қисик кўз(ли),
кенг кўкракли,
кенг юзли,

лўппи юзли,
юқори малакали,
юқори ҳосилли,
ғайри илмий,
ғайри қонуний,
ғайри ихтиёрий,
катта тишли,
кенг изли,
кенг соявогли ва ҳ. к.

в) Равиш + *-ли* орқали ясалган нисбий сифат:

кўп болали,
кўп асрли,
кўп бўғинли,
кўп донли,
кўп миёноли,
кўп томли,

кўп соҳали,
кўп торли,
кўп сўзли,
кўп квартирали,
кўп мевали,
кўп чизиқли,
кўп қаватли ва ҳ. к.

г) Равиш + ҳаракат номн:

қайта тайёрлаш,
қайта қуриш,
қайта қўшилиш,

қайта тиклаш,
қайта тақсимлаш,
қайта ишлаш ва ҳ. к.⁵⁵

Қайта тарбия, қайта нашр каби равиш + от бирикмалари ҳам мавжуд, лекин булар ҳам аслида *қайта тарбиялаш, қайта нашр қилмоқ* каби бирикманинг қисқаришидир.

Юқориди келтирилган бирикмаларда қўшма сўзлик хусусияти

⁵⁵ Рус тилида қайта тайёрлаш — переподготовка, қайта ишлаш — переработка, қайта тақсимлаш — перераспределение ва ҳ. к. Қўринадики, бу бирикмалар ўзбек тилида калька йўли билан пайдо бўлган. Лекин шунинг эътиборига эришсак, рус тилида калькаланаётган сўз ёки бирикма рус тилида қандай бўлса, ўша ҳолда калькаланиши шарт эмас. Айрим вақтларда рус тилидаги содда сўз ўзбек тилига қўшма сўз орқали ёки аксинча қўшма сўз содда сўз орқали, қўшма сўз сўз бирикмаси орқали, сўз бирикмаси қўшма сўз орқали ва ҳ. к. берилиши мумкин. Шунинг учун рус тилидаги қўшма сўз ўзбек тилига калькаланганда у ҳам албатта қўшма сўз бўлиши шарт эмас.

йўқ. Бу бирикмаларнинг ҳар бир компоненти ўз лексик маъноларини тўлиқ сақлаганлар, ўзлар битишув йўли билан алоқага киришиб, аниқловчи бирикма ҳосил қилганлар. Шунинг учун булар қўшма сўзлар деб эмас, сўз бирикмалари деб қаралиши керак⁵⁶.

Юқоридаги каби қўшма сўзларга ёки сўз бирикмаларига киришда анча қийинчиликларга дуч келинаётган бирикмалар тилимизда анчагина учрайди.

Ҳатто бу типдаги бирикмаларгина эмас, қўшма сўзлиги аниқ бўлган бирикмаларда ҳам уларнинг компонентлари орасидаги лексик ва грамматик муносабатларга турлича қаралмоқда. Бу ҳол ёзувда ҳам анча қийинчилик, ҳар хиллик тугдирмоқда. Бир мисол: «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган «Қишлоқ депутатлари» (3 апрель, 1969, 79-сон) номли мақолада бир қўшма сўз бир гал қўшиб — *Намангансой*, иккинчи гал ажратиб *Наманган сой* тарзида ёзилган. Бу ҳол тез-тез учраб турмоқда.

Қўшма сўз ва сўз бирикмаларини қуйидаги белгиларига кўра фарқлаш лозим:

1) Қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларининг асосий фарқи профессор А. И. Смирницкий томонидан белгилаб берилган.

А. И. Смирницкийнинг кўрсатишича, қўшма сўзлар ҳам содда сўзлар каби бутун ва бутун шакланган (цельноформленный) тил бирлиги⁵⁷. Сўз бирикмалари эса алоҳида-алоҳида шакланган (раздельноформленный) тил бирлиги⁵⁸. Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топади. Бу компонентлар (ўзак ёки негизлар) алоҳида-алоҳидадан шаклланмай, бириккан ҳолда бир бутунликни ташкил этади. Бу бутунликни таркибий қисмларга ажратиб бўлмайди, чунки улар ягона комплексдан иборат⁵⁹. Сўз бирикмалари эса алоҳида-алоҳида шакланган компонентлардан ташкил топади. Унинг компонентлари бириккан ҳолда бир бутунликни ташкил этмайди. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида сўзлардан иборат бўлади. Қўшма сўзларни таркибий қисмларга ажратиш мумкин эмас, улар тилда ягона комплекс сифатида бутунлигича қўлланади, чунки унинг компонентлари грамматик ва ҳатто фонетик жиҳатдан бир бутун ҳолга келиб қолган бўлади. Сўз бирикмалари компонентлари ўртасидаги барча формал чегаралар сақланади, қўшма сўз компонентлари ўртасида эса бу чегаралар йўқолиб кетади.

⁵⁶ Бу тип бирикмаларнинг хусусиятлари проф. А. Ҳожиев томонидан анча батафсил баён этилган. Қаранг: Ўзбек тилида қўшма, жуфт, такрорий сўзлар Тошкент, 1963, 23 ва ундан кейинги бетлар.

⁵⁷ Қўшма сўзлар грамматик жиҳатдан бутун шакланганлигини О. Есперсон ва бошқа тилшунослар ҳам тан олганлар. Қаранг: О. Есперсон. Философия грамматика, М., 1958, стр. 103—104.

⁵⁸ Қаранг: А. И. Смирницкий. К вопросу о слове. Вопросы теории и истории языка... М., 1952, 107 ва ундан кейинги бетлар.

⁵⁹ Баъзи тилшунослар бутун шакланганлик айрим тилларда қўшма сўзларнинг асосий белгиси бўлмайди, дейдилар. Қаранг: М. М. Кумаков. К проблеме сложного слова. Известия АН СССР, ОЛЯ, т. XXI, вып. 1., 1963, стр. 42—43.

Қўшма сўз компонентлари бирикиб бир бутун ҳолга келиб қолганлиги учун ҳам улар бир сўз каби турланади, тусланади; морфологик элементлар қўшма сўз компонентларининг фақат биттасига (асосан охиргисига) қўшилади. Сўз бирикмаси компонентларида эса сўзларга хос барча хусусиятлар тўлиқ сақланганлиги учун уларнинг ҳар бири турли морфологик элементларни олган ҳолда турлана ва туслана беради. Шунинг учун ҳам қўшма сўз компонентлари ўртасидаги ички синтактик алоқа маълум даражада сақланишига қарамай, улар бир бутунлиқни ташкил этадилар. Компонентларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Сўз бирикмалари путқ процессида ташкил топганлиги учун компонентлари орасидаги синтактик алоқа яққол ифодаланади. Бу хусусиятлар қўшма сўз ва сўз бирикмаларини ташқи шакл томонидан ажратадиган асосий фарқлардан биридир.

2) Қўшма сўз ва сўз бирикмаларини бир-биридан ажратадиган асосий ички фарқ шундан иборатки, қўшма сўзлар бир бутунлигича лексик маънони ифодалайдилар. Қўшма сўз компонентлари ўз лексик маъноларини қай даражада сақлаганларида қатъи назар, барибир бутунлигича бир тушунча билан боғланган бўлади ва бир лексик маънога эга.

Сўз бирикмалари бутунлигича бир яхлит маъно билдирсалар ҳам, лекин унинг компонентлари — сўзлар ҳар бири ўз лексик маъноларини тўлиқ сақлайдилар. Уларнинг ҳар бири мустақил сўзлик хусусиятини тўлиқ сақлайди. Шунинг учун сўз бирикмалари яхлит, лекин бўлинган маъноларни ифодаладиган грамматик бутунлик;

Акад. В. М. Жирмунский, сўз (шу жумладан қўшма сўзлар) ва сўз бирикмаларининг морфологик белгиларига кўра профессор А. И. Смирницкий томонидан олган сурилган бутун шаклланганлик ва алоҳида-алоҳида шаклланганлик хусусиятлари уларни фарқловчи ва чегараловчи асосий белги бўлолмайди. Сўз (шу жумладан қўшма сўз) ва сўз бирикмаларини бир-биридан фарқловчи асосий белги семантик белги бўлиши керак, дейди. У айтадики, семантик бирликнинг критерияси ҳар бир сўз, шу жумладан қўшма сўзнинг асосий ва мажбурий белгисидир⁶⁰.

Хуллас, В. М. Жирмунский қўшма сўз ва сўз бирикмаларини фарқловчи асосий критерия уларнинг морфологик белгиси эмас, семантик белгисидир, деган фикрини олган суради.

В. З. Папфилов, сўзларнинг тил бирлиги сифатида моҳиятини аниқлаш семантик план асосидагина бўлиши мумкин. Сўзнинг (қўшма сўзнинг) семантик бутунлиги унинг етакчи белгисидир. Қўшма сўз ва сўз бирикмаларини бир-бирларидан фарқлашда ана шу асосий белгини—семантик бутунлиқни асос қилиб олиш зарур, дейди⁶¹.

⁶⁰ Қаранг: В. М. Жирмунский. О границах слова. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 31—33.

⁶¹ Қаранг: В. З. Папфилов. Об определении понятия слова. Ушн тўплам, 139—140-бетлар.

А. М. Мухин сўз бирикмалари морфологик элементлардан эмас, синтактик элементлардан ташкил топади, шунинг учун уни морфологик белгиларига қараб эмас, синтактик белгиларига қараб аниқланиши керак, дейди⁶². Хуллас, А. М. Мухин, қўшма сўзларни морфологик белгиларга, сўз бирикмаларини эса синтактик белгиларга кўра бир-бирларидан фарқлаш зарур, деб ҳисоблайди.

Проф. Т. А. Бертагаев «бутун шаклланганлик» мўғул тилларида қўшма сўзларни сўз бирикмаларидан фарқлашда катта роль ўйнамайди, деб кўрсатади⁶³.

Бизнингча, юқорида айтилганидек, ўзбек тилида қўшма сўз ва сўз бирикмаларини фарқлаш ва чегаралашда ҳам морфологик, ҳам семантик, ҳам синтактик белгиларга асосланиш мумкин. Агар шу белгилардан бирортаси эътибордан четда қоладиган бўлса, у тақдирда қўшма сўзга ҳам, сўз бирикмасига ҳам бир томонлама ёндашилган бўлиб қолади.

3) Қўшма сўзлар ҳам, сўз бирикмалари ҳам тилда номинатив восита сифатида қўлланади. Бу жиҳатдан улар бир-бирларига ўхшайдилар. Лекин қўшма сўзлар икки ёки undan ортиқ компонентлардан ташкил топган бўлишига қарамай, бир содда тушунча билан боғланган бўлади ва ўша содда тушунчани реаллаштиради. Сўз бирикмалари эса, тушунчалар йиғиндисидан ташкил топган бутун, мураккаб тушунчани ифодалайди. Чунки сўз бирикмаси таркибига кирувчи ҳар бир сўз маълум бир тушунчани — бўлинган тушунчани ифодалайди. Бўлинган тушунчалар йиғиндисидан бир бутун, мураккаб тушунча ифодаланади. Шундай қилиб, қўшма сўзлар содда тушунчаларни, сўз бирикмалари бутун, мураккаб, лекин бўлинган тушунчаларни ифодаловчи тил категорияларидир.

4) Қўшма сўз компонентлари турли сўз туркумларига мансуб бўлган ўзак-негизлардан бўлиши мумкин. Лекин қўшма сўз бутунлигича бир сўз туркумига киради. Масалан, ўзбек тилида қўшма отлар от + от, сифат + от, равиш + от, сон + от, олмош + от, от + феъл, феъл + феъл ва ҳ. к. ўзак-негизлардан ташкил топишига қарамай, ўша қўшма сўз от туркумига кириверади.

Сўз бирикмаларида бундай эмас. Сўз бирикмалари бутунлигича бир сўз туркумига ҳеч қачон мансуб бўлмайди. Сўз бирикмаларининг компонентлари ҳамма жиҳатдан ҳам сузлик хусусиятларини тўлиқ сақлаганлари учун уларнинг ҳар бири маълум сўз туркумига мансуб бўлаверади.

5) Юқорида айтилган хусусиятлар мавжуд бўлганлиги учун қўшма сўзларни компонентларига қараб эмас, қўшма сўзнинг бутунлигича ифодалоган маъносига кўра классификация қилинади. Масалан, қўшма от, қўшма сифат, қўшма сон, қўшма олмош, қўшма равиш, қўшма феъл каби.

Сўз бирикмалари эса унинг асосини, ядросини ташкил этувчи

⁶² Қаранг: А. М. Мухин. О критериях грамматических единиц. Ўша тўплам, 184-бет.

⁶³ Қаранг: Т. А. Бертагаев. О границах слова. Ўша тўплам, 87-бет.

бош сўзнинг қандай сўз туркумига мансублигига кўра классификация қилинадн, масалан, отли сўз бирикмалар, феълли сўз бирикмалар ва ҳ. к.

б) Қўшма сўзлар сўз бирикмаларидан фақат семантик, грамматик белгиларига кўра эмас, фонетик белгиларига кўра ҳам фарқланадн⁶⁴.

Қўшма сўз компонентлари ортиқ бирикиб бир бутунни ташкил этганлари учун бутунлигича бир асосий урғуга эга бўлади.

Сўз бирикмалари айрим шакланган сўзлардан ташкил топгани учун уларнинг ҳар бири ўз урғусига эга бўлади.

Қўшма сўзлар бутунлигича бир логик урғуга эга. Сўз бирикмалари компонентларининг ҳар бири логик урғу олиши мумкин.

в) Қўшма сўз компонентларининг тартиби қатъий бўлиб, уларнинг ўрнини алмаштириш ёки улар орасига бошқа бирор сўзни киритиш мумкин эмас.

Сўз бирикмаларида бундай эмас. Сўз бирикмалари компонентлари ўз ўрнини истаганча ўзгартириши, унинг орасига бошқа сўзларни киритиш мумкин. Сўз бирикмалари эркин синтактик бирикмалар бўлганлиги учун бу ўзгаришлар унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

8) Маълумки, тилда турли усул ва йўллар билан янги сўзларнинг ясалиши жуда кенг тарқалган ҳодиса. Янги сўзларнинг ясалишида сўз бирикмалари ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Бу асосан қўшма сўзларнинг ясалишида кўпроқ учрайди, қўшма сўзларнинг сўз бирикмаларига айланиши туйфайли янги сўзлар пайдо бўлади. Сўз бирикмаларининг сўз ясадаги роли бу билан чегараланмайди. Сўз бирикмаларига турли хил аффиксларни қўшиш орқали ҳам қўшма сўзлар ясалади. Лекин бу ҳодиса ўзбек тилимизда улчалик кенг тарқалган эмас. Сўз бирикмаларидан қўшма сўзлар ясайдиган аффикслар анча чегараланган. Улар қуйидагилар:

а) *-чи: ҳарф терувчи, ўн мингчи, юз центнерчи, юз килограммчи, сут эмизувчи, минг килограммчи, иш юритувчи, сув тозаловчи* ва ҳ. к.

б) *-гич (-кич, -қич, ғич): бомбаушлагич, буғчиқаргич, газтозлагич, доритомизгич, кўзбойлагич, момиқажраткич, овозушлагич, сувтиндиригич, сувўллагич, тишкавлагич, мевасиққич, толаажраткич, яшинқайтаргич* ва ҳ. к.

в) *-лик: ўзсўзлик, димоғчоғлик, беш сўмлик, юз сўмлик, беш қунлик, беш йиллик, тансоғлик* ва ҳ. к.

г) *-чилик: юз центнерчилик, кўп мингчилик (ҳаракати), йиқибйларчилик* ва ҳ. к.

д) *-ки: саккиз тепки* (атлас тури) каби.

⁶⁴ Қаранг: А. Ғ. Ғуломов. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари, биринчи китоб, Тошкент, 1949, 55-бет; ўша автор. Ўзбек тили морфологиясига кириш, Тошкент, 1953, 16-бет; А. Ҳожиёв. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Тошкент, 1963, 16—17-бетлар.

Баъзи адабиётларда биринчи элементи кўпроқ сон ва равишлардан (баъзан бошқа сўзлардан), иккинчи элементи **-ли** аффиксин орқали ясалган нисбий сифатлардан бўлган бирикмаларни қўшма сўзларга киритсалар⁶⁵, баъзиларда сўз бирикмаларига киритилади⁶⁶.

Ҳақиқатда ҳам бундай бирикмалар қўшма сўзлар эмас, сўз бирикмаларидир. Лекин бир қатор бирикмалар борки, уларда иккинчи элемент **-ли** ва **-лар** аффиксларини олган ҳолда тур маъносини билдирувчи ҳолга келиб қолган. Буларни сўз бирикмаларидан қўшма сўзга айланган деб ҳисобламоқ керак. Масалан: *атир гулдилар, жийда гулдилар, ёнғоқ гулдилар, зиғир гулдилар, зонтик гулдилар, бўғин оёқдилар, қўш туёқдилар* (ботаник ва зоологик терминлар) ва ҳ. к.

-ли аффикси иштирок этган айрим бирикмалар ичида қўшма сўзга айланганлари ҳам бор, лекин бу бирикмаларда **-ли** аффикси иккинчи компонентга эмас, биринчи компонентга қўшилган. **-ли** олган биринчи компонент аслида иккинчисига нисбатан аниқловчи вазифасида бўлган. Масалан: *Пахталикўл, Тахталикўл, Тахталиҳовуз, Тоқлигузар, Қияликўргонча, Мойлиқзак* (географик номлар) ва ҳ. к.

Худди шундай қўшма сўзлар ичида биринчи компоненти **-ки** аффикси орқали ясалганлари ҳам бор. Масалан: *қичитқитикон, қичитқийт* ва ҳ. к.

Қўшма сўзларга турли аффиксларни қўшиш билан янги сўзлар ясалishi ҳам мумкин, лекин бундай аффикслар ҳам чегараланган. Масалан: *оқ гвардиячи, қўшнаичи, оқдарёлик, олтинкўллик, муштумзўрлик, меҳмондўстлик, камқонлик, икки юзламачи, асаларичи, асаларичидик, қўшҳокимиятчилик, ишбузармон* ва ҳ. к.

Қўшма сўзлар бутун ва бир бутун шаклланган ҳам бир тусунчани реаллаштирувчи бир сўз бўлганлиги учун гапнинг бир бўлаги бўлиб келади. Сўз бирикмаларининг ҳар бир компонентлари гапда турли бўлақлар бўлиб келади.

10) Умуман ҳар қандай сўз, содда ёки қўшма бўлишидан қатъи назар, тарихий категория бўлиб, тил тараққиётининг муайян даврида пайдо бўлади, маълум маъно билан боғланган бўлади ва тилда ана шу маънони ифодалаш воситаси сифатида хизмат қиладди. Сўз тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлади ва унинг лугат бойлигидан ўрин олади.

Сўз бирикмалари тарихий категория эмас, тил тараққиётининг муайян даврида пайдо бўлмайди, тилда тайёр ҳолда яшамайди, тилнинг лугат бойлигида яшамайди. Сўз бирикмалари нутқ процессида, фикр ифодаси талабига кўра тузилади. Лекин нутқ процессида ҳар қандай сўзлар ҳам бирикиб сўз бирикмаси бўлавермайди.

⁶⁵ Қаранг: Б. Мадалиев. «Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар» китобининг лугат қисмига қаралсин.

⁶⁶ Қаранг: А. Ҳожиёв. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент, 1963, 22—30-бетлар.

Сўзларнинг бирикиши маълум синтактик моделлар асосида юзага чиқади⁶⁷.

11) Ташқи шаклларига кўра бир бутун шаклланган қўшма сўзлар лексик-семантик хусусиятларига кўра ҳам бир бутун—бутун маънолидир.

Қўшма сўзлар неча компонентдан ташкил топиши ва компонентларнинг маъноларидан қатъи назар бир маъно бутунлигига эга. Қўшма сўзлар маъно бутунлигига эга бўлгани учун ҳам ўша тилда сўзловчи ва тингловчиларнинг барчаси томонидан бир хилда қабул қилинади.

Сўз бирикмаларида бундай лексик-семантик бутунлик йўқ. Сўз бирикмалари компонентлари ҳар бири ўз лексик-семантик бутунлигига эга. Лекин сўз бирикмаси бутунлигича сўзга нисбатан яхлит, аммо торайган маъноларни ифодалайди. Шунинг учун уларда ҳам семантик бутунлик мавжуд, лекин бу бутунлик сўз бирикмасининг сўзга нисбатан яхлит маъно ифодалашига нисбатандир. Қўшма сўздаги лексик-семантик бутунлик билан сўз бирикмасидаги семантик бутунликни ана шу жиҳатдан фарқламоқ лозим.

12) Қўшма сўзларда ички монолитлик мавжуд. Бу монолитлик фонетик воситалар орқали вужудга келади ва қўшма сўзни пўтқ занжирнинг бошқа компонентларидан ажратиб туради.

Бу хусусият сўз бирикмаларига хос эмас.

13) Қўшма сўзлар барча сўзлар каби икки маънога — лексик ва грамматик маънога эга. Сўз бирикмаларида бу хусусият йўқ. Сўз бирикмалари бутунлигича грамматик маъно ифодалаш қобилиятига эга эмас. Сўз бирикмаси компонентларининг ҳар бири грамматик маънога эга бўлиши мумкин.

14) Барча сўзлар каби қўшма сўзлар ҳам ўз формаларига эга. Қўшма сўзлар қандай категорияга мансубликларига кўра махсус форма ясовчи аффиксларни оладилар ва турли қўшимча маъно оттенкаларини ифодалайдилар.

Бу хусусият фақат сўзларга, шу жумладан қўшма сўзларгагина хос хусусият.

15) Сўзларнинг характерли хусусияти уларнинг бирикиш қобилиятига эга эканлигидир. Сўзлар маъно ва грамматик томондан бирикиб, лексик ва грамматик группаларни ташкил этадилар (сўз бирикмалари ҳам ана шундай группалардан бири—синтактик бирикма). Сўзларнинг бирикиши, муносабатга кириши уларнинг ўзига хос белгиларидан биридир.

Қўшма сўзлар ҳам ана шундай хусусиятга эга. Улар бошқа сўзлар билан синтактик алоқага киришади, бирика олади. Лекин қўшма сўз бутунлигича иккинчи бир сўз билан бирикади. Қўшма сўз

⁶⁷ Қаранг: А. А. Уфимцева. К вопросу об изучении слова, Проблемы современной филологии, к 70-летию акад. В. В. Виноградова, М., 1965, стр. 269; П. Я. Скворик. К вопросу о границах слова. Морфологическая структура слова в языках различных типов, М.—Л., 1963, стр. 237.

компонентлари ўзи мустақил равишда иккинчи бир сўз билан муносабатга кириша олмайди. Бу эса қўшма сўзларнинг синтактик бутунлигидир.

Бу хусусият сўз бирикмаларига хос эмас. Сўз бирикмаларининг бирор компоненти ўзини бирор томондан изоҳлайдиган сўзни олиб кенгайиши мумкин ва натижада мураккаб сўз бирикмаси пайдо бўлади. Мураккаб сўз бирикмаларида сўз бирикмаси билан сўз бирикмаси муносабатга киришгандай кўринса ҳам, аслида барибир сўз билан сўз муносабатга киришади. Сўз бирикмаси бинарлик хусусиятини сақлайди.

16) Қўшма сўзлар ҳам, сўз бирикмалари ҳам камида икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топади. Сўз бирикмаларининг компонентлари ўзини бирор жиҳатдан изоҳлайдиган сўзни (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) олиб кенгайиши мумкин. Масалан: *дарахт экди — мевали дарахт экди; уйга кўчдик — янги уйга кўчдик* — янги уйга кеча кўчдик ва ҳ. к.

Бундай кенгайиш натижасида мураккаб сўз бирикмалари пайдо бўлади.

Қўшма сўз компонентлари бирор уни изоҳлайдиган сўзни эргаштира олмайди, қўшма сўз компонентларининг кенгайиши мумкин эмас, улар кенгайиб мураккаблашмайди. Агар қўшма сўз компонентларидан бирортаси конкретлаштирувчи сўзни олиб кенгайса, у тақдирда у қўшма сўз эмас, сўз бирикмасидир.

17) Айрим қўшма сўзлар ёлғиз ҳолда кўп маъноли бўлиши (*гўза пўчоқ* — ўз маъносида ва рўмол маъносида) мумкин.

Сўз бирикмаси компонентлари шу бирикма таркибида фақат биргина маънони билдирадилар. Сўз бирикмаси бутунлигича ҳам кўп маъноли бўлиши мумкин эмас.

18) Сўз бирикмалари даврлар ўтиши билан қўшма сўзларга айланиши мумкин, лекин қўшма сўз сўз бирикмасига айланмайди.

Абстракциянинг олий босқичи, номинатив бирлик сифатида ўзининг қатор грамматик ва стилистик хусусиятларига эга бўлган қўшма сўзлардан сўз бирикмаларининг пайдо бўлиши мумкин эмас.

19) Сўзлар одатда бир ва кўп маъноли бўлишлари мумкин. Кўп маъноли сўзларнинг маъноси сўз бирикмасида конкретлашади, сўз бирикмаси таркибига кирган сўз бир конкрет маънони билдиради, унинг маъноси чегараланади.

Қўшма сўз компонентларида бу хусусият йўқ. Чунки қўшма сўз компонентлари ўз бирикмаси компонентлари каби бутун шакланган эмас, улар бириккан ҳолдагина бутунлигича бир лексик маънони билдиради.

Хуллас, қўшма сўз ва сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топиши жиҳатидан бир-бирларига яқин турадилар, лекин улар компонентларнинг лексик ва грамматик муносабати, нутқдаги функцияси ва ҳ. к. қатор хусусиятларига кўра тубдан фарқ қиладилар. Шунинг учун ҳам акад. В. В. Виноградов, қўшма сўз ва сўз бирикмалари тузилиши жиҳатидан ҳам, нутқдаги

функцияси жиҳатидан ҳам бир хил эмас, бир-бирларидан фарқ қил-
ладилар, дейди⁶⁸.

Сўз бирикмаларида қўшма сўзларга хос бўлган фонетик, мор-
фологик, синтактик ва семантик бутунлик йўқ.

Қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларини айрим ўхшаш хусусият-
ларига кўра бир-бирлари билан аралаштирмаслик, уларни лексик,
грамматик, фонетик ва ҳ. к. белгиларини ҳисобга олган ҳолда бир-
бирларидан фарқлаш зарур. Шунинг учун ҳар бир бирикмага ало-
ҳида ёндашиш керак. Улар турли хил тил birlikларидир.

⁶⁸ В. В. Виноградов. Состояние и задачи советского языкознания.
«Вестник высшей школы», № 5, 1951, стр. 7.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ҲАЖМИ, ЧЕГАРАСИ

Сўз бирикмаларининг ҳажми, чегараси масаласи синтаксиснинг умумий назарий масалалари ичида унча катта ўрин тутмаса ҳам, лекин умуман сўз бирикмаларининг ҳажмини, чегарасини белгилаш сўз бирикмаларининг моҳиятини тўлиқроқ аниқлашга, тўғри тушунишга, унинг бошқа тил бирикмаларига (гапга, сўзга ва ҳ. к.) муносабатини белгилашга ёрдам беради.

Сўз бирикмаларининг ҳажми масаласи шу синтактик ҳодисанинг чегараси масаласи билан боғлиқ. Сўз бирикмаларининг ҳажмини аниқламай туриб, унинг чегарасини аниқлаш мумкин эмас, агар чегараси аниқланмаса, табиийки, уни бошқа тил бирикмаларидан фарқлаш қийинлашади. Сўз бирикмаларининг ҳажмини белгилаш сўз бирикмаларига хос характерли белгиларга эга бўлган энг кичик синтактик бирикмаларни ажратиш билангина чегараланмай, у бирикмалар структурасининг қанчалик ва қай даражада кенгайиши, мураккаблашиши мумкинлигини аниқлаш имконини ҳам беради. Бу эса, айниқса, сўз бирикмалари ва гап ўртасидаги чегарани белгилашга ёрдам беради.

Рус ва ғарб тилшунослиги тарихида сўз бирикмалари масалаларини-ишлаганга анча эътибор берилганига қарамай, сўз бирикмаларининг ҳажми, чегараси каби масала алоҳида текшириш объекти бўлган эмас. Лекин сўз бирикмаларининг айрим назарий масалаларига бағишланган синтактик текширишларда бу масалага йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган¹.

Сўз бирикмаларининг ҳажми, чегараси масаласига кейинги йилларда, айниқса, рус тилшунослигида қизиқиш кучайганини кўрамиз. Сўз бирикмаларига бағишланган текширишларнинг деярли кўпчилигида бу масалага алоҳида ўрин берилмоқда, ҳатто айрим махсус ишлар пайдо бўла бошлади². Шунга қарамай, сўз бирикма-

¹ Бу ҳақда қarang: Н. Н. Прокопович. К вопросу о простых и сложных словосочетаниях, ВЯ, № 5, 1959, стр. 21—25.

² Н. Н. Прокоповичнинг юқоридаги мақоласи; А. И. Моисеев. К типологии словосочетаний в русском языке (простые и сложные словосочетания); Программа и тезисы докладов к IX научно-методической конференции северозападного заповольного объединения кафедр русского языка педагогических институтов, ч. I,

ларининг ҳажми, чегараси масаласи ҳал қилинган, бир нуқтага келинган деб бўлмайди. Проф. Н. Н. Прокопович, кейинги ўн йил ичида сўз бирикмалари проблемасига қизиқиш кучайди, лекин ҳозирга қадар унинг кўпгина муҳим назарий масалалари етарли ўрганилмай қоляпти, дейди ва ана шундай масалалардан бири сўз бирикмаларининг ҳажми ва чегараси масаласи деб кўрсатади³. А. И. Моисеев, сўз бирикмалари типологиясини ишлашда яқдиллик йўқ дейди⁴.

Ҳақиқатда ҳам рус тилшунослигида бу масалада турли хил қарашлар мавжуд. Акад. В. В. Виноградов, сўз бирикмаларини содда ва қўшма деб икки турга ажратади. Икки мустақил сўздангина иборат бўлган сўз бирикмалари содда, уч ва ундан ортиқ мустақил сўзлардан ташкил топган сўз бирикмаларини қўшма сўз бирикмалари деб атайди. Лекин акад. В. В. Виноградов, аниқловчи қисми семантик жиҳатдан бўлинмайдиган, бутун маъно билдирувчи сўз бирикмасидан иборат бўлган уч сўзли сўз бирикмаларини ҳам семантик жиҳатдан содда сўз бирикмаларига яқин туради дейди ва уларни содда сўз бирикмаларига киритади. Масалан: *Мужчина средних лет* (ўрта ёшли эркак), *девушка скромного поведения* (камтар хулқли қиз), *мальчик семилетнего возраста* (етти ёшли бола) ва х. к. Лекин В. В. Виноградов таъкидлаб кўрсатадики, бундай сўз бирикмалари фақат семантик нуқтан назардангина содда сўз бирикмаларига яқин туради, синтактик жиҳатдан эса қўшма сўз бирикмаларидан фарқ қилмайди⁵.

Проф. Н. Н. Прокопович икки мустақил сўздан ташкил топган сўз бирикмаларини содда, уч ва ундан ортиқ мустақил сўздан ташкил топган ҳар қандай сўз бирикмаларини қўшма сўз бирикмаларига киритади. Қўшма сўз бирикмаларини уч гурпуага бўлади. Биринчи гурпуага содда сўз бирикмаси+унга тобе бўлган алоҳида сўз типидagi сўз бирикмалари киритилади. Масалан:

Близкие ему по крови; Широко известный в городе.

Иккинчи гурпуага биринчи гурпуанинг акси, яъни бош (ҳоким) сўз+содда сўз бирикмаси типидagилар киритилади. Масалан:

достойных лучшей учести; кудрявий от мелкого кустарника
ва ҳ. к.

Учинчи гурпуага бош (ҳоким) сўз+бир-бири билан алоқага киришмаган ва ўзаро бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қилмай, ҳар


Л., 1967, 36 ва ундан кейинги бетлар; акад. В. В. Виноградов, Н. Н. Прокопович, Е. В. Кротович ва бошқаларнинг сўз бирикмаларига бағишланган кўп сонли ишларида ҳам бу масалаларга анча катта эътибор ва ўрин берилган.

³ *Қаранг:* Уша асар, 25-бет.

⁴ *Қаранг:* Уша асар, 36—37-бетлар.

⁵ *Қаранг:* Грамматика русского языка, т. II, синтаксис, ч. I, М., Изд-во АН СССР, 1954, стр. 19.

Бирн тўғридан-тўғри бош сўз билан муносабатга киришувчи икки ёки уч сўздан иборат бўлган бирикмалар киритилади. Масалан.



сложить патрон в ружье ва ҳ. к.⁶

Проф. А. В. Кротевич сўз бирикмаларини таркибига (ҳажми, чегарасига) кўра қуйидагича классификация қилади: содда (икки сўз-ли ва учиний мирового значения, машина новой конструкции, платье синего цвета типидаги уч сўзли сўз бирикмалари); қўшма ёки мураккаб (книга моего товарища, мужская фетровая шляпа, читать интересную книгу); кенгайтирилган (смыть водой грязь с лица); бирга қўшилган, туташ (читать книги и журналы, мои и товарища книги)⁷.

Л. В. Матвеева-Исаева сўз бирикмаларини икки типга ажратади: содда, аралаш сўз бирикмалари. Аралаш сўз бирикмаларини содда сўз бирикмаларининг ўзаро ёки бошқа иккинчи даражали бўлаклар билан мураккаб комбинацияси натижасида вужудга келади.

Аралаш сўз бирикмаларини Л. В. Матвеева-Исаева «Бўлинмас семантик бирлик» деб атади. Масалан: *Жена моя сбежала от меня на другой день после свадьбы с любимым человеком по причине моей непривлекательной наружности.* (Бу ерда икки бўлинмас семантик бирлик ажратилган — *На другой день после свадьбы ва по причине моей непривлекательной наружности.*)

Л. В. Матвеева-Исаева «Метод диалектического материализма» (*Диалектик материализм методи*); «Рост производительных сил» (Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши), «Материалистическое понимание истории» (Тарихини материалистик тушуниш) ва ҳ. к. бирикмаларни ҳам аралаш сўз бирикмаларига киритади⁸.

В. Н. Перетрухин бошқача классификациясини тавсия этади. У сўз бирикмаларини: 1) содда. 2) ўткинчи тип, 3) қўшма деб уч тўрға ажратади.

1) Содда — икки мустақил сўздан иборат бўлган сўз бирикмалари; 2) Ўткинчи тип тўрт гурпуага ажратилади: а) бирор бўлагини сўзнинг аналитик формаси билан ифодаланган сўз бирикмаси: *будет читать книгу, станет ходить в школу, самый умный среди товарищей, самая интересная книга ва ҳ. к.*; б) сўз бирикмасининг бир бўлаги фразеологик оборот билан ифодаланади: *собаку съели драть; дни бабьего лета, работать спустя рукава ва*

⁶ Н. Н. Прокопович. Словосочетание в современном русском языке М., 1966. 62 ва ундан кейинги бетлар; Шу автор. К вопросу о простых и сложных словосочетаниях, ВЯ, № 5, 1959, 27 ва ундан кейинги бетлар.

⁷ Е. В. Кротевич. Словосочетание и синтагма. Материал совещания языковедов Юга России и Северного Кавказа по вопросу о связи слов в словосочетании и предложении (тезисы докладов), Изд-во Ростовского университета, 1961. стр. 4.

⁸ Қаранг: Л. В. Матвеева-Исаева. Словосочетания и их семантическое значение в составе предложения, Ученые записки ЛГПИ им. А. И. Герцена, кафедра русского языка, т. 59, Л., 1948, стр. 234—235.

ҳ. к.; в) сўз бирикмасининг тобе қисми икки сўздан иборат бўлган, синтактик жиҳатдан бўлинмайдиган ва содда ўз бирикмасига тенг бўлган бирикмадан иборат бўлади: *человек острого ума, двигатель внутреннего сгорания, сын пяти лет, воля тысяч людей, педагог до мозга костей, калонна в триста человек, девушка с карими глазами, отправиться пятого мая, услышать эту минуту, прийти в два часа* ва Ҳ. к.; г) сўз бирикмаси компонентларидан бири ёки ҳар иккиси тенг сўзли бирикмалардан иборат бўлади: *свежие газеты и журналы, сотрудники, профессора и студенты пединститута; редкий, мелкий дождь: не думать и не помнить о друзьях и товарищах* ва Ҳ. к.

3) қўшма — бош (ҳоким) сўзнинг ўзаро синтактик жиҳатдан бирикмаган бир печа тобе сўзи бўлади. Бундай тип сўз бирикмалар содда сўз бирикмалари ва ўткинчи тип сўз бирикмаларининг кенгайишидан вужудга келади: *близкий друг — наш близкий друг; пальто синего цвета — женское пальто синего цвета; с утра будет работать спутя рукава, ясные дни бабьего лета: старенкий двигатель внутреннего сгорания: интересные книги и журналы по технике* ва Ҳ. к.⁹

Проф. В. Н. Ярцева сўз бирикмаларини ҳажмига кўра уч типга ажратади: содда, кенгайган, ёйиқ. Содда — икки сўздан иборат бўлган сўз бирикмалари; кенгайган — сўз бирикмалари компонентларидан бири кенгайган ҳолда бўлади: *пью чай — пью чай с молоком; ёйиқ; пью сладкий чай.*

В. Н. Ярцева кенгайган сўз бирикмаларини ҳам икки турга ажратади¹⁰.

А. И. Моисеев сўз бирикмаларини содда ва қўшма деб икки турга ажратади, лекин қўшма сўз бирикмаларини сўзлар ўртасидаги синтактик алоқаларга кўра: 1) последовательно подчиненные слова (сўзларнинг кетма-кет тобеланиши); 2) соподчинение слов (икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бир бош сўзга тобе бўлиши), 3) Комбинация соподчинения (сўзларнинг кетма-кет тобеланиши ва икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бир бош сўзга тобеланиш комбинацияси); *купить новый портфель, написать письмо брату, переставить стол на другое место* ва Ҳ. к. каби турларга ажратади. *Купить книгу и тетрадь, купить книгу в магазине* каби бирикмаларни эса соподчиненнинг турлари деб ҳисоблайди¹¹.

Н. И. Филчева ҳам сўз бирикмаларини содда ва қўшма деб иккига ажратади, лекин қўшма сўз бирикмаларини ёйиқ, кенгайган,

⁹ В. Н. Перетрухин. Словосочетание как специфическая единица в составе предложения (На материале русского языка). Ученые записки МГПИ им. В. И. Ленина т. СXXXII, кафедра русского языка, вып. 8, М., 1958, стр. 257—260.

¹⁰ В. Н. Ярцева. Предложение и словосочетание, Вопросы грамматического строя. М., Изд-во АН СССР, 1955, стр. 446; Уша автор. Исторический синтаксис английского языка, М.—Л., 1961, стр. 36.

¹¹ А. И. Моисеев. К типологии словосочетаний в русском языке. (простые и сложные словосочетания), Программа и тезисы докладов к IX научно-методической конференции северо-западного зонального объединения кафедр русского языка педагогических институтов, ч. I, Л., 1967, стр. 37.

аралаш ва сўз бирикмалари ҳамкорлиги каби турларга ажратади¹².

Туркшуносликда ҳам яқинга қадар сўз бирикмаларининг ҳажми ва чегараси масаласи махсус текшириш объекти бўлмаган эди. Фақат сўз бирикмаларига бағишланган айрим ишлардагина бу масалага йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган. Лекин кейинги йилларда бу соҳада махсус ишларнинг ҳам пайдо бўла бошлагани масалага қизиқиш кучайганлигидан далолат беради¹³.

Ўзбек тилида сўз бирикмаларининг ҳажми, унинг таркибий қисмлари, содда ва мураккаблиги ҳақидаги маълумотларни проф. А. Ғ. Ғуломовнинг дастлабки ишларида учратамиз¹⁴.

Проф. А. Ғ. Ғуломов сўз бирикмалари ва уларнинг таркибий қисмларини махсус текширмаган бўлса ҳам, мураккаб таркибли аниқловчилар, уларнинг қандай сўзлар билан ифодаланиши, тартиб компонентларнинг лексик муносабати, мураккаб аниқловчилар бирикмаларнинг аниқловчи эргашганга муносабати ва ҳ. к. лар ҳақида маълумот берилган, ҳатто уч ва ундан ортиқ сўзлардан иборат аниқловчили бирикмалар «мураккаб бирикмалар» номи билан аталган¹⁵.

С. С. Майзель изофалар ҳақида гапира туриб мураккаб (уч сўз-ли) изофаларни алоҳида ажратади ёки изофа ичидаги изофа (изафет в изафете) деб атайди¹⁶.

Проф. М. Б. Балакаев ҳам сўз бирикмаларини содда ва қўшма сўз бирикмаларига ажратади. Содда сўз бирикмаларига тўлиқ маъноли икки сўздан иборат бўлган сўз бирикмалари киритилади, қўшма сўз бирикмаларига эса уч ва ундан ортиқ мустақил ва ёрдамчи сўзлардан ёки қўшма сўзлардан иборат бўлган сўз бирикмалари киритилади¹⁷.

Проф. Н. А. Баскаков эса содда ва аралаш ёки қўшма сўз бирикмалари деб ажратади. Лекин қўшма ёки аралаш сўз бирикмалари фақат аниқловчилар сўз бирикмаларидагина мавжуд деб кўрсатади¹⁸. *У кўзи қора қиз, моли кўп одам* каби бирикмаларни қўшма сўз бирикмалари ичида алоҳида ўрин эгаллайдиган ва қандайдир бир конкрет белгининг қарашлилигини аниқлайдиган махсус

¹² Қаранг: Н. И. Филичева. О словосочетаниях в современном немецком языке, М., 1969, стр. 62—67.

¹³ Қаранг: Н. Бозоров. Сложные словосочетания в тюркских языках, Тошкент, 1970.

¹⁴ Қаранг: А. Ғ. Ғуломов. Ҳозирги замон ўзбек тилидан конспектив курс. IV бўлим, Содда гап, Тошкент, 1948, 18-бет.

¹⁵ Қаранг: Айюб Ғулом. Ўзбек тилида аниқловчилар, Тошкент, 1941, 56—63, 74—93-бетлар.

¹⁶ Қаранг: С. С. Майзель. Изафет в турецком языке, М.—Л., 1957, стр. 13—138.

¹⁷ М. Б. Балакаев. Основные типы словосочетаний в казахском языке, Алма-Ата, 1957, стр. 11.

¹⁸ Қаранг: Н. А. Баскаков. Словосочетание в каракалпакском языке, Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков, III, синтаксис, М., 1961, стр. 59—61; Яна шу автор. Предложение и словосочетание в тюркских языках, Вопросы составления описательных грамматик, М., Изд-во АН СССР, 1961, стр. 80—82.

конструкциялар деб атайди ва уларни қўшма сўз бирикмаларининг алоҳида бир тури сифатида ажратади¹⁹.

Проф. М. З. Закиев ҳам традицион классификация — сўз бирикмаларини содда ва қўшма деб иккига ажратади. Иккидан ортиқ тўлиқ маъноли сўзлардан иборат бўлган ва содда сўз бирикмаларига бўлинмайдиган сўз бирикмаларини қўшма сўз бирикмалари деб атайди.

Қўшма сўз бирикмалари икки типга ажратилади: а) фразеологик бирликлардан ва б) эркин сўз бирикмаларидан ташкил топган қўшма сўз бирикмалари.

Биричи типнинг ўзи тўрт турга ажратилади: а) фақат биргина фразеологик бирликдан иборат бўлган қўшма сўз бирикмалари; б) икки фразеологик бирликдан, яъни ҳоким қисми ҳам, тобе қисми ҳам фразеологик бирликлардан иборат бўлган қўшма сўз бирикмалари; в) тобе компоненти фразеологик бирлик билан ифодаланган ва г) ҳоким компоненти фразеологик бирлик билан ифодаланган қўшма сўз бирикмалари.

Эркин сўз бирикмаларига асосланган қўшма сўз бирикмалари — синтактик сўз бирикмаси ва сўз ўртасида конкретлаштирувчи алоқанинг ўрнатилиши йўли билан пайдо бўлади. Масалан: *ўтызынчы елда туу (ўттизинчи йилда туғилмоқ), ике капчык он (икки қоп ун)* ва ҳ. к.²⁰.

Юқорида айтилганидек, акад. В. В. Виноградов, аниқловчи қисми семантик жиҳатдан бўлинмайдиган, бутун маъно билдирувчи сўз бирикмасидан иборат бўлган уч сўзли сўз бирикмалари ҳам семантик жиҳатдан содда сўз бирикмаларига яқин туради, дейди ва уларни содда сўз бирикмаларига киритади. Проф. М. З. Закиев эса бундай сўз бирикмаларини эркин сўз бирикмаларига асосланган қўшма сўз бирикмалари деб атайди. Масалан: *қырын куз белән карау* (қинғир кўз билан қарамоқ — ҳурмат қилмаслик), *ике көн уку* (икки кун ўқимоқ), *ике чиләк су* (икки челақ сув), *ун чакырил уту* (ўн чақирим юрмоқ)²¹.

Компонентларнинг миқдори, лексик-семантик, грамматик муносабати, вазифаси жиҳатидан В. В. Виноградов ва М. З. Закиев келтирган мисолларда фарқ йўқ, лекин бундай сўз бирикмаларини В. В. Виноградов содда сўз бирикмалар, М. З. Закиев қўшма сўз бирикмалар деб атайди.

Ю. Сейидов сўз бирикмаларини содда ва мураккаб сўз бирикмалари деб ажратади. Мураккаб бирикмаларини эса уч турга бўлади²².

Проф. А. Ф. Фуломов сўз бирикмаларини таркибига кўра клас-

¹⁹ Н. А. Баскаков. Словосочетания в каракалпакском языке. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, III, синтаксис. М., 1961, стр. 61.

²⁰ Қаранг: М. З. Закиев. Синтаксический строй татарского языка, Изд-во Казанского университета, 1963, стр. 108—110.

²¹ Ҷша асар, 108—110-бетлар.

²² Қаранг: Ю. Сейидов. Озарбайжон адабий тилида сўз бирикмалари (Озарбайжон тилида), Баку, 1966, 151—154-бетлар.

сификация қилишда акад. В. В. Виноградов классификациясини қўллайди²³.

Сўз бирикмаларининг таркибига кўра классификация қилиш қатор бошқа ишларда ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг барчасида ҳам содда ва қўшма сўз бирикмалари деб икки турга ажратмади²⁴, лекин А. Сафаев бирикмаларни бир бўлакли, икки бўлакли ва кўп бўлакли синтактик конструкцияларга ажратишни тавсия этади²⁵.

Сўз бирикмаларининг ҳажми, чегарасига кўра классификация қилиш масаласи юзаки қарашда анча осондек кўринса-да, аслида сўз бирикмалари назариясининг мураккаб масалаларидан биридир. Юқорида санаб ўтилган фикр ва классификацияларнинг кўпчилиги ва хилма-хиллигининг ўзиёқ бундан далолат бермоқда.

Ҳақиқатда ҳам сўз бирикмалари таркиби, ҳажми — унинг таркибига кирувчи сўзларнинг миқдори жиҳатидан бир хил эмас. Ўзбек тилида, шунингдек бошқа тилларда, сўз бирикмалари икки лексик маънога эга бўлган сўзлардан, уч ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топиши мумкин.

Тилда содда гаплар орқали содда фикр, қўшма гаплар орқали мураккаб фикр ифодалангани, қўшма гапнинг таркиби мураккаблашиб борган сари у орқали ифодаланадиган фикр ҳам мураккаблашиб боргани каби, сўз бирикмаларининг таркиби ҳам фақат икки сўз билан чекланиб қолмай, мураккаблашиб бориши, у қанча мураккаблашса, предмет, воқеа-ҳодиса, белги ва ҳ. к. ларнинг шунча мураккаб номларини ифодалаши мумкин.

Тилда икки сўздан ташкил топган сўз бирикмалари — кўпчиликни, уч ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган сўз бирикмалари озчиликни ташкил этади деб бўлмайди. Тўғри, ўзбек тили материаллари ўзбек тилида икки сўздан ташкил топган содда сўз бирикмалари кўпчиликни ташкил этишини исботласа ҳам, мураккаб бирикмалар уларга нисбатан озчиликни ташкил этади деб чегара қўйиб бўлмайди, чунки тил ривожланган, тараққий этган сари мураккаб сўз бирикмаларининг миқдори ҳам ортиб боради. Шунинг учун М. Э. Закиевнинг, тилда мавжуд бўлган сўз бирикмаларининг кўпчилик қисми содда сўз бирикмаларидан иборат, деган фикрига қўшилиб бўлмайди²⁶.

Тилда хилма-хил мураккаб сўз бирикмалари жуда кўп қўллана-

²³ Қаранг: А. Ф. Фуломов, М. А. Асқарова. Ҳозирги замон ўзбек тили, синтаксис, Тошкент, 1961. 11—12-бетлар; Ҳозирги ўзбек адабий тили, II. синтаксис, Тошкент, 1966. китобида ҳам ана шундай классификация қилинган.

²⁴ А. Д ж а п а р о в. Грамматическая структура словосочетаний в современном киргизском языке, АҚД, М., 1956; А. А. А б д у л л а е в. Глагольные словосочетания в современном узбекском литературном языке, АҚД, Самарканд, 1959; Х. Х а л и я р о в. Именные словосочетания в современном узбекском литературном языке, АҚД, Самарканд, 1966; Н. Б а з а р б а е в. Сложные словосочетания в тюркских языках (на материале казахского и узбекского языков), АҚД, Тошкент, 1970 ва бошқалар.

²⁵ А. С. С а ф а е в. Исследование по синтаксису узбекского языка, Тошкент, Изд-во «Фан», 1968, 6 ва ундан кейинги бетлар.

²⁶ Қаранг: М. Э. З а к и е в. Уша асар, 103-бет.

ли. Шунинг учун уларнинг тузилиши, типлари, тараққиёти, компонентларнинг лексик-семантик, грамматик муносабатлари, формалари ва ҳ. к. ларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Акад. В. В. Виноградов бу масалаларни сўз бирикмалари назариясининг асосий масалаларидан бири деб ҳисоблайди²⁷.

Сўз бирикмалари ҳажмига кўра классификация қилинганда кўпінча унинг таркибига кирувчи сўзлар — компонентларнинг миқдори асос қилиб олинади. Юқорида санаб ўтилган классификацияларнинг кўпчилиги ана шу принципга асосланган.

Проф. Е. В. Кротевич ҳам сўз бирикмаларини ана шу принципга кўра классификация қилади, лекин нима учундир уч сўзли: *ученый мирового значения* (дунё аҳамиятига эга бўлган олим), *машина новой конструкции* (янги конструкцияли машина), *платье синего цвета* (кўк рангли кўйлак) каби бирикмаларни ҳам содда сўз бирикмаларига киритади²⁸.

Проф. М. Б. Балакаев сўз бирикмаларини фақат уларнинг таркибидаги барча сўзлар миқдорига қарабгина классификация қилгани учун уч ва ундан ортиқ тўлиқ маънода ва ёрдамчи сўзлардан ёки қўшма сўзлардан иборат бўлган бирикмаларни қўшма сўз бирикмалари деб атайди²⁹.

Ҳатто проф. М. З. Закнев сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар миқдоринигина ҳисобга олгани ҳолда фразеологик бирликлардан, фразеологик бирлик+фразеологик бирлик, фразеологик бирлик+бош сўз, бош сўз+фразеологик бирликлардан ташкил топган бирикмаларни ҳам қўшма сўз бирикмаларига киритади³⁰.

Маълумки, фразеологик бирликлар аслида сўз бирикмаларидан ташкил топган бўлишига қарамай, лексикологизациялашган, таркибидаги сўзлар ўз лексик маъноларини йўқотган, улар неча сўздан ташкил топган бўлишига қарамай, бутунлигича бир маъно ифодалайдиган ҳолга келиб қолган, тилда сўзларнинг эквиваленти вазифасини бажарувчи бирикмалардир. Шунинг учун иккидан ортиқ сўзлардан ташкил топган фразеологик бирликлар иштирок этган бирикмалар қўшма сўз бирикмасигина эмас, фразеологик бирликларнинг умуман ўзи сўз бирикмаси эмас, у сўз вазифасини бажаради, сўзнинг эквиваленти. Шунинг учун бундай бирикмаларни қўшма сўз бирикмаларига ёки В. Н. Перетрухин айтганидек, ўткинчи тип³¹ сўз бирикмаларига киритиб бўлмайди, чунки фразеологик бирикмалар неча сўздан иборат бўлишидан қатъи назар ҳамма вақт бир сўз вазифасини бажаради, шунинг учун ҳар қандай бирикма таркибида ҳам бир сўз каби қаралиши керак.

²⁷ Қаранг: Грамматика русского языка, т. II, синтаксис, ч. I, стр. 21.

²⁸ Қаранг: Е. В. Кротевич. Словосочетание и синтагма. Сочетание языковедов... (тезисы докладов), стр. 4.

²⁹ Қаранг: М. Б. Балакаев. Основные типы словосочетаний в казахском языке, стр. 11.

³⁰ Қаранг: М. З. Закнев. Синтаксический строй татарского языка, стр. 109.

³¹ Қаранг: В. Н. Перетрухин. Словосочетание как специфическая синтаксическая единица в составе предложения, стр. 259.

Ҳатто В. Н. Перетрухин сўз бирикмалари таркибига кирган ҳар қандай сўзни ҳам, унинг вазифасидан қатъи назар, сўз бирикмаларининг компоненти ҳисоблайди. Натнжада *будет читать книгу* (ки-тоб ўқийди), *станет ходить в школу* (мактабга бора бошлайди) ва ҳ. к. сўз бирикмаларининг бир компоненти сўзларнинг аналитик формалари билан ифодаланган сўз бирикмаларини ҳам содда сўз бирикмаларига эмас, ўткинчи типга киритади.

Маълумки, сўз бирикмаси таркибига кирган сўзларнинг ҳаммаси ҳам бир хил вазифани бажара бермайди ва уларнинг ҳар бири сўз бирикмасининг компоненти бўлиши шарт эмас.

Акад. В. В. Виноградов ҳам сўз бирикмалари фақат мустақил сўзлардангина ташкил топишини бир неча бор қайд қилиб ўтган.

Шундай экан, грамматик маъноларни ифода этиш учун хизмат қилувчи аналитик формалар сўз бирикмаларининг компонентлари бўлолмайди, улар содда сўз бирикмаларини мураккаблаштиролмайди. Сўз бирикмаларини қўшма сўзлар ёки сўзларнинг аналитик формалари билан аралаштирмаслик керак. Шунингдек лексик маънога эга бўлмаган ёрдамчи сўзлар, қўшма сўзларнинг компонентлари (у неча элементдан иборат бўлишидан қатъи назар бир сўз саналади) сўз бирикмаларини мураккаблаштира олмайди.

Сўз бирикмаларининг таркибини белгилашда унинг таркибига кирган барча сўзларнинг миқдоригагина қараб эмас, ўша сўзларнинг шу сўз бирикмаси таркибига бажарган вазифасига ҳам қаралиши керак. Ўзаро лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан алоқага кирган ва бири иккинчисини бирор жиҳатдан изоҳлаш вазифасини бажарадиган сўзларгина сўз бирикмаларининг компонентлари ҳисобланиши мумкин, ана шундай сўзларнинг миқдоригагина сўз бирикмаларининг ҳажмини, чегарасини белгилай олади. Бундай сўзлар, албатта, лексик маъноларга эга бўлган сўзлардангина бўлиши мумкин.

Сўз бирикмалари ҳажмини фақат унинг таркибига кирувчи вазифасидан қатъи назар, барча сўзларнинг миқдорига кўра классификация қилинганда, юқоридаги каби, ҳар хилликларга сабабчи бўлиши мумкин.

Содда сўз бирикмаларини — фақат икки тўлиқ маъноли сўздан иборат бўлган сўз бирикмаларини ажратишда ягона фикр мавжуд.

Академик В. В. Виноградов содда сўз бирикмаларига фақат икки мустақил сўзлардангина эмас, аниқловчи қисми семантик жиҳатдан бўлинмайдиган, бутун маъно мундарижасига эга бўлган уч сўзли сўз бирикмаларини ҳам киритади. В. В. Виноградов бу типдаги сўз бирикмаларини фақат семантик жиҳатдан содда, синтактик муносабатлари жиҳатидан эса қўшма сўз бирикмалари деб атайди. Масалан: *мужчина средних лет* (ўрта ёшли эркак), *девушка скромного поведения* (камтар хулқли қиз), *мальчик семилетного возраста* (етти ёшли бола), *человек твердого характера* (қатъий характерли одам) ва ҳоказо³².

³² Қаранг: Грамматика русского языка, т. II, синтаксис, ч. I, стр. 19.

Кўринадики, В. В. Виноградов сўз бирикмаларини ҳажмига кўра классификация қилишда фақат сўзлар миқдорини эмас, уларнинг семантик хусусиятларини ҳам ҳисобга олади.

Агар В. В. Виноградов принциpga кўра сўз бирикмаларини классификация қилинса, ўзбек тилида жуда кўплаб учрайдиган уч ва ундан ортиқ лексик маънога эга бўлган сўзлардан ташкил топган, лекин семантик жиҳатдан бўлинмайдиган, бутунлигича бир маъно мундарижасига эга бўлган ва бутунлигича бир бош (ҳоким) сўз билан муносабатга киришувидан пайдо бўлган сўз бирикмалари содда сўз бирикмалари деб қаралиши керак бўлади. Масалан: *йрта ёшли одам, баланд бўйли йигит, бу йилги баҳор, қирра бурун одам, арзон баҳо материал, икки қаватли бино, олий маълумотли одам, ҳорғин овоз билан гапирмоқ, якшанба куни келмоқ, икки йил ўқимоқ* ва ҳоказо.

Лекин В. В. Виноградов ҳам Е. В. Кротевич ҳам негадир бундай бирикмаларни фақат уч сўзли сўз бирикмалар ва бу сўз бирикмаларнинг аниқловчи қисми семантик жиҳатдан бўлинмас, бутун маъно мундарижасига эга бўлади деб чегаралаб қўядилар.

Ўзбек тилида фақат уч сўзли эмас, ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган сўз бирикмалари ҳам қўлланади ва уларнинг семантик бўлинмас қисми аниқловчи вазифасидагина бўлмай, бошқа вазифаларда ҳам бўла олади. Масалан: *Минг сўмга олувчи харидор; ўзинчи синфга кўчган ўқувчилар; пахта терими қизитиб юборилган кунлар; ярим оқшом ўтмасдан бурун келди; Тошкент Давлат педагогика институтининг иккинчи курсидан Армияга кетди; соат еттидан чорак ўтганда келди; ўтган йил ёз кунларининг бирида Салоҳиддин ака Рафиқовга район ҳарбий комиссариатидан чақириқ қоғозини келтириб беришди* (газетадан) ва ҳоказо.

Шунингдек, уч сўзли сўз бирикмаларда ҳам семантик бутун қисм фақат аниқловчи вазифасида бўлиши шарт эмас (юқоридаги мисолларга қаранг).

Шундай қилиб ҳозирги лингвистик адабиётларда сўз бирикмалари уларнинг таркибига кирган сўзлар миқдорига ва ўша сўзларнинг лексик-семантик муносабатларига кўра классификация қилиниб келинмоқда.

Сўз бирикмалари ҳажмига кўра классификация қилинганда уларнинг асл моҳиятидан келиб чиқмоқ зарур. Сўз бирикмалари аслида икки ёки ундан ортиқ лексик маънога эга бўлган (у қандай сўз бўлишидан қатъи назар лексик маънога эга бўлиши керак) сўзларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан муносабатга киришидан пайдо бўлувчи ва предмет, воқеа-ҳодиса, белги, турли процесслар ва ҳоказоларнинг мураккаб номларини ифодаловчи тил бирлиги. Агар сўз бирикмаларининг ана шу хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, у тақдирда сўз бирикмаларининг ҳажминини уни ташкил этувчи лексик-семантик ва грамматик жиҳатлардан алоқага киришган сўзлар миқдорини белгилаши керак. Шунинг учун сўз бирикмаларини унинг таркибига кирувчи ва лексик маънога эга бўлган сўзлар миқдорига кўра белгиламоқ керак.

Шу нуқтан назардан классификация қилинганда ўзбек тилидаги сўз бирикмаларини икки гурпнага ажратиш мумкин:

- 1) содда сўз бирикмалари;
- 2) мураккаб сўз бирикмалари³³.

Юқорида кўрганимиздек, мураккаб сўз бирикмаларини қўшма ёки мураккаб, кенгайтирилган, бирга қўшилган — туташ, аралаш, ўткинчи, ёйиқ, сўз бирикмалари ҳамкорлиги ва ҳ. к. номлар билан аташга зарурият йўқ.

Содда сўз бирикмалари барча тилларда ҳам бир хил хусусиятларга эга бўлган сўз бирикмалари, лекин мураккаб сўз бирикмалари компонентлари, уларнинг миқдори, лексик-семантик муносабатлари, грамматик хусусиятлари, кенгайтиш имкониятлари ва ҳоказо хусусиятларига кўра хилма-хилдир.

Содда сўз бирикмалари икки мустақил, тўлиқ маъноли сўзларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатлардан бирикувидан пайдо бўлади ва бир бутун, мураккаб маънони ифодалайди. Масалан: *қизил байроқ, яхши китоб, менинг Ватаним, аълочи ўқувчи, ўнта ўқувчи, китобни севмоқ, ишга бормоқ, ишдан келмоқ* ва ҳ. к. Фақат ана шундай бирикмаларгина содда сўз бирикмаларидир.

Мураккаб сўз бирикмалари уч ва ундан ортиқ сўзларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатлардан ўзаро алоқага киришларидан ташкил топади.

Сўз бирикмаларининг асосини содда сўз бирикмалари ташкил этади. Улар сўз бирикмаларининг минимум чегараси.

Содда сўз бирикмаларининг икки сўзлик — бинарлилик хусусияти уларнинг асосий белгисидир.


Мураккаб сўз бирикмалари содда сўз бирикмаларининг кенгайтишидан, содда сўз бирикмаси компонентларининг конкретлаштирувчи сўзларни олиб кенгайтишидан пайдо бўлади. Масалан: *байроқ* — *қизил байроқ, янги қизил байроқ, ҳилпираётган янги қизил байроқ, ҳукумат биноси тепасида ҳилпираётган янги қизил байроқ* ва ҳ. к.

Содда сўз бирикмасининг тобе қисми конкретлаштирувчи сўз олиб кенгайтиши мумкин. Масалан: *боғдаги гуллар* — *колхозимиз боғидаги гуллар, баҳорги буғдой* — *эрта баҳорги буғдой, китоб ўқиди*, — *янги китоб ўқиди, мактабда ўқийди* — *кечки мактабда ўқийди* ва ҳ. к.


Содда сўз бирикмасининг ҳоким компоненти конкретлаштирувчи сўз олиб кенгайтиши мумкин. Масалан: *боғдаги гуллар* — *боғдаги хушбўй гуллар, баҳорги буғдой* — *баҳорги эртапишар буғдой, китоб ўқибди* — *китобни севиб ўқиди, мактабда ўқиди* — *мактабда ўн йил ўқиди* ва ҳ. к.

³³ Уч ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган сўз бирикмалари учун «қўшма» эмас, «мураккаб» терминини қўллашни маъқул кўрдик. Чунки «қўшма» терминини жуда кўп тушунчалар учун қўллашни келинмоқда: «қўшма сўз», «қўшма гап» ва ҳ. к. Сўнг «қўшма» сўзнинг лексик маъноси ҳам ушбу сўз бирикмалари учун мос эмас. «мураккаб» термин «қўшма»га нисбатан бундай сўз бирикмаларининг асл моҳиятига анча мосдир.

Содда сўз бирикмасининг ҳам тобе компоненти, ҳам ҳоқим компоненти конкретлаштирувчи сўзларни олиб кенгайтиши мумкин. Масалан:



Фақат содда сўз бирикмасининг ҳоқим ва тобе компонентларигина конкретлаштирувчи сўзларни олиб кенгайтиши шарт эмас. Ҳоқим ёки тобе компонентнинг конкретлаштирувчи сўзи ҳам ўзига конкретлаштирувчи сўз олиб, унинг ўзи ҳам кенгайтиши мумкин. Масалан:



Хуллас, мураккаб сўз бирикмалари содда сўз бирикмаларининг кенгайишидан вужудга келади. Содда сўз бирикмаларининг кенгайиши — мураккаблаштириш, унинг таркибидаги сўзлар миқдорининг ортиб бориши сўзловчи шахс томонидан предмет, воқеа-ҳодиса, белги, турли процесслар ва ҳ. к. ларнинг номларини тўлиқроқ ва аниқроқ ифодалашга интилишигагина боғлиқ бўлмай, шв содда сўз бирикмаси компонентларининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига, уларнинг қандай сўз туркумларига мансублигига ҳам боғлиқдир. Масалан, содда сўз бирикмасининг компоненти от туркумидаги сўзлардан бўлса, у ўзига аниқловчилар олиб кенгайиши, феъл туркумидаги сўзлардан бўлса, тўлдирувчи, ҳол вазифасидаги сўзларни олиб кенгайиши мумкин. Лекин барча сўзларнинг кенгайиш имкониятлари бир хил эмас. От ва феъл туркумидаги сўзларнинг кенгайиш имкониятларига қараганда сифат ва равишларнинг кенгайиш имкониятлари анча чегараланган. Сон, олмошларнинг айрим турлари эса содда сўз бирикмасининг ҳоким компоненти бўлганида ҳам, тобе компоненти бўлганда ҳам умуман конкретлаштирувчи сўзларни олиб кенгаймайди.

Содда сўз бирикмаларининг кенгайиши, кенгайиш даражаси ва мураккаб сўз бирикмаси ҳосил қилиши ўша содда сўз бирикмаси компонентларининг қандай сўзлардан эканлиги, уларнинг лексик-семантик хусусиятларига боғлиқ.

Мураккаб сўз бирикмаларини компонентларининг лексик-семантик муносабатларига кўра икки типга ажратиш мумкин.

1. Уч ва ундан ортиқ лексик маънога эга бўлган сўзлардан ташкил топган, лекин семантик жиҳатдан қисмларга бўлинмай, бутунлигича бир бутун маъно мундарижасига эга бўлган, бутунлигича бир ҳоким сўз билан муносабатга киришувчи ва гап таркибида ҳам бутунлигича гапнинг бир бўлаги вазифасини бажарувчи мураккаб бирикмалар. Бундай мураккаб сўз бирикмаларини содда сўз бирикмаларига ажратиш мумкин эмас, улар семантик жиҳатдан бир бутун, қисмларга ажралмайди. Бундай бирикмаларни содда сўз бирикмаларига ажралмайдиган, семантик бутун мураккаб сўз бирикмалари деб аташ мумкин. Масалан: *ўрта ёшли одам, баланд бўйли йигит, қирра бурун бола, бу йилги баҳор, арзон баҳо материал, икки қаватли бино, олий маълумотли йигит, ҳорғин овоз билан аспирмоқ, яқшанба кун келмоқ, икки йил ўқимоқ; Бу янгилик шундай оғир вазифа эдики, унинг юзи қизнинг қаддини букиб қўярлик даражада вазмин эди* (Ҳ. Ғулوم). *Олтин танга пул — йиртиқ чориқни яматши билан икки оти мносга етади, холос* (Ҳ. Ғулум) *О, биринчи синфдаги Марзия қаёқда-ю ҳозиргиси қаёқда!* (А. Мухтор). *Икки йрим сочи калтагина бўлса ҳам, арқондек пишиқ, қалин* (А. Мухтор).


2. Уч ва ундан ортиқ лексик маънога эга бўлган сўзлардан ташкил топган, лекин ўз ичидан содда сўз бирикмаларига ажраладиган мураккаб сўз бирикмалари. Бу мураккаб сўз бирикмалари ҳам содда сўз бирикмалари компонентларининг конкретлаштирувчи сўзларни олиб кенгайиши натижасида вужудга келади. Шунинг учун

ҳам бирикма таркибига кирувчи ҳар бир сўз шу бирикмадаги иккинчи бир сўз билан ёки содда бирикма билан лексик-семантик ва грамматик томонлардан алоқага киришган бўлади, ёки бошқача айтганда, мураккаб бирикма таркибида ўзаро алоқага киришмаган бирорта ҳам сўз бўлмайди. Бундай сўз бирикмалар мураккаб бир тушунчани ифодалайди. Бирикма қанча кенгайса, тушунча ҳам шунча мураккаблашиб боради.


Иккинчи томондан, бу бирикмаларнинг компонентлари лексик-семантик томондан шу даража мустақилки, бирикма таркибидаги бирор сўзни ёки бутун бир содда бирикмани осонлик билан тушириб қолдириш мумкин. Бу билан мураккаб бирикманинг таркиби соддалашади, маъно мундарижаси ўзгаради, бошқа томонларига ҳеч қандай зарар етмайди.

Масалан, *байроқча кўтарган семиз стрелкачи ёш аёл* мураккаб бирикмасини қуйидагича ажратиш мумкин: Шу мураккаб сўз бирикмасининг марказий ҳоким сўзи *аёл*, унинг белгилари: *ёш, семиз, стрелкачи ва байроқча кўтарган*. Бу мураккаб бирикмани қуйидаги содда сўз бирикмаларига ажратиш мумкин:

ёш аёл, стрелкачи аёл, семиз аёл, байроқча кўтарган аёл, (*байроқча кўтарган* семантик бутун содда сўз бирикмаси бутунлигича аёлга нисбатан аниқловчи). *Аёл* сўзи турли белгиларига кўра аниқланган бўлса ҳам, уларни юқоридаги каби содда сўз бирикмаларига ажратиб бўлмайди, чунки бу бирикмаларнинг ҳар бири ўзаро ҳам алоқага киришган. Масалан: *аёл стрелкачи эмас, ёш аёл стрелкачи, аёл семиз эмас, стрелкачи ёш аёл семиз, байроқ кўтарган аёл эмас, байроқ кўтарган семиз стрелкачи ёш аёл*. Агар бу мураккаб бирикмани схемада кўрсатсак қуйидагича бўлади:




Хотини қуйиб узатган аччиқ кўк чой бирикмаси ҳам худди шундайдир:



Бу мураккаб бирикма таркибидан истаган аниқловчинини тушириб қолдириш мумкин. Масалан, (*байроқча кўтарган*) *семиз стрелкачи ёш аёл* ва ҳ. к. ёки бирданига бирдан ортиқ аниқловчинини тушириши ҳам мумкин: *байроқча кўтарган (семиз стрелкачи) ёш аёл* ва ҳ. к. Бу билан мураккаб сўз бирикмасининг таркиби ва маъно мундарижасигина ўзгаради, холос.

Қуйидаги мисолларда ҳам худди ана шундайдир: *Зулукхон... оппоқ кенг пешонасига оқ гуллик баррик арам креп-*



дешин дурра танғиб олган эди (Х. Фулом). Томга оқ тулука қопланган саккиз қирралик баланд шийпон боғнинг ўртасида бўлиб, унга доларанг гулдор «қизилоёқ» гиламлар ёзилган. Атлас кўрпачалар тўшалган эди (Х. Фулом). Сокин оқиом, кимсасиз боғ кўчаларда ҳалиги қуёшли ўрмоннинг чуқур оромга ўхшаган чексиз тинчлиги давом этаётгандай эди (А. Мухтор) ...бояги чиройли шўх қизларимиз гўнг ташийди... чивиннинг ачитиб чақиншига чидайди (Х. Фулом). Жамилахон ҳам қизи билан олти кун босим ўлтириб тиккан тагдўзи дўппиларини сотгани кетди (М. Исмоилий). Катта дарвозанинг рўпарасидаги йўлакнинг тепасига қафасда осиб қўйилган бир жуфт қумрини жуда ҳам яхши кўрар эдим (Ф. Фулом). Хулкар унга ғазабланишига ҳам арзимайдиган бир тўнкага қарагандай қаради-ю... (П. Қодиров). Бу хитой бекларининг қийноғидан қутилиш учун турлича планлар тузар эди (Ф. Фулом). Синган рубобнинг торлари узилиб чарсиллагани унинг қулоғига ҳар кўни неча марта эшитилади (П. Қодиров). Серкадан юз қадамча пастдаги қоя тош панасидан Авазга ўхшаган бир киши мўралаб турарди (П. Қодиров). У оддийгина кўкрак бурма чит кўйлак, паст пошналик ағдарма этик кийган (Х. Фулом).

Юқорида айтилганидек, мураккаб сўз бирикмаси таркибига кирган сўзларнинг ҳар бири бири билан ҳам лексик-семантик, ҳам грамматик томонлардан алоқага кирган бўлиб, алоқага кирмаган, четда қолган сўзлар бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан бириккиб бир бутун маъно мундарижасига эга бўлади. Шу жиҳатдан юқоридаги мисоллардан бирини схемага солиб кўрайлик:

Бу типдаги мураккаб сўз бирикмаларининг бир характерли хусусияти шундаки, бирикманинг ҳар бир компоненти шу бирикма таркибида маълум бир вазифани бажариб, гап бўлаги саналади. Бу билан у биринчи типдаги мураккаб сўз бирикмаларидан фарқланади.

Айрим ҳолатларда мураккаб сўз бирикмаси шу даража ёниқ бўлиши мумкинки, унинг таркибида биринчи тип — семантик бир бутун сўз бирикмалари ҳам иштирок этиши мумкин.

Масала: *Лекин душман ҳужумга ўтган дастлабки пайтлардаги таҳлика босилган, энди Қизил Армия зарба бера бошлаган* (О. Еқубов). *Хулкар... серка боғ*

танган ола чилвирнинг тугунини очаётганда Гурди ҳам етиб келди (П. Қодиров) *Оч биқинимга тумшуғи қайрилиб кетган баланд пошналик сағри қапшиниб берган аччиқ тепкисидан чўчиб уйғондим* (Ғ. Ғулом). *Қоя тошлар оралиғидаги ялангликда эрта кўкламнинг барра майсаларини эслаувчи оч яшил майин кўкат ўсади.* (П. Қодиров). *Улар идорадан чиқиб, кўчани кесиб ўтишлари билан тўрт томонига баланд девор олинган ҳовлининг икки юзинчи чироқ билан ёритилган нақшин сариниш дарвозасига дуч келдилар* (Ҳ. Ғулом).

Гап сўзлардан, сўзларнинг бирикувидан пайдо бўлган сўз бирикмаларидан ташкил топади. Сўзлар, сўз бирикмалари гапнинг қурилиш материалидир. Шунга кўра гап (содда гап) таркибига кирган сўзларнинг барчаси бир-бири билан ҳам лексик-семантик, ҳам грамматик томонлардан алоқага киришган бўлиб, шу гап таркибига маълум вазифани бажарадилар. Ана шу хусусиятларига кўра одатда гапни гап бўлакларига ажратилади. (Гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайдиган, гапга қўшимча маъно оттенкалари берувчи ундалма, кириш сўз ва ҳ. к. каби сўзлар бундан истиснодир.) Хуллас, гап таркибига бир-бири билан алоқага кирамаган, бирор вазифани бажармайдиган сўзларнинг иштирок этиши мумкин эмас.

Гап таркибига бир сўз фақат иккинчи бир сўз билангина алоқага кириши шарт эмас. Бир сўз турли томондан изоҳланиши мумкин ва уни изоҳлаётган турли сўзлар билан бир вақтнинг ўзида, бир гап доирасида алоқага кириши мумкин. Масалан, предмет маъносини билдирувчи бир сўз бир вақтнинг ўзида бир неча аниқловчиларни олиб, турли белгиларига кўра аниқланиши, ҳаракат билдирувчи сўз бир вақтда икки ёки ундан ортиқ сўзлар (тўлдирувчи ва ҳол вазифасидаги) билан алоқага кириши мумкин ва ҳ. к.

Масалан, *Тўғонбек ияғидаги қизғиш сийрак, дағал соқолини қашиб сўқут қилди* (Ойбек). Бунда бир предмет уч хил белгисига кўра аниқланмоқда:

қизғиш —	} → соқол
сийрак —	
дағал —	

Бу мисолда учта содда сўз бирикмаси мавжуд.

У софдил меҳнаткаш аёл, уйда ётишга виждони йўл бермай... далага чиқа бошлаган.. (О. Ёқубов).

софдил —	} → аёл (икки содда сўз бирикмаси)
меҳнаткаш —	

...бу ҳазин ва хушоҳанг куйлар, дам қувноқ, дам мунгли лапарлар тонг отгунча давом этишини истайди (О. Ёқубов).

ҳазин —————
хушоҳанг ————— | → куйлар;

қувноқ —————
мунгли ————— → лапарлар (ҳар иккала ҳолатда ҳам иккитадан
содда сўз бирикмаси мавжуд).

...кўҳна Хуросоннинг эли адолат ва фазилат қуёшига ташнадир
(Ойбек).

адолат —————
фазилат ————— | → қуёши

Биродарлар, биз ким учун мардикорликка кетиб, қирилишимиз
керак. Албатта, подшонинг, амин, арчинларнинг, Холназарбойлар-
нинг бизни илгаригидан ҳам баттар эзиши, хўрлаши учун (Б. Кер-
бобоев).

подшонинг —————
аминнинг —————
арчинларнинг —————
Холназар бойларнинг ————— | → эзиши

подшонинг —————
аминнинг —————
арчинларнинг —————
Холназар бойларнинг ————— | → хўрлаши

...Мен сизга қайси картани қандай ўғитлаш, суғориш, шўрини
ювишни айтиб берай (Ҳ. Ғулом).

ўғитлашни —————
суғоришни —————
шўрини ювишни ————— | → айтиб берай.

Икки кун давом этган кучли бўрон чўллар ва қишлоқларда йўл-
лар ва экинзорларда кўнғилсиз из қолдириб кетди (Ш. Рашидов)

чўлларда —————
қи. лоқларда —————
йўлларда —————
экинзорларда ————— | → из қолдириб кетди.

Юқоридаги мисолларда бир ҳоким сўз бир неча томондан изоҳ-
ланмоқда ва уни изоҳлаётган ҳар бир сўз билан сўз бирикмаси ҳо-
сил қилмоқда. Лекин ҳоким сўзни изоҳлаётган сўзлар бир типли
сўзлар — тенг бўлақлар. Бундай бирикмалар, албатта, мураккаб
сўз бирикмаси ҳосил қилмайди, ҳоким сўз ўзини бирор томонидан
изоҳлаётган сўзлар (бир тип сўзлар)нинг ҳар бири билан алоқага
кириб, содда сўз бирикмалари ҳосил қилади³⁴.

³⁴ В. II. Перетрухин бу типдаги бирикмаларни содда сўз бирикмаларига ҳам,
қўшма сўз бирикмаларига ҳам киритмайди, уларни сўз бирикмаларининг алоҳи-

Тенг сўзли бирикмаларнинг сўз бирикмаларига алоқаси йўқ, улар бирикмаларнинг алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бир туридир. Тенг сўзли бирикмаларнинг ҳар бир элементи (у неча элементдан иборат бўлишидан қатъи назар) тўғридан-тўғри конкретлашаётган сўз — ҳоким сўз билан муносабатга киришади ва у билан биргаликда содда сўз бирикмаси ҳосил қилади.

Бу бирикмаларни мураккаб сўз бирикмаларидан тубдан фарқламақ керак. Лекин тенг бирикмалар ёлғиз сўзлар билан ифодаланмай, мураккаб сўз бирикмалари билан ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан: *Нотиқ қирқ беш ёшларда бўлиб, қордай оқ яктаги устидан малла чакмон, оёғига баланд пошналик ағдарма кўн этик кийган, бошига қори духоба ҳошиялик оқ намат қалпоқ бостирган, дароз бўйли, чиройли калта қора соқол-мўйловли, қўй кўзли, юзи қип-қизил киши эди* (Ҳ. Фулом).

Бир гап ичида келтирилган ҳар тўрттала мураккаб сўз бирикмалари *кишига* нисбатан бутунлигича мураккаб аниқловчи вазифасида бўлиб, ҳоким аниқланмиш сўз (киши) ҳам шу мураккаб сўз бирикмаси таркибига кирмоқда.

Бир гап таркибида бир сўз бир вақтнинг ўзида икки, уч ва ундан ортиқ турли типдаги сўзлар билан алоқага кириши мумкин. Масалан: *Кимдир уни олачилвир билан зиркка маҳкам боғлаб, қўйган эди* (П. Қодиров). Бу гаптаги сўзлар алоқасини қўйидаги схемада кўрсатиш мумкин:

уни	-> боғлаб қўйган эди;
олачилвир билан	
зиркка	
маҳкам	

Бу гаптаги *у, олачилвир, зирк, маҳкам* сўзлари лексик-семагтик ва грамматик томонлардан ўзаро алоқага киришмаганлар. Уларнинг ҳар бири *боғлаб қўймоқ* феъли билан алоқага киришган.

Бу типдаги бирикмалар юзаки жиҳатдан уюшиқ бўлакларга ўхшаб кетади, чунки уюшиқ бўлакли бирикмаларда ҳам бир ҳоким сўз бир неча конкретлаштирувчи сўзлар — тобе сўзлар билан алоқага киришади ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида содда сўз бирикмасини ҳосил қилади. Лекин бу типдаги бирикмалар тенг сўзли бирикмалардан тубдан фарқ қилади. Тенг сўзли бирикмаларда ҳоким сўз бир хилдаги, бир хил типдаги сўзлар томонидан конкретлаштирилиб, бир хил типдаги бир неча содда сўз бирикмаларини ҳосил қилинса, кейингисиде ҳоким сўз турли типдаги сўзлар билан

да турн — содда ва қўшма сўз бирикмалари ўртасидаги бир оралиқ тип — переходный тип (ўткинчи тип) деб атайди. *Қаранг:* Словосочетания как специфическая единица в составе предложения, Ученые записки МГПИ им. В. И. Ленин, т. СХХХII, вып. 8, М., 1958, стр. 259—260; проф. Е. В. Кротович эса бу тип бирикмаларини слитные (бирга қўшилган, туташ) сўз бирикмалар деб атайди. *Қаранг:* Словосочетание и синтагма. Сопешание языковедов Юга России... (тезисы докладов), стр. 4.

конкретлаштирилиб, турли типдаги содда сўз бирикмалари ҳосил қилади. Уларда ҳоким ва тобе сўзларнинг боғланиш усуллари ҳам турличадир.

Маълумки, гапнинг асосини предикатив бирикма ташкил этади. Фақат предикатив бирикманинг ўзидангина жуда содда фикр (ҳаракат ва шу ҳаракатнинг бажарувчисигина, белги ва шу белгининг эгасигина ва ҳ. к. каби) ифодаланади. Бу эса фикр баён қилиш учун, албатта, кифоя эмас. Тил орқали фақат содда фикрларнинггина эмас, мураккаб фикрларни ҳам баён қилинади. Фикрнинг мураккаблашиши эса сўзларнинг конкретлаштирувчи сўзларни олиб кенгайишидан вужудга келади. Шунинг учун бир сўз — ҳоким сўз бир неча сўзлар билан алоқага кириб конкретлашиши мумкин. Гап таркибида ўзаро алоқага киришадиган сўзларнинг миқдори қанча кўпайса, ўша гап орқали ифодаланадиган фикр ҳам шунча мураккаблашиб, конкретлашиб боради. Ҳатто мураккаб фикрларни ифодаловчи қўшма гаплар ҳам ана шу содда гаплар таркибининг конкретлаштирувчи сўзлар орқали кенгайиб бориши натижасида пайдо бўлгандир. Шунинг учун табиийдирки, бир гап таркибида бир сўз бир вақтнинг ўзида бир неча сўзлар билан боғланиб, алоқага кириб, турли томонлардан конкретлашиши мумкин. Ўша конкретлашаётган сўз—бош—ҳоким сўз конкретлаштирувчи сўзларнинг ҳар бири билан тўғридан-тўғри алоқага кириб, уларнинг ҳар бири билан алоқидан сўз бирикмалари ҳосил қилади (юқоридаги мисолларга қаранг).


Бу типдаги бирикмаларни мураккаб сўз бирикмалари билан мулоқат тенглаштириб бўлмайди. Чунки буларда сўзларнинг лексик-семантик муносабатлари, бутун сўз бирикмаси орқали ифодаланадиган маъно тамомила фарқлидир. Юқорида келтирилган мисоллардан иккитасини қиёслаб кўрайлик: *«Катта дарвозанинг рўпарасидаги йўлакнинг тепасига қафасда осиб қўйилган бир жуфт қумрини жуда яхши кўрар эдим. Бу гапда катта сўзи дарвозага нисбатан аниқловчи, ҳар иккови бирликда рўпарасига нисбатан аниқловчи, ҳар учови бирликда йўлакка нисбатан аниқловчи, ҳар тўрттала сўз биргаликда бутунлигича тепасига нисбатан аниқловчи, катта дарвозанинг рўпарасидаги йўлакнинг тепасига мураккаб бирикмаси эса осиб қўйилганга нисбатан ҳол вазифасини бажармоқда; катта дарвозанинг рўпарасидаги йўлакнинг тепасига осиб қўйилган мураккаб бирикмаси эса бир жуфт қумрига нисбатан мураккаб аниқловчи вазифасида қўлланган; ўз навбатида бир сўзи жуфтга нисбатан, бир жуфт эса қумрига нисбатан аниқловчи, катта дарвозанинг рўпарасидаги йўлакнинг тепасига қафасда осиб қўйилган бир жуфт қумри бирикмаси эса бутунлигича жуда яхши кўрар эдимга нисбатан мураккаб тўлдирувчи вазифасида қўлланган. Шундай қилиб, бу гапда сўзларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан алоқага киришиб, ўзаро чатишиб кетган.*

Кимдир уни ола чилвир билан зиркка маҳкам боғлаб қўйган эди гапида эса сўзларнинг муносабати бутунлай бошқача. Бунда бир бош сўз тўрт томондан конкретлашмоқда ва бош (ҳоким) сўз

уларнинг ҳар бири билан алоқага кириб, турли сўз бирикмалари ҳосил қилмоқда. Масалан; *уни боғлаб қўйган эди; ола чилвир билан боғлаб қўйган эди; зиркка боғлаб қўйган эди; маҳкам боғлаб қўйган эди.*

Агар бу типдаги бирикмаларни ҳам мураккаб сўз бирикмаларига киритадиган бўлсак, у тақдирда барча содда гапларни ҳам мураккаб сўз бирикмалари деб аташга тўғри келар эди, чунки ҳар қандай содда гап таркибидаги сўзларнинг ҳар бири албатта, шу гап таркибидаги бошқа бир сўз билан алоқага кирган бўлади. Гап таркибида ўзаро алоқага кирмаган сўзлар иштирок этмайди. Агар гап таркибида бирор сўз иккинчи бир сўз билан алоқага кирмаса, у сўз гап бўлагаи вазифасини бажара олмайди (бундан, албатта, гап бўлаклари билан грамматик алоқага кирмаган сўзлар истиснодир). Умуман тил система характерига эга бўлиб, унинг ҳар бир элементи ўзаро боғлангани, бири-бирини тақозо қилгани каби, тилнинг асосий бирлиги бўлган гапнинг ҳам бир элементи ўзаро алоқага кирган бўлади. Бу эса тилнинг система характерини яна бир бор таъкидлайди.

Айрим тилшунослар юқоридаги каби бирикмаларни ҳам мураккаб сўз бирикмаларига киритадилар. Проф. Н. Н. Прокопович: *вложить патрон в ружье (ўқни милтиққа жойламоқ), вдеть нитку в иголку (ипни нинага ўтказмоқ), вбить молотком гвоздь в стену (михни болға билан деворга қоқмоқ)* каби бирикмаларни мураккаб сўз бирикмаларининг бир тури (лекин асосий тури эмас, икки асосий турдан ташқари учинчи тури, группаси) деб атайди ва бу тип учун қуйидаги схемани келтиради:




Юқорида айтилганидек, бу типдаги бирикмаларни мураккаб сўз бирикмаларига киритиб бўлмайди. Улар мураккаб сўз бирикмалари эмас, аксинча, бир неча содда сўз бирикмаларидир.

Шундай қилиб, бир сўз бир неча сўзлар билан алоқага кириши мумкин, лекин бундай вақтда ҳамма вақт мураккаб сўз бирикмалари ҳосил бўлиши шарт эмас, аксинча бир неча содда сўз бирикмалари ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун мураккаб бирикмаларни бундай бирикмалардан фарқламоқ зарур.

Ўзбек тилида *Катта Фарғона канали, болалар боғчаси, дам олиш уйи, юк ташувчи машина, тепловоз қурувчи завод, Жанубий Украина, пахта терши машинаси, Ўзбекистон Совет социалистик республикаси, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Давлат нашриёти* ва ҳ. к. жуда кўп таркибли би-

³⁵ Н. Н. Прокопович. К вопросу о простых и сложных словосочетаниях, ВЯ. 1959, № 5, стр. 30. Шу автор. Словосочетание в современном русском литературном языке, М., 1966, стр. 70. Проф. Ю. Сейидов ҳам бундай бирикмаларни мураккаб сўз бирикмаларига киритади. Қаранг: Озарбайжон адабий тилида сўз бирикмаларни, 152-бет.


рикмалар қўлланади. Бу бирикмалар бутунлигича тилда бирор предмет, фан, санъат, маданият, давлат органлари, ижтимоий тузум, турли социал ҳодисалар ва ҳ. к. ларнинг номларини ифодалаш учун хизмат қилади. Буларнинг характерли хусусияти улар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Бу бирикмаларнинг компонентлари ўз лексик маъноларини тўлиқ сақлайдилар, бир-бирлари билан ўзаро лексик-семантик ва грамматик муносабатларда бўладилар. Бу муносабатлар мураккаб сўз бирикмаларидаги муносабатлардан фарқ қилмайди, қуйидаги схемалар бунни яққол кўрсатади:



Лекин бу бирикмалар бутунлигича бир тушунчани реаллаштиради. Бундай бирикмаларни барқарор лексик birlikлар ёки барқарор таркибли бирикмалар деб аташ мумкин ва уларни бирикмаларнинг алоҳида тури сифатида ажратмоқ керак³⁶.

Барқарор таркибли бирикмалар ўзларининг барча хусусиятлари билан мураккаб сўз бирикмаларига жуда яқин туради, шунинг учун уларни мураккаб сўз бирикмаларининг бир тури деб қараш мумкин³⁷.


Мураккаб сўз бирикмаларининг биринчи типи деб аталган семантик бутун мураккаб сўз бирикмаларининг³⁸ характерли хусусияти шундан иборатки, улар лексик маънога эга бўлган мустақил сўзлардан ёки мустақил ва кўмакчи отлардан ташкил топади. Бир бутун маъно мундарижасига эга бўлишига қарамай, унинг таркибидаги ҳар бир сўз лексик маъносига эга бўлади. Компонентлар ўзаро лексик-семантик ва грамматик алоқага кирган бўлади. Масалан;



³⁶ Бу тип бирикмалар алоҳида ишнинг мавзундир.

³⁷ Мураккаб сўз бирикмалари, уларнинг структурасига кўра типлари. пайдо бўлиш усуллари, компонентларнинг ўзаро муносабати, муносабатга кириш усуллари ва ҳ. к. лар. Н. Бозорбоевнинг шу масалага бағишланган махсус диссертация ишида баён этилган. Қаранг: Н. Б а з а р б а е в. Сложные словосочетания в тюркских языках (На материале казахского и узбекского языка).

³⁸ Бушдан сўнг бу тип бирикмаларни ана шундай ном билан юртамиз.



Юқоридаги мисолларда семантик жиҳатдан ажралмас, бир бутун маъно мундарижасига эга бўлган содда сўз бирикмаси бир бош (ҳоким) сўз билан муносабатга киришган ва бутунлигича ҳоким сўзни изоҳламоқда. Лекин содда сўз бирикмаси лексик-семантик жиҳатдан бутунлигига қарамай, унинг компонентлари ўз лексик маъноларига эга, ўзаро грамматик алоқага киришган. Масалан: *ўрта ёшли одам* бирикмасида *ўрта* сўзи *ёшли* сўзига нисбатан аниқловчи, *ёшли* эса аниқланмиш, ҳар икки сўз ўзаро битишув йўли билан алоқага киришган ва содда аниқловчили сўз бирикмаси пайдо бўлган. Бу аниқловчили содда сўз бирикмаси эса бутунлигича *одам* сўзига нисбатан аниқловчи вазифасини ўтамоқда. Натижада мураккаб аниқловчили сўз бирикмаси ташкил топган. Кейинги мисолларда ҳам мураккаб сўз бирикмаси компонентларининг ўзаро муносабатлари худди ана шундайдир.

Бу типдаги мураккаб сўз бирикмалар (ҳоким сўзга тобе қисми) семантик жиҳатдан фразеологик бирликларга жуда ўхшаб кетади. Фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан бир бутун бўлиб, бутунлик таркибий қисмларга ажралмайди, бутунлигининг бирорта сўзини тушириб бўлмайди, агар туширилса, маъно бутунлиги йўқолади. Бу сўз бирикмаларида ҳам худди шундай. Фақат фарқ шундаки, фразеологик бирликлардаги каби бу мураккаб бирикмаларда компонентлар ўз лексик маъноларини йўқотмайди, тўлиқ сақлайди, грамматик жиҳатдан ҳам фразеологик бирликлардаги каби ортиқ бирикиб кетмаган. Фразеологик бирликлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлса, бу мураккаб бирикмалар нутқ процессида тузилади.

Фразеологик бирликларда кўпинча бирикма таркибидаги сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштириб бўлмайди, улар бутунликдан иборат, агар алмаштирилса, ўша бутунликдан англашилган маъно йўқолади, фразеологик бирлик бузилади. Шунинг учун ҳам фразеологик бирликлар, турғун бирикмалар деб аталди.

Семантик бутун мураккаб сўз бирикмалари эркин бирикмалар, улар маъно талабига кўра нутқ процессида тузилади, ташкил топади. Шунга кўра уларнинг компонентлари ўртасидаги муносабат ҳам эркин, компонентларини маъно талабига кўра бошқа сўзлар билан алмаштириш мумкин. Масалан:

*ўрта ёшли одам — катта ёшли одам;
ўрта бўйли одам — баланд бўйли одам;
арзон баҳо материал — қиммат баҳо материал;
икки қаватли бино — уч қаватли бино;
уч сўмга олди — беш сўмга олди ва ҳ. к.*

Семантик бутун сўз бирикмалари турли сабабларга кўра пайдо бўлади.

Семантик бутунликнинг ҳоким сўзи иккинчи бир сўз билан алоқага кирганида ва унга нисбатан тобе — конкретлаштирувчи сўз вазифасини бажарганда ўша сўзнинг бирор белгисини етарли даражада конкретлаштира олмайди, унинг семантик маъноси бунинг учун етарли бўлмайди. Шунинг учун у ўзига тобе бўлган бошқа бир сўз билан алоқага киришади, у сўз унинг семантикасини тўлдиради ва у билан биргаликда бутунлигича учинчи бир сўзни конкретлаштиради. Масалан: *баҳо материал* деб бўлмайди, чунки *баҳо материал*нинг белгисини конкретлаштириш учун семантик жиҳатдан етарли эмас, шунинг учун *баҳо сўзи* аввал *арзон ёки қиммат* каби бирор сўз билан алоқага кириб ўзи конкретлаштириш керак, сўнг у билан биргаликда бутунлигича кейинги сўзни конкретлаштиради. Қуйидагиларда ҳам худди шундай: *ёшли одам — ўрта ёшли одам, бўйли одам — ўрта бўйли одам, қаватли бино — уч қаватли бино, сўмга олди — уч сўмга олди, кун/ой/йил/ҳафта ишлади — икки кун/ой/йил/ҳафта ишлади* ва ҳ. к.

Хуллас, семантик бутун бирикманинг пайдо бўлишига сабаб шу бирикма ҳоким сўзининг семантик маъносидир Айрим сўзларнинг семантик маъноси етарли бўлмаса, унинг ўзи конкретлаштирувчи сўз олмай, ёлғиз иккинчи бир сўзга нисбатан конкретлаштирувчилик вазифасини ўтай олмайди. Масалан: *болали хотин* (болага эга бўлган хотин) деб қўллаш мумкин, лекин *қаватли бино* (қаватга эга бўлган бино) деб қўллаб бўлмайди. Чунки *қаватли сўзининг* семантик маъноси *бино сўзини* конкретлаштириш учун етарли эмас; шунинг учун *қаватли сўзининг* ўзи аввал бирор конкретлаштирувчи сўзни олиб, семантик маънони тўлдирилиши керак ва шундагина у ўша сўз билан биргаликда кейинги сўзга нисбатан конкретлаштирувчилик вазифасини бажара олади.

Юқориде айтилганидек, семантик бутун бирикма фақат икки сўзли бўлиши шарт эмас, иккидан ортиқ сўзлардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. У вақтда икки сўзлик семантик бутунликда юз берадиган ҳодиса қайтарилади, лекин бу ҳодиса унга нисбатан мураккаблашган бўлади. Масалан: *ўтган йили «Андижон» совхози беш юз гектарга яқин янги ерларни ўзлаштирди* (газетадан). *Қолхоз клубининг янги биноси уч йил ўтгандан кейин ҳам ўша ҳолида турар эди* (газетадан). *...Қолхоз раҳбарлари ҳосилдорликни оширишга етарли эгтибор бермаётирлар, ҳосилдорлик бундан беш йил аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўша даражада қолиб келмоқда* (газетадан).

Айрим вақтларда семантик бутунлик пайт маъносини билдириганда, пайт маъносини таъкидлаш, яна ҳам конкретлаштириш мақсадида унинг таркибига яна бошқа бир пайт билдирувчи сўзнини ҳам киритиш мумкин. Масалан: *концерт соат еттидан ўттиз минут ўтганда бошланади — концерт кечқурун еттидан ўттиз минут ўтганда бошланади.*

Семантик бутун мураккаб сўз бирикмалари таркиби жиҳатидан қуйидагича:

1) саноқ сон + нумератив сўз + мураккаб бирикманинг ҳоқим сўзи — от ёки феъл.

Бу бирикмада саноқ сон нумератив сўзга нисбатан аниқловчи вазифасида бўлади, аниқловчи — саноқ сон ва аниқланмиш — нумератив сўз бир семантик бутунликни ташкил этади ва бутунлигича мураккаб сўз бирикмасининг ҳоқим сўзи билан муносабатга қиради ва уни конкретлаштиради.

Нумератив сўзлардан қуйидагилар иштирок этади: оғирлик ўлчови: *килограмм, грамм, тонна, центнер, пуд, литр*; узунлик ўлчови: *қарич, сантиметр, метр, километр (чақирим)*; сатҳ ўлчови: *гектар, сотиҳ, таноб*; предметларни доналаб, тўдалаб ўлчашда қўлланадиган: *дона, бош: нусха, тўп, тўда, гала, гуруҳ, той, жуфт*; температура ўлчови: *даража* ва ҳ. к. лар.

Мисоллар: *Ленин номли колхоз ҳар кун ич процент пахта топширмақда (газетадан). Бригада аззолари бу йил бир юз ўн гектар ернинг ҳар гектаридан қирқ центнердан пахта ҳосили олишга ваъда берганлар (газетадан). Охунбобоев районидagi «Оқ олтин» колхоз қишлоқларини туташтирадиган 50 километр йўлга шағал тўкилиб, асфальт ётқизилди (газетадан). 1800 метр чуқурликкача қазиб борилган кон-қудуқдан нефть фонтани отилиб чиқди (газетадан). Ленин районидagi Свердлов номли колхознинг илғор сўт соғувчиси Қундузхон Маматова ўтган йил ўз боқимидаги 30 бош сигирнинг ҳар биридан 2700 литр сўт соғиб олди (газетадан). Цех машинада терилган 150—200 тонна пахтани бир кеча-кундузда қуриштириши ва тозалаш мумкин (газетадан). Қишда ҳавонинг ҳарорати 20 даража иссиқ бўлиши керак, лекин бизнинг цехимизда ҳамма вақт совуқ... (газетадан). Совхоз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна камида 2500 тонна пахта сотиши ва ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиши мажбуриятини олдилар (газетадан). Ҳали бир қарич ерни ҳам нобуд қилганим йўқ, қилмоқчи ҳам эмасман (Ғ. Фулом).*

2) Миқдор билдирувчи дона, марта, туп, отим, бурда ва ҳ. к. сўзлар ҳам саноқ сонлар билан бирга семантик бутунлик ҳосил қилади. Масалан: *Феруза бир бурда патир нондан ушатиб, ҳовузнинг ўртасига отди (Ҳ. Фулом). У бир туп ғўза тагида чўққайиб, шохлардаги очилган, очилмаган бўлиқ кўсақларни битталаб санади (Ҳ. Фулом). — Жон қоптими, ака, — Илҳомча кулди. — Раис ҳар кун ич марта терлайди лар... (Ҳ. Фулом). Олий танга — йиртиқ*

чорикни яматин билан икки оти м носга етади, холос (Ҳ. Ғулом).

3. Челақ, этак, қоп, вагон, машина, цистерна, бочка, яшиқ ва ҳ. к. отлар ҳам саноқ сонлар билан бириқиб семантик бутунлик ҳосил қилади ва ҳоким сўз — отни миқдорига кўра аниқлайди. Масалан: — *Мирзачўлнинг ери нозик, — Норқўзи ҳикоясида давом этди, — бу эгатга бир челақ сув қуйсангиз, у эгатдан чиқади (Ҳ. Ғулом). Чўлбобо боғдан бир этак олма олиб чиқди (Ҳ. Ғулом). ...турили илмий-тадқиқот институтларига, Совет Иттифоқи ва чет мамлакатлардаги ҳаваскор боғбонларга ёнғоқнинг янги навлари солинган минг яшиқ посылка жўнатди (газетадан). Шутарика ўтган ойда 200 вагон қўшимча юк ортиб жўнатилди (газетадан). Дала айланиб чарчаб келган агроном кетма-кет икки пилачой ичди (газетадан).*

Саноқ сон ва нумератив сўзлар; саноқ сон + миқдор билдирувчи *дона, марта, туп, отим, бурда* ва ҳ. к. сўзлар; саноқ сон + челақ, этак, қоп ва ҳ. к. отлар билан тузилган семантик бутунлик *яқин, ортиқ, кам* каби даража миқдор равишлари билан кенгайиши мумкин. У вақтда семантик бутунликнинг от қисми жўналиш ёки чиқиш келишиги формасида бўлади.

Даража-миқдор равишларининг орттирилиши билан семантик бутунликдан англашиладиган конкрет миқдор поаниқлашади. Масалан: *Хоразм область партия-хўжалик активининг йиғилиши давлатга пландан ташқари 20 минг тоннадан ортиқ пахта сотишга қарор қилди (газетадан). «Красная заря» пахта қабул қилиш пунктида суткасига 30—40 тоннадан кам пахта қуритилмоқда (газетадан)* ва ҳ. к.

4. Саноқ сон + пайт-миқдор билдирувчи *соат, кун, сутка, ҳафта, ой, йил* каби отлар + мураккаб сўз бирикмасининг ҳоким сўзи. Масалан: *икки соат ишлади, уч кун ишлади, икки йил ўқиди* ва ҳ. к.

Бу мураккаб сўз бирикмаларида семантик бутунлик ҳаракатнинг аниқ қанча муддат давом этганлигини билдиради. Семантик бутунликнинг от қисми бош келишиқда бўлади.

Семантик бутунликнинг от қисми фақат бош келишиқ формасида эмас, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқ формаларида ҳам бўла олади. Бу, албатта, семантик бутунликнинг ҳоким сўзи феълнинг семантикаси билан боғланган бўлиб, турили келишиқ формаларининг қўлланиши билан мураккаб сўз бирикмасининг маънолари ҳам бир-биридан фарқланади. Масалан: *икки соатга келди, икки соатда келди; икки йилга келди, икки йилда келди; икки йилга кетди, икки йилда кетди; ўқишга кетганига икки йилдан ошди; икки кунга келди, икки кунда бажарди; икки йилга ўтди, икки йилда ўтди, икки йилдан ўтди; Сиз икки ойни гапирасиз, Феруза (Ҳ. Ғулом)* ва ҳ. к.

Семантик бутунликнинг от қисми тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқ формаларидан бирини олгани ҳолда феълнинг сифатдош формаси билан муносабатга кириши ва у билан бир семан-

тик бутунлик ҳосил қилгани ҳолда кейинги сўз — ҳоким сўз билан муносабатга кириши мумкин. Бу вақтда семантик бутунликнинг таркиби яна ҳам кенгайган бўлади. Масалан:

*беш йилни ўз ичига олган план,
беш йилда бажариладиган план,
беш йилга мўлжалланган план,
беш йилдан ўтмай бажариладиган план,
беш йилда бажарилиши керак бўлган план* ва ҳ. к.

Бу семантик бутунлик бундан кўра ҳам кенгайган бўлиши мумкин. Масалан: *Мана, орадан икки ой ўтгандан кейин бундай саволга ҳожат қолмади* (Ҳ. Ғулом).

Бу семантик бутунликлар *илгари, аввал, бурун, кейин, сўнг, бери, буён* каби равиш + кўмакчилар билан ёки III шахс эгалик ва ўрин-пайт келишиги аффиксини олган *ичида, давомида, мобайнида* каби от кўмакчилар билан қўлланиб кенгайиши мумкин. Бунда семантик бутунликнинг қисми маъно талабига кўра мураккаб сўз бирикмасининг ҳоким қисми — феъллар ифодаланган ҳаракатнинг қанча муддат олдин ёки кейин юз берганини ёки қанча муддат давом этганини билдиради. Масалан: *Қизиқ, бошқа шафтўлилардан би р ҳ а ф т а и л г а р и гуллайди-ю, яна ҳаммадан кейин, мезон ўрталарига бориб пишади* (М. Исмоилий). *Қардош Совет Қозоғистони шонли 50 й и л и ч и д а экономика, фан, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларда жуда катта ютуқларга эришди* (газетадан). *Саудия Арабистонининг авиацияси сўнгги уч кун мобайнида Жанубий Яман қўшинларининг позицияларига 24 марта ҳужум қилди* (газетадан).

Бу тип семантик бутунликлар *-ги* аффиксини олган *сўнг, кейин, охир* каби равишларни олиб кенгайиши ҳам мумкин. Масалан: *Колхозимиз сўнгги уч йил мобайнида пахтадан муттасил мўл ҳосил етказиб келмоқда* (газетадан). *Кейинги ўн йил ичид а шаҳарнинг туси бутунлай ўзгариб кетди* ва ҳ. к.

Семантик бутунлик кўрсатиш олмошларини олиб кенгайиши ҳам мумкин. *Аввал, бурун, илгари* каби равиш кўмакчилар билан тузилган семантик бутунлик олдидан чиқиш келишидаги *бу* олмоши (бундан) келтирилиб, семантик бутунликдан англашилган пайт ёки миқдорнинг қачон бошланганини билдиради.

Масалан: *У бундан уч йил аввалги Тоштемурга ўхшамаса ҳам, Ҳанифанинг юраги бу кекса солдатнинг Тоштемур эканига шонди* (Ҳ. Ғулом).

Эгалик, ўрин-пайт аффиксларини олган — *ичида, давомида, мобайнида* от кўмакчилар билан тузилган семантик бутунликлар олдидан *шу, ўша* каби олмошлар келтирилиб, семантик бутунликдан англашилган пайт ёки миқдор маъноси таъкилланади. Масалан: *Ҳасанали шу беш кун ичид а маҳбусларнинг нажотлари йўлида қора пуллик иш чиқара олмаганидек, бундан кейин ҳам бир иш қила олишига кўзи етмай қолди* (А. Қодирий). *Урганч районидаги машъал Ленин номли колхоз шу тўрт йил мобайнида давлатга 17775 тонна «оқ олтин» етказиб берди* (газетадан).

Мураккаб сўз бирикмасининг семантик бутунлик томонидан изоҳланаётган феъл қисми сифатдош ёки равишдошлардан бўлса, у сифатдош ёки равишдош ҳам шу семантик бутунлик таркибига киради ва ҳаммаси бутунлигича бошқа бир сўзга нисбатан аниқловчи ёки ҳол вазифасини бажаради. Масалан... *Ҳанифа уйининг столида хира ёниб турган керосин чироқ олдида Тоштемирнинг бундан олти ой аввал келган хатини ўқиб ўтирарди* (Ҳ. Ғулом). *Бу ишларни у бундан беш йил илгари бажариб тугатган эди* (газетадан). *Колхоз равлениеси шу беш йил ичида қилинадиган ишларнинг қатъий планини белгилаб чиқди* (газетадан).

Саноқ сон — пайт-миқдор билдирувчи отлардан тузилган семантик бутунликнинг от қисми -лик аффиксини олиб белги билдирувчи сўзга айланиши ва семантик бутунлик кейинги отга—ҳоким сўзга нисбатан аниқловчи вазифасини бажариши мумкин. Масалан: *икки кунлик иш ҳақи, уч ойлик мажбурият, беш йиллик план* ва ҳ. к. Баъзан -лик аффикси, юқоридаги мисоллардаги каби, ясовчилик ролини бажармай, семантик бутунликдан англашилган маънони таъкидлаш учун ҳам қўшилиши мумкин. Масалан: *Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга кирди* (А. Қодирий).

Қиёсланг: *Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин...*

уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин...

5) саноқ сон+қиймат ўлчови чақа, танга, тийин, сўм ва ҳ. к. Масалан: *ҳар биримизга кулбамизда нечта оғиз қараб турибди, икки танга рўзғорга урвоқ ҳам бўлмайди* (Ҳ. Ғулом).

Бу семантик бутунлик кўпинча пул сўзига аниқловчи бўлиб келиб бутунлигича семантик бутунлик ҳосил қилади. Масалан: *Тоштемирнинг белбоғида олти танга пули қолди* (Ҳ. Ғулом).

Семантик бутунликнинг от қисми сўм сўзига -лик аффикси қўшилганда, бу семантик бутунлик аниқланмиш — ҳоким сўз орқали ифодаланаётган предметнинг қийматини билдиради. Масалан: *беш сўмлик материал, икки сўмлик конверт; Трест қисқа муддат ичида бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради* (Газетадан) ва ҳ. к.

6) Саноқ сон+сон билан санаш мумкин бўлган предметни билдирувчи от+лик аффикси.

Бу семантик бутунлик ўша сон билан санаб бўладиган предметнинг миқдорини билдиради ва аниқланмиш от орқали ифодаланган предметни ўша миқдорга кўра аниқлайди. Масалан: *100 минг кишилик стадион; уч минг ўринлик клуб; 200 квартиралик уй, 500 варақлик китоб, 50 минг сўзлик луғат, саккиз соатлик иш кўни* ва ҳ. к.

7) саноқ сон+соат сўзи. Бу семантик бутунлик ҳаракат билдирувчи сўз билан муносабатга киради ва ўша ҳаракатнинг қанча муддат давом этганини билдиради. Семантик бутунликнинг от қисми маъно талабига кўра бош, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқ формаларидан бирида бўла олади. Масалан: *уч соат ишлади, уч соатга кетди, уч соатда келди, уч соатдан ўтди* ва ҳ. к.

Кўпинча семантик бутунлик таркибидаги сўзларнинг ўрни алмашган ҳолда ҳам қўлланади, у тақдирда ҳоким сўз—феълдан англашилган ҳаракатнинг аниқ бажарилган пайти ифодаланади. Бунда сон ўрин-пайт келишиги формасида бўлади, лекин бошқа келишик формаларида келиб, турли маъноларни ифодалаши ҳам мумкин. Масалан: *соат учда келди, соат учга етиб келди, соат учдан кечикма, соат учни ёддан чиқарма* ва ҳ. к.

Агар келишик аффиксидан олдин кўплик аффикси *-лар* қўшилса, пайт маъноси ноаниқлашади. Масалан: *соат иккиларда келди, мажлис соат учларда бошланди, соат учларга етиб кел* ва ҳ. к.

Бу семантик бутунликлар маъно талабига кўра анча ёйиқ, кенгайган ҳолда ҳам қўллана олади. Масалан: *соат иккидан ўттиз минут ўтганда келди, мажлис кечқурун соат еттидан ўттиз минут ўтганда бошланди, мажлис кечқурун соат еттига яқин бошланди, мажлис кечқурун соат еттидан кейин бошланди* ва ҳ. к.

8) Саноқ сон+жўналиш ёки чиқиш келишиги аффикси+чама маъносини билдирувчи *яқин, ортиқ, кўп, оз, кам, ошган* каби миқдор равишлари. Бу семантик бутунлик ҳоким сўз — отни ноаниқ миқдорига кўра аниқлайди. Масалан: *Мажлисга юзга яқин киши қатнашди, юздан ортиқ, юздан кам, юздан кўп. У ёши ўттизлардан ошган бир киши эди* ва ҳ. к.

Агар *чама* сўзи қўшиладиган бўлса, у тақдирда бу сўз III шахс эгалик, ўрин-пайт ва *-ги* аффиксларини олади, сон эса бош келишик формасида бўлади. Масалан: *Мирзакарим исмли ёши қирқ беш — элликлар чамасидаги киши эди*. Бунда сон жуфт сонлардан бўлади ва кўпинча *-лар* ни олган ҳолда қўлланади.

Семантик бутунликнинг от қисмига *-лаб* аффикси қўшилганда шу семантик бутунликдан англашилаётган миқдорнинг кўплигини билдиради. Қиёсланг: *10 кун қолди — Ун кунлаб қолди*. Масалан, *Иван Андреевич... «Мирзачўлводстрой»да ўн кунлаб қолиб, кузги, қишки ишларни бошлаб бериб кетади* (Ҳ. Фулом).

9) Тартиб сон + отдан ташкил топган семантик бутунлик.

а) Тартиб сон+кун, ҳафта, ой, йил, соат каби пайт маъноси билан боғланган отлар. Бу семантик бутунликнинг тартиб сон билан ифодаланган қисми ҳамма вақт от қисмига нисбатан аниқловчилик вазифасини бажаради, лекин от қисми эса маъно талабига ва ҳоким сўз талабига кўра турли келишик формаларида бўла олади ва ҳоким сўзини турли жиҳатдан изоҳлайди.

Масалан: *Мажлис иккинчи ҳафтанинг биринчи кунига белгиланган эди. Мусобақа иккинчи кунининг қутилмаган воқеаси оғир вазндаги... Бабарикнинг мағлубияти бўлди* (газетадан).

б) Тартиб сон+ой номлари ёки *йил* сўзи. Бу семантик бутунлик бирор воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатнинг аниқ содир бўлган пайтини билдиради. Бунда семантик бутунлик фақат тартиб сон+*йил* сўзидан ёки тартиб сон+бирор ой номидан ташкил топиши мумкин. Ёки пайт маъносини яна ҳам коңкретлаштириш учун ҳар иккала содда семантик бутунлик келтирилиб, улардан яна ҳам мураккаброқ семантик бутунлик ҳосил қилиш мумкин.

Масалан: 1969 йилда соғлиқни сақлаш ишларига салкам 8,5 миллиард сўм сарф қилинди (газетадан); 12 декабрда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди (газетадан). Совет Иттифоқи... Яқин Шарқ масаласини сиёсий жиҳатдан ҳал этиш учун ҳавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюцияси ҳамма қоидаларини бажариш учун курашини давом эттираверади (газетадан)... бугун 1970 йил биринчи мартда Австрия миллий кенгашига бўладиган сайловларга ва 1970 йил 10 январга мўлжалланган партия конференцияларига тайёргарлик кўришига доир масалаларни муҳокама қилди (газетадан).

Аслида кейинги бирикма қаратқич ва қаралмиш муносабатидан иборат бўлган, лекин ҳозир кўпинча қаратқич ва эгаллик аффиксларисиз қўлланади. 1970 йилнинг ўнинчи январи — 1970 йил ўнинчи январь каби.

в) Тартиб сон+от. Бу бирикмада тартиб сон ҳоким сўзи от орқали ифодаланган предметнинг тартибини билдиради ва от қисми бирор келишик аффиксини олган ҳолда бутунлигича бирор сўз (от ёки феъл) билан алоқага киради ва уни конкретлаштиради. Масалан: *мусобақада бешинчи синф ютди; бешинчи синфнинг ўқувчилари; бешинчи синфни битирди; бешинчи синфда ўқийди* ва ҳ. к.

г) Тартиб сон+от. Бунда тартиб сон ўз ҳоким сўзи — отнинг белгисини билдиради ва иккиси бутунлигича учинчи сўзини — ҳоким сўзини конкретлаштиради. Масалан: *биринчи сорт пахта* ва ҳ. к.

Сўз бирикмалари ўз таркиби — ҳажмига кўра анча мураккаб. Биз юқорида мураккаб сўз бирикмаларининг фақат бир типини — семантик мураккаб бутунликларнигина баён қилишга интилдик. Мураккаб сўз бирикмаларининг қолган типлари эса алоҳида текширишни талаб этади.